

РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ



ТАЪЛИМ
ТАРБИЯ

ТАФАККУР
ТАРАҚҚИЁТ




SN000033145

Уз)
7

РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ

**ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ,
ТАФАККУР, ТАРАҚҚИЁТ**

(чизгилар)



926404

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2015

УЎК:808.5

КБК: 83.7

Ж 87

Масъул мухаррир:

С. Олим – филология фанлари номзоди, профессор в.б.

Махсус мухаррир:

А. Пиримкулов – филология фанлари номзоди.

Такризчилар:

А. Тохириён – тарих фанлари номзоди.

С. Тўйчиева – психология фанлари номзоди, доцент.

Ш. Жумаев – магистр, доцент в.б.

Жуманиёзов, Раҳимбой

Таълим, тарбия, тафаккур, таракқиёт / Р. Жуманиёзов. - Тошкент:
ABU MATBUOT-KONSALT, 2015. – 152 б.

КБК 83.7

Олим, педагог ва мохир журналист Раҳимбой Жуманиёзов маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия тушунчаларига руҳан яқин ҳамда унинг тарғиботчиси, ташвиқотчиси сифатида чорак асрдан зиёд муддат мобайнида матбуот ва нашриёт, радио, телевидение соҳаларида меҳнат қилиб келаётган серқирра ижодкорлардан.

Ушбу китобда, унинг ўзи ўқиган, кўрган, билган, эшитган воқеа ва ходисаларга донишмандона муносабат тарзидаги чизгилари ўрин олган. Мажмуа ўқитувчи ва мураббийларга, хусусан, мантқиқий мушоҳадага мойил, фикрлаш лаззатидан баҳра олувчи, риторика ва нотиклик маҳорати билан қизиқувчи барча китобсеварларга мўлжалланган.

Китоб ўқиш, уқиш ва ўқитиш жараёнида, албатта, талаба ва педагоглар фаолиятида, уларда нутқ маданиятининг шаклланишида қўшимча манба сифатида аскалади.

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Пелмий Кенгашининг 2015 йил 12.майдаги йиғилиши қарори билан нашрга тасвир этилган.

Муаллиф ушбу китобнинг чоп этилишида маънавий мадади учун Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази ҳузуридаги "Маънавият тарғиботчиси" таълим муассасасига ва моддий рағбати учун эса "IQTIDOR-MA'RIFAT" МҶДЖ жамоасига миннатдорчилик билдиради.

ISBN 978-9943-4153-1-7 © «ABU MATBUOT-KONSALT», 2015 й.

“Инсон қалбига йўл, аввало, таълим ва тарбиядан бошланади”.

Ислом КАРИМОВ

ЧИЗГИЛАРИМ – СЕЗГИЛАРИМ

Олам ва одам муаммоси замин-у макон танламайди. У ҳақда баҳслар тугамаган, тугамайди ҳам. Ҳар кимнинг ўз ақл қаричи, дунёқарши, баҳолаш мезони бор. Яшаш қараш ва курашлар бирлигидан иборат экан, инсониятнинг тафаккур тарзи ҳам ўзига хос бўлиши – табиий.

Улуғ аллома Абдурахмон Жомийнинг:

“Ҳаёт сабоқларин этолмаса ёд,

Унга ўрғатолмас ҳеч қандай устод”, – деган ҳикматида ҳам ана шу теран ҳаётӣй ҳақиқат мужассам.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётда кўрган-кузатган, эшитган-билганларидан ҳикмат излайди. Ниманидир уқийди, англайди. “Ният – амалга яраша», – деган гап бор, ният хайрли бўлса, оқибат ҳам хайрли бўлади.

“Ғурбат излаганга – ғурбат бу дунё,

Иллат излаганга – иллат бу дунё,

Ким нени изласа, топар безумон,

Ҳикмат излаганга – ҳикмат бу дунё.” – деб ёзганда шоир Садриддин Салим Бухорий ҳақ эди.

Агар ўз мисолимда айтадиган бўлсам, кўплаб устозларнинг таълимидан, суҳбат-у сабоқларидан баҳраманд бўлганим учун фахрланиб юраман. Ўзбек филологиясининг дарғаларидан бўлган устозлар – Озод Шарафиддинов, Матёқуб Кўшжонов, Аюб Ғуломов, Муҳаммаднодир Саидов, Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Бегали Қосимов, Натан Маллаев, Лазиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Талъат Солиҳов, Иристой Кўчқортаев, Абдуғафур Расуловларнинг руҳлари шод, охираглари обод бўлсин. Уларнинг ҳар бир

дарслари алоҳида ҳикматлар сценарийси бўлганини кейинчалик англаб етдик. Улар умрини фанга фидо қилган олижаноб инсонлар экан. Шунинг учун ҳам уларнинг ўзлари, сўзлари, излари биз шоғирдлар учун ғоят ибрат ва сабоқ мактабидир.

Рус ёзувчиси Максим Горький: “Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун, китобдан миннатдорман”, – деган. Шунга монанд ҳолда, “Илм ва таълим йўлида эришган барча ютуқларим учун китобдан миннатдорман”, – дегим келади.

Шу ўринда устозимиз марҳум академик Матёқуб Қўшжоновни эсламасдан ўтолмайман. Мен у инсоннинг шахсий “ёзгичи” – котиб эдим. Иккинчи жаҳон урушининг асоратими ёки урушда мерган бўлгани учунми кўзлари хира тортиб, китоб ўқишга қийналардилар. Бирон адибнинг асарини таҳлил ва тадқиқ этиш зарурати туғилса, мен асарни устознинг “Легенда” русумли магнитофонига ўқиб – овоз ёздирардим. Кейин устоз уни эшитиб, асарнинг таҳлили бўйича ўз фикрларини қоғозга катта ҳарфлар билан қайд қилиб кўярдилар. Шу аснода, эрталаб ишга келганимиз заҳоти мақола ёзиш бошланарди. Устоз айтар, мен эса қоғоз юзига туширардим.

“Талаффузнинг тиниқ, нутқининг аниқлигида ҳикмат кўп, – дедилар устоз бир куни овоз туширилган янги микрокассеталарни олиб келганимда. – Тадқиқот сифати ва мазмунида сенинг ҳам ҳиссанг бор. Сен қандай ўқисанг, мен қандай эшитсам, таҳлил ҳам шунга яраша бўлади. Шунинг учун, бу масъулиятни ёддан чиқарма.”

Мен эса “Хўп!” – дердим итоаткорона.

Кейинчалик домла менга, ниҳоятда, ўзларининг яқин шоғирди дея қарай бошладилар. Микрокассеталарни тушдан кейин келтириб берсам, устоз уни эрталабгача тинглаб, таҳлилга тайёр бўлиб ўтирардилар. Улар айтиб турар, мен эса ёза бошлардим. Домлага ёрдам қилгандек бўлсам-да, аслида, улар менга ёрдам қилганларини, энди англаб етдим. Мақола мавзусини белгилаш, фикрни қоғозга тушириш

шақли, композицияси, уни ёритиш усуллари устоздан ўрганиб борардим. Устознинг иш услуби мени ҳайратлантирарди. Умрларининг сўнгги дақиқаларигача ижоддан, фикрлашдан тўхтамадилар, ҳисоби. “Уруш қатнашчиси, фахрийсиман”, – деб ташвишли юмушларни, ижодни чеккага қўйиб, кексалик хузур-ҳаловатини суриб юришлари ҳам мумкин эди. Лекин, устоз ўзларининг ибораси билан айтганда, “Қаттичиликни кўрган”, меҳнатдан хузур-ҳаловат топадиган инсонлардан эдилар. Баъзи кунлари бир соатга қолмасдан ўн саҳифалик мақолани ёзиш мумкин эди. Айрим кунлари домла жумлаларни тузиш, фикрни ифодалашга қийналиб ўтирардилар.

“Домла, “ишқом” келган пайтда ёзсак, яхшимасми?” – деб ҳазиллашардим. “Йўқ, – дердилар устоз мийиғида қулиб. – Чинакам олим ҳар кун беш бет ёзиб туриши керак, акс ҳолда қўл қаламдан чиқиб кетади. Фикр силлиқ ва равон бўлмаса-да, қозонни қоралаб туришни қанда қилмаслик зарур. Эртасига яна таҳрир қилиш мумкин”. Назмдагина эмас, насрда, танқидда ҳам оҳанг бўлишини домла бот-бот айтардилар. Баъзи сўзларнинг маънодошларини топишга қийналиб турган чоғларида, ўзим айтиб юборсам, хурсанд бўлиб: “Энди қолганини ўзинг ёзиб, тугатиб қўйсанг ҳам бўлади”, – деб ҳазиллашардилар.

Кейинчалик билдимки, равон сўзлаш, теран фикрлаш чуқур билим ва маърифат, она тилни ҳис қилиш орқали пайдо бўларкан. Қайси тилда сўзласак ҳам, ўзимиз билган ва ўрганган тилда фикрлаймиз ва жумлаларни шунга мос тузиб чиқамиз. Фаҳмлашимча, устоз рус тилида ўқир, ўзбек тили асосида фикрлар ва таржима қилар эканлар. Баъзан: “Рус тилидаги шу сўзнинг ўзбек тилида қандай ифода шакллари бор экан?” – деб, ўйчан ўтирган пайтлари сира ёдимдан чиқмайди. Домланинг тадқиқотлари соддалиги, оммавийлиги, шунингдек, чуқур мантиқийлиги билан ажралиб турарди. Шунинг учун ҳам уларнинг асарларини бадиий асар мутолаа

қилгандек ўқийсиз ва тушунасиз. Негаки, “академизм” услубини домла унчалик хуш кўравермас эдилар.

Домла ўзларига, сўзларига талабчан ва қатъиятли бўлишлари билан бирга, шогирдларига ғамхўр ва меҳрибон ҳам эдилар. “Ўргатиб туриб ўрганамиз”, – деган гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди: “Устоз-шогирдлик ҳалқаси – ҳамма соҳада муҳим», – дердилар. “Бир карра таълим бериш, икки карра таълим олишдир”, – деган машхур ақидани домла хуш кўрардилар.

Шунинг учун ўзим ҳам “Мен шогирдман, бироқ доим устоз ахтараман”, – деган иборага амал қилиш асносида, ўрганишда давом этаман. Ўзининг педагогик фаолиятини актёрлик маҳорати билан уйғун ҳолда олиб бориб, таълимнинг таъсирчанлигини таъминлай олиш иқтидорига эга бўлган устозимиз Омонулла Мадаев билан бир сафда туриб ҳамон ўрганишдаман. Ташаббускорлик ва ташкилотчилик фаолияти билан юксак бошқарув маданияти ҳамда маҳоратига эга бўлган, таълим-тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш борасида ўқув ва иш юритиш тизимида кескин ўзгаришлар қилиб келаётган талабчан, моҳир раҳбар дўстим Рўзимурод Чориев билан ҳамкорлигимизнинг замини ҳам ўқиш ва ўқитиш, ўрганиш ва ўргатишнинг янги, замонавий педагогик технологиялари ва интерфаол усуларини амалиётда қўллаш билан боғлиқдир.

Изланиш ва интилиш ҳар доим ўз самарасини беради. Ўз устида ишламаслик, ташаббус ва ҳаракатга нописандлик тараққиётга ғов ва эговдир. Ўқиш ва ўргатишдан чарчамайдиган, аксинча, ундан завқ-шавқ оладиган мураббий чин фидоий, истезод эгасидир. Ундан ўзи ҳам, халқ ҳам ҳамиша манфаатдор бўлади.

Фалсафага мойиллик, фикрлаш санъатидан лаззатланиш кишига ҳузур ва илҳом бахш этади. Умр мазмунини, ҳаёт мезонини фақат фалсафа орқали сезиш, туйиш мумкин. Бунинг қадрига етиш ва айтиш илинжи, айниқса, ёшинг

олтмишга қараб кетаётган пайтларда чуқур моҳият касб этаркан. Деярли барча адиблар ижодига назар ташласангиз, шу нарсага амин бўласизки, улар фалсафий мушоҳадага чорлайдиган мухтасар асарларини, қисқа қайдларини умрининг охириги дамларида ёзиб қолдиришга майл қилганлар.

Ҳаётий кузатишлар, олам ва одам муаммоларига муносабат ҳар бир кишида фикр ҳосил қилади. Кейинчалик уларни тўплаб борасиз, қоғозга тушириш илинжи сизга тинчлик бермайди. Бошқалар ҳам ўқиб, ўз фикрларини билдиришса, деган ниятда битикларингизни уларга илинасиз. Бу рисола ҳам ана шу илинж, руҳий эҳтиёж талабидир.

Сизга сабоқ берган ўқитувчиларингиз каби мен ҳам оддий бир муаллимман. Онам раҳматлик Пошшахон опа Матёкуб қизлари ярим асрдан зиёд педагоглик фаолияти мобайнида касбига, юртига, оиласига, китобга садоқат руҳи билан умргузаронлик этиб, биз фарзандларини ҳам адабиёт ва санъатга қизиқтирган зоти шарифа эдилар. Уларнинг шеърга айланган ҳикматларини муборак овозлари билан ўзларига сездирмасдан умрларининг охириги паллаларида уяли телефонимга ёзиб олгандим. Онда-сонда эшитиб, юрагим эзилиб, ҳеч кимга билдирмасдан кўз ёши ҳам қилиб оламан. Болалигимиздан бошлаб қулоғимизга ҳикматли сўзлар, эртак ва ривоятларни қуйган онаизорим руҳига тун-у кун дуодаман.

Ота-онам дуоси, устозларнинг рағбати билан униб ўсдим, кам бўлмадим. Озод юртнинг шод ва обод оилаларидан бирининг соҳиби, учта фарзанднинг отаси, учта неваранинг бобосиман. Бир нарсани эслаб ўтмасам бўлмайди.

1989 йил 21 октябрь куни “Давлат тили ҳақида” Қонун қабул қилинганидан кейин унинг айрим бандларига мувофиқ ўтмишимиз калити, тарихий маданиятимизнинг очқичи бўлмиш араб алифбосидаги “Эски ўзбек ёзуви”ни ўргатиш бўйича қизғин фаолият бошланди. Мен шараф билан, ана шу жараённинг олдинги сафларида турдим, десам тўғри бўлади.

“Эски ўзбек ёзуви”, “Туркий савод”, “Ҳарфлар тилга кирганда”, “Ҳарфлар гулшани” каби қатор дарслик ва қўлланмаларим чоп этилди. Халқимиз бу рисоаларимни саҳрода чанқаб юрган мусофирнинг чашмага дуч келиши каби, қувонч билан қабул қилди.

Айни пайтда, Ўзбекистон телевидениеси орқали “Алиф-бо сабоқлари” кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси сифатида телевизион дарс машғулотларини олиб бордим. “Мени чин маънода, азиз ва муқаддас Мустақиллигимиз кашф этди”, – десам, муболаға бўлмайди. 1995 йилгача кўпчилик ўша кўрсатувларим орқали савод чиқарганди.

Бир куни онаизоримнинг ёнларига юрагим ҳаприқиб газета кўтариб бордим. Унда истеъдодли журналист ва шоир раҳматли Жумабой Матёқубовнинг мен ҳақимдаги “Жум-хурият муаллими” деган мақоласи чоп этилганди. Онаизоримнинг мақолани ўқий туриб, “Арабларга араб тили қоидаларини ўргатган Замаҳшарийдек алломанинг руҳи ёр бўлсин, болам», – деб кўз ёшлари билан мени дуо қилганлари ҳанузгача кўз олдидан кетмайди.

Бугунги кунда таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни изчил жорий этиш, турли хил интерфаол методлардан фойдаланиш ва чет тилларни ўргатиш зарурати таълим соҳасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу замон тақозоси, давр талабидир.

Ўша пайтларда араб ёзуви ҳамда лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосини ўргатишнинг самарали ва таъсирчан йўллари, қизиқарли шакллари борасида кўп ўйлардим. Ана шу изланишларимнинг самараси сифатида, “Сирли сандиқ” интеллектуал телевизион мусобақавий ўйини юзага келди. Ҳали телеканалларда бундай йўсиндаги шоу дастурлар, интеллектуал ўйинлар деярли йўқ эди, ҳисоби. Энг қизиғи, ўша йилларда “Сирли сандиқ” телеўйини ро-са оммалашиб кетган эканки, яқин йилларгача муҳлислар мени кўча-кўйда учратиб қолишса: “Ана, Сирли сандиқ кел-

япти”, – дейишарди. У савол-жавоблар тарзида, қизиқарли йўсинда ташкил этилган эди. Ушбу кўрсатувнинг янада мазмунлироқ ва эътиборга молик бўлишида иқтидорли педагог, фахрли инсон, собиқ Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевга беминнат ёрдами ва маслаҳатлари учун миннатдорчилик билдирмасам инсофдан эмас. Шу ўринда айтиб ўтишни истар эдимки, Россия телеканалидан эфирга кетаётган “Мўъжизалар майдони” шоу дастурининг бошловчиси Леонид Якубовичнинг интервью билан кўрсатувимиздаги иштироки ҳам унинг янада оммалашишига боис бўлган эди.

“Сирли сандиқ” аслида, халқ оғзаки ижодига хос рамз бўлса ҳам, ўзбек халқининг менталитетига мос тимсолларни ўзида акс эттирганди. Чунки ўзбек халқи топган-туганини тўй қилиш, тўй кўриш орзусида сандиққа йиғиб боради. *Мен уни, шунчаки, телеўйин деб эмас, балки саводхонликни ошириш йўлидаги интерфаол методлардан, педагогик технологиялардан бири, –* деб билганман.

Бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи билимдон бўлибгина қолмасдан, балки, ўқувчиларга уни етказиш усуллари, таъсирчан таълим талабларини яхши билиши, қизиқарли ўйинлар тарзида ўтказишга моҳир бўлишини давр тақозо этаётгани сир эмас. Ўқитувчи чинакам маънода актёрлик маҳоратига ҳам эга бўлиши зарур, акс ҳолда, ўқувчи қалбига кириб бора олмайди. Ўқитувчи ўзини ёқимли, сўзини юқумли қила билмас экан, ҳеч нарсага эришолмайди. “*Сирли сандиқ*” саводхонлик саройининг сўнги сарҳадидаги сара совринга сазовор соҳиба саналган салоҳиятли, синашта, синчков, сезгир сулув синглимиз Санобархон Содиқова, *Сизга совгайи саломлар*”, – деган аллитерация (*таъвизъ*) йўли билан эътироф этилган айтимимни, ўқувчилар “Тез айтиш” шаклида мактабларда фойдаланаётганларини эшитиб, роса шод бўлгандим, ўшанда.

Тўнғич ўғлим Алишернинг никоҳ тўйига машҳур қизикчилардан бири ташриф буюриб, ҳазил-хузуллар билан

даврага файз киритиб турди-да, давра иштирокчиларига қараб, шундоқ деди: *“Мен Раҳимбой акадан қарздорман. Бу тўйга қарзимни узиш учун келиб, келин-куёвни табрик-лаялман. Сабаби тўй-ҳашамларда Раҳимбой аканинг “Сирли сандиги”ни айтавериб, иморатимнинг томини ётиб олганман”,* – деганида ҳамма гуриллаб кулиб юборишганди.

Ахборот компьютер технологияларидан фойдаланиш орқали телевизион мусобақавий дастурларни олиб бориш завқ-шавқи навбатдаги “Iqtidor” телевизион ўйинининг вужудга келишига сабаб бўлди. Шогирдим, иқтидорли журналист ва режиссёр, “Олтин қалам” мукофотининг совриндори Фарҳод Тўраев билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида талаба ёшларнинг маънавиятини ошириш борасида бу телеўйин ҳам ўз рутбасига эга бўлди. *Ҳозирги пайтда “Миллий гоя” ва мустақиллик мафжурасини мустаҳкамлашга қаратилган, ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек хайрли ва маърифий мақсад билан ўқув муассасаларида олиб бораётганимиз “Гоямиз – ҳимоямиз” номли электрон ижтимоий-маънавий лойиҳа, юқорида қайд этилган интилиш ва изланишларимизнинг ҳосиласи десам, муболага бўлмайди.*

Кўлингиздаги ушбу рисола тасодифан пайдо бўлган эмас. Кўп йиллар давомида кўрган-кузатганларим, кечмишларим асосида туғилган битиклар, бошқача айтганда, каминанинг руҳиятининг ойинасидир.

Шу ўринда Гётенинг бир ҳикмати ёдга тушади. У бир жойда маъруза қилади. Маъруза тингловчилар томонидан шундай илиқ кутиб олинадики, қарсақлар узра қарсақлар янграйверади. Хабарчи, газетчилар Гётени ўраб олишади ва: *“Ушбу мазмундор маърузани тайёрлашингизга қанча вақт сарфладингиз?”* – деб сўрашади. Гёте: *“Бутун умр ва икки соат”,* – деб жавоб беради. Демак, маърузани тайёрлашга икки соат ажратилган бўлса-да, унинг бир умрлик ҳаётий тажрибаси, малака ва кўникмаси маърузанинг муваффақиятли

чиқишига сабаб бўлганига шаъма қилганини сезиш қийин эмас.

Бу мулоҳаза кўлингиздаги “Чизгилар” китобининг муаллифига ҳам тегишли эканини ҳис қилган бўлсангиз керак?

Шуни ҳам айтишни хоҳлардимки, булар менинг шахсий ўй-фикрларим. Уларни абсолют қонун ёки қоида ўрнида қабул қилмаслигингизни ўтинаман. Чунки улар ҳар хил вазиятларда, турли шароитларда, турфа кайфиятларда қоғозга тушган. Инчинун ҳаммага хос бўлган некбин ва бадбин, яъни тушкунлик кайфиятлари менга ҳам бегона эмас. Уларни мутолаа қилишингиз асносида ё тасдиқ қилишингиз, ё инкор этишингиз мумкин. Мен бундан хурсанд бўламан. Сабаби, эътиборингиз мен учун қимматлидир. Эътибор эҳтиромга эшик бўлса, эҳтиром эса эъзозга эшик, эзгуликка бешиқдир. Ҳар ким ўз ақли билан ўлчаб, ўз назари билан баҳолайди. Ўзгани баҳолаш, аслида, ўзингни баҳолашдир. Фазилатдан ҳам иллат изловчилар бўлади ёки аксинча, меҳр кўзи билан дунёга боқсангиз, у жилоланади. Инкор кўзи билан қарасангиз, зулматдан ўзгаси кўринмайди.

*Асл гаввос бўлсанг дурни кўргайсан,
Кетар чоғ соф бўлсанг хурни кўргайсан,
Ҳаммаёқ зулмат деб шиқоят қилма,
Ўзингда нур бўлса, нурни кўргайсан.*

Бу сатрларни шоир Мирзо Кенжабек бежиз ёзмаган. Тасдиқ ва хайрихоҳлик назари қалбларни пайванд этади. Инкор кўзи билан баҳоловчининг баҳоси холис ва одил бўлмайди. Саъдий Шерозий бу борада ҳақ:

*Инкор кўзи-ла қараган кишига,
Юсуфнинг юзи ҳам хунук кўринар,
Агар муҳаббат-ла қараса девга,
Дев ҳам фариштадек сулув кўринар.*

Демак кимга, нимага қандай кўз билан қараш – муҳим. Фикрловчи инсон менинг қалбимга, руҳиятимга яқин.

Яшаш учун ейиш муҳимми, ё ейиш учун яшаш муҳимми? Бу борада ҳам ҳар кимнинг ўз фикри бор. “*Фикрляпман*,

демак, *яшайман*”, – деганда Рене Декарт афкор омманинг, жамиятнинг тараққиёти тафаккур билан боғлиқ эканига ишора қилганини сезиш қийин эмас. Ёхуд Алишер Навоий ҳазратларининг: “*Ҳар ишки қилмиш одамизод, тафаккур бир-ла билмиш одамизод*”, – деган мулоҳазалари ҳам бежиз эмас.

Кимки эзгу фикрласа, унинг сўзи ҳам равон бўлади. Фикри тиникнинг нутқи аниқ бўлиши ҳам – шундан. Сизни мулоҳазага, мунозарага, мантиқий мушоҳада юритишга ундовчи ушбу қайдлар нутқий маҳоратингизни ўстиришга, фикрлашингизни кенгайтиришга хизмат қилса, ажаб эмас.

Сиз чизгиларнинг ҳар бирини ўзингизнинг таҳлилий ва танқидий назарингиздан ўтказинг. Уларни “семиртириш” ва “ориқлатиш” йўсинидаги, яъни кенгайтириш ва торайтиришга монанд интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ақлингиз чигиригидан ўтказинг. Худди минбарда тургандек овоз чиқариб сўзлашга интилинг, машқ қилинг. Машқ машаққатли жараёндан иборат эканини эсда тутинг.

Кейинги ўн беш йил мобайнида нотиклик санъати, воизлик маҳорати муаммолари билан шуғулланиб келаётган тадқиқотчи сифатида шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, ўқиган, кўрган, эшитган нарса-ҳодисалар ҳақида завқ билан сўзлаш, ҳикоя қилиб беришни мунтазам машқ қилиш нутқий маҳоратингизни оширибгина қолмай, фикрлаш доирангизни ҳам кенгайтириб бораркан. *Нотиқ-у, нутқ-у мантиқ бир ўзакдан ясалган арабча сўз бўлганидек, шоир-у, шеър-у шуур; олим-у, илму таълим; холиқ-у, хулқ-у ахлоқ; котиб-у, китоб-у мактуб* ҳам худди шундай сўзлардир. Хоҳ насрий, хоҳ назмий, хоҳ драматик нутқ бўлсин барида фикр илдамлиги муҳим ўрин тутди. Нотикнинг икки қаноти бор: бири – тафаккур, иккинчиси – талаффуз. Бири ўйлаш билан, иккинчиси сўйлаш орқали рўёбга чиқади.

Тирикчилик ташвиши – ҳаммамизга хос. Ейдиган таомимиз, киядиган кийимимиз, яшайдиган жойимиз қайғуси ҳеч бир тирик жонни четлаб ўтмаслиги аниқ. Буларни таъмин

этадиган уч бирлик бор. Бу вақт ва замон тушунчаси билан изоҳланадиган “КЕЧА, БУГУН ва ЭРТАГА” дир. Биз вақт измидамиз. Кўпинча унга масъуллигимизни ёддан чиқариб қўямиз. Умрнинг қимматли лаҳзаларини беҳуда ўйташвишларга, икир-чикирларга сарфлаймиз.

Ана шу вақт бирлиги ҳар кимнинг ҳаётида турлича из қолдиради. Булар ўтмиш, ҳозирги вақт ва келажак. Бири-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён. Бири иккинчисига, иккинчиси учинчисига замин ҳозирлайди. Биров “кеча” билан ғурурланса, яна биров бугунги кунни билан, бошқа бири эса эртанги кунга умид билан яшайди.

Одамзоддаги ҳар қандай касаллик, иллат, аслида, унинг руҳиятидаги сиқилиш, безовталиқдан бошланади. Демак, касаллик руҳиятдан танага кўчади. Биз танани даволашга кўпроқ эътибор қиламиз. Шу боис бормаган жойимиз, учрашмаган докторимиз, ичмаган доримиз, кўрсатмаган табибимиз қолмайди. Танани ҳар хил кимёвий моддалар билан тўлғизамиз. Тўғри, дори-дармон сабаб маълум муддат тузалиб, касалликнинг олдини олишимиз ҳам мумкин. Лекин руҳият даволанмас экан, тана тўла ҳолда шифо топмайди. одамзоднинг тириклиги тан, жон ва руҳ бирлигидан иборатдир. Улар соғлом бўлмаса, баркамоллик йўқ. Баркамоллик белгиси ақлий ва жисмоний кучга таянади. Шунинг учун ҳам ўтмишда дуохонлар, азайимхонларга эҳтиёж сезилган бўлса керак. Сўз ва нутқ орқали инсон руҳиятига таъсир этиш ва уни даволаш – синашта ҳол. Инсон баданида иллатга мойил кучлар бўлгани ҳолда, унга қарши иммунитетлар, инстинктлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Сўз бузади, сўз тузади. Олқиш ҳам сўз билан, қарғиш ҳам сўз билан хитоб қилинади. Омонлик-у ёмонлик ҳам, ободлик-у барбодлик ҳам у билан. Сўз ўлдиради, сўз кулдиради. Бунёдкор ғоялар ҳам, бузғунчи ғоялар ҳам у билан. Сўз хусусидаги бу таърифлар бежиз айтилмаган.

Зиёрат ҳам инсон руҳиятига ўзгача таъсир этади. Улуғлар, авлиёлар ётган жойларни, уларнинг хоки пойларини зиёрат қилишнинг хосияти кўп. Шундан бўлса керакки, уларнинг руҳларидан мадад тилаб, *валийларнинг, бобокалонларимизнинг руҳлари ёр бўлсин*, деб дуо қиламиз. Паҳлавон Маҳмуднинг ушбу рубойиси беҳуда ёзилмаган:

*Ким қилур бу вайрон дилим иморат,
Ким гуноҳим учун берур кафорат,
Мен зиёрат қилдим кўп қабристонни
Билмадим, ким қилур қабрим зиёрат?*

Занги ота зиёратига бориб, ҳақларига Куръон тиловат қилиб дарвозадан чиқаётиб китоб расталарни айландим. Расталардан қатор терилган бир китобга назарим тушди. Бу Дейл Карнегининг “Чидаш санъати” деб номланган асари эди. Хайруллоҳ Қосим Элтурк таржимасидаги ушбу китобни ўқиб чиққаним ҳаманоқ, йиллар мобайнида қайд этиб келаётганим нотиклик санъати ҳақидаги қораламаларимни бир тизимга тушириш ва улар изчиллигини таъминлаш зарурати туғилди. Қўлингиздаги китобча ана шу ҳаракатнинг ҳосиласи.

Педагогик фаолиятим мобайнидаги ушбу мулоҳазалар ҳар бир ўқитувчига ҳам бегона бўлмаса керак. Келинг, бирга фикрлашамиз: бир-биримизга шогирд, бир-биримизга устозмиз, ахир. Булар иш жараёнида сизга куч-қувват ва теран фикрингизга яна фикр қўшишга хизмат қилса, камина ўзини муродга етган ҳисоблайди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” номли китобларида: *“Инсон қалбига йўл, аввало, таълим ва тарбиядан бошланади”*, – дейилиши бежиз эмас. Шундай экан, таълим ва тарбия юксак интеллектуал салоҳият ҳамда етук тафаккурга таянади. Бу эса тараққиётнинг мезони, айна пайтда, юксак билимли ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш

ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти эканини, асло, унутмаслик керак. Билимли ва тарбияли инсон етук онг-у тафаккурга эга бўлиб интилгандагина жамиятда чинакам тараққиёт бўлади. Ана шу тўртта тушунча бир-биридан куч олади.

Фикр-у зикри, ақл-у идроки, хулқи ва нутқи тоза бўлган инсон бугунги куннинг кадрига етади, турли соҳаларда эришилган ютуқлар ва ислохотлар ўз-ўзидан бўлмаганини, буларнинг барчаси оқилона ва одилона сиёсатнинг самараси эканини дилдан туяди. Қалбида шукроналик ва қаноат ҳисси бор бўлган инсонгина яратувчанлик шавқи билан яшайди. Озодлик, ободлик ва шодлик тушунчаларини сотиб олиб бўлмаслигини, бунинг учун тинчлик ва осойишта ҳаёт муқаррарлигини бугун ҳаммамиз яхши ҳис этамиз. Давлатимиз раҳбарининг ўз нутқларида бот-бот эслатиб, огоҳликка, хушёрликка чорлаб: *“Тинчлик учун курашишимиз керак!”* – деган даъватлари бежиз эмас. Бу чорловлар юртимизнинг истиқболига, халқининг фаровон ҳаётига масъул ва жонқуяр, *“Биздан озод ва обод Ватан қолсин”*, – деган фидойи, халқпарвар, бунёдкор инсоннинг қалб амридир. Ободлик кўнгилдан бошланар экан, демак, унинг очқичлари – тил, тафаккур, нутқ, таълим, тарбия, маънавият, маърифат тушунчаларига эътибор ҳар қачонгидан ҳам алоҳида аҳамият касб этиши тайин.

Шу ўринда ушбу чизгиларга бефарқ бўлмаган китобсеварларимга буюк ва суюк мутафаккиримиз Алишер Навоий ҳазратларининг ушбу битикини ҳам истак, ҳам дуо ўрнида илинган бўлардим.

*“Агар ҳикматқа бўлса илтифотинг,
– Ки бўлсун Нуҳ умрича ҳаётинг.”*

ТАЪЛИМ – МАЖБУРИЯТ, ТАРБИЯ – МАСЪУЛИЯТ

Таълим ва тарбия бошдаги икки кўз, икки қулок – танадаги икки қўл ва икки оёқ каби доимо зарурдир.

Таълим давлатнинг истиқболига, тарбия эса халқининг иқболига руҳ ва мазмун бахш этади.

Шарқ фалсафаси таълим ва тарбиянинг эт ва тирноқ сингари ажралмаслиги ва узвий бирлигидан куч олиб келган.

Қуш қўш қаноти билан парвоз қилса – одамзод таълим ва тарбия билан юксалади.

Муаллим ва мураббийнинг қувончи, суянчи, ишончи берган таълим ва тарбиясининг самараси биландир.

Таълим ва тарбия томчиси томмаган дил бамисоли муздир.

Ўқитувчи нимани ўргатаётгани билан эмас, балки қандай ўргатаётгани билан қадрланади, маҳоратли саналади.

Тарбия хулқ, таълим равон нутқ билан етказилади.

Мураббийнинг икки қаноти бор бўлиб, бири таълим ва тарбия бўлса, иккинчиси маънавият ва маърифатдир.

Ўргата туриб ўрганиш завқи ўқитувчига хузур бағишлайди.

Маҳоратли ўқитувчи қолига тушавермайди, чунки чин истеъдод серкирра бўлади, у негадир шогирдларига ёкса ҳам касбдошларига хуш келавермайди.

Устоз ва шогирдликнинг олтин занжири таълим ва тарбиядан тузилган.

Икковлон доим ёндош: таълим — кўз, тарбия — қош.

Ўқитувчи таълим-тарбияси билан мактабдагина эмас, балки шогирдларига кейинги ҳаётларида ҳам ибрат бўлиши, уларнинг ҳаётга бўлган муҳаббатларини жўшғтира билишлари шарт.

Таълим — тарбия томизгисидан, тарбия — таълим томизгисидан озиқ олмас экан, унинг таъсир даражаси ҳам суст бўлади.

Ўтган кун кечага масъул бўлгани сингари кеча бугунга, бугун эртага, эрта эса индинга масъулдир. Ана шу масъуллик вақтнинг узилмас ва бузилмас олтин ҳалқаси.


Масъуллик ва мажбурият қоғозда, минбар ёхуд шиорларда эмас, балки масъуллик дилда, мажбурият амалда бўлиши фаровонликнинг гарови.

Ўқувчиларга анъанавий дарсдан кўра, ноанъанавий услубдаги дарснинг таъсири ва самараси кучли бўлади. Ҳамиша бир хилдаги таомни истеъмол қилавериш кишини бездириши, зада қилиб меъдасига тегиши мумкинлиги каби.

Мураббийнинг тарбияси одамзодда инсонийликни шакллантирмас экан, ҳаракат бесамар, пуч ёнғоққа ўхшайди.

Биров фарзанднинг ҳақида илиқ сўзлар айтганини кимдандир эшитсанг, теринга сиғмасдан севиनावер, аксинча, кимдир фарзандингдан нолиса, билгилки, ТАРБИЯ сен билан ҳисоблашяпти.

Назарий маълумотнинг кучи унинг амалий машғулот билан уйғунлигида.



Одатда, ота-она эгизакларига бир хил карашади, бир хил кийинтириб, бир хил эътибор беришади, таълим ва тарбия ҳам эгизаклардир.

Ўқитувчи тушунтирувчигина эмас, эргаштирувчи ҳамдир. Бунинг учун унда нутқий ва хулқий маданият юқори даражада бўлиши керак.

Бошқа касбларни билмадим-у, лекин ўқитувчилик, мураббийлик фаолиятидаги ясамалик, лоқайдлик ва сохталик келажак иморатининг пойдеворига хом гишт қўяётган бинокорнинг қилмишига ўхшайди.

Тарбиянинг қиймати молда эмас, камолдадир.

Таълим-у тарбияси бир хил бўлса-да, табиатлари ҳар хил бўлган ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам иқтидорли бўлавермайди.

Таълим ва тарбия олган инсон етук онг-у тафаккурга эга бўлиб, буюк келажак сари интилгандагина жамиятда чинакам таракқиёт бўлади. Ана шу тўртга тушунча бир-биридан куч олади ва одамзодга куч беради.

Ўқитувчи қанча таълим берса, шунча таълим ҳам олади.

Навоийни тинглаш мумкин, лекин англаш мушкул. Чунки қоядан овозни эшитиш мумкин, лекин қояга чиқиш қийин. У гоё қоясидир.

Донишмандларнинг тафаккур гулшанидаги ҳикматларини мутолаа қиларкансиз, уларнинг баъзилари сизни ўйлантиради, баъзилари руҳлантиради, баъзилари дилингизга таскин ва тасалли беради, баъзилари ҳаётга завқ-у шавқ уйғотса, айримлари ҳаётдан бездиради. Бу қандай кўз билан қарашга боғлиқ.

Бировнинг биров ҳақидаги фикрини эшитаётган раҳбар гапирувчининг тагдор манфаати борлигини билиб хулоса қилса, ҳаммаси ўз жойига тушибгина қолмай, балки одиллик, холис-лик ва оқилликнинг ғалабасидан кейинчалик, ҳузурланиб ҳам юради.

Масъуллик ҳисси яшаш ва қарашингга, ўзинг ва сўзингга, кўриниш ва кийинишингга, юриш ва туришингга жавобгарлик демақдир.

Одамзод ҳаётидаги жамики муваффақият ва мағлубиятлар, мукофот ва жазоларнинг сабабчиси унинг нутқи ва хулқидир.

Мажбурият бўйинга олинадиган бурч, қўйинга солинадиган нарса эмас.

Масъулият ва мажбурият. Бу жуфт сўз ҳаётингизда мисоли инсон танасидаги жуфт кўз-у кулоқ, жуфт қўл-у оёқ каби муҳимдир. Кеч англаш эса фожиадир.

Ўқувчиларда қизиқиш уйғота олмаган ўқитувчининг қизиғи ҳам йўқ.

Муайян жамоа корхонасига раҳбарлик қилувчи шахс, ба-мисоли ҳайдовчининг машина механизмларини яхши билиши кераклиги каби жамоани ҳам обдон ўрганган бўлиши зарур. Чунки жамоада ҳам машинанинг муайян қисмларига ўхшаш ходимлар бор. Бири двигател, бири юриш қисми, бири ғилдирак, бири электр қисми, бири рул механизми ва ҳоказо. Ҳар бирига ўзининг вазифасидан, имкониятидан келиб чиққан ҳолда, хизмат буюрган бошлиқ ҳеч қачон хато қилмайди. Ҳар бир қисмнинг узоқ ишлаши учун, ўз вақтида эҳтиёт қисмларини текшириб ёғлаб туриш керак. Бирон қисм носоз бўлса, машинанинг илдамлаши қийин, бу эса бошқарувчига бир кунмас бир кун, албатта, панд беради.

Ташаббус ва ташкилотчилик – фаолиятдаги инсоннинг икки қаноти. Усиз тараққиёт йўқ, у тўхтатилса, бамисоли икки қаноти синдирилган қушдексиз.

Бугун эл-юртига дахлдорлик туйғуси билан яшамаган, эртага беқарорлик қайғуси билан кун кечиради.

Сайлов – бу, сийлов дегани эмас, мажбурият, масъулият, талаб, бурч ва ишонч қаршисидаги синовдир.

Ўз келажагига бефарқ одам бемақсад, боши оққан томонга кетаётган мусофирга ўхшайди.

Ўргангангина ўргатади – ўргатгангина ўрганади.

Танбаллигини тан олмаган талаба ҳамиша ўқитувчидан айб излайверади.

“Пулингни йўқотсанг ҳеч нарса йўқотмабсан, агар вақтингни йўқотсанг кўпроқ нарса йўқотибсан, аммо тетиклигингни йўқотсанг ҳамма нарсангни йўқотибсан!” – дейишларининг мантиғи турмушга, ишга бўлган рағбатингда сезилади.

Масъулият ва мажбурият, таълим ва тарбия инсон фаолиятининг эгизак фарзандларидир.

Ижодкор ўқитувчи ҳаракатдаги жонли қон томирга, ижрочи ўқитувчи эса темиртан(робот)га ўхшайди. Ижрочисига айтсанг қилади, ижодкори эса, ўзи билиб қилади.

Чуввара ейишдан мақсад гўшт ейиш экан, ҳамирга ўрамасдан ўзини истеъмол қилса бўлмайдими? Йўқ. Қуруқ ёдлатиш, назарий қоидалар, илмий маълумотлар ҳам ўқувчининг фанга

нисбатан қизиқишини сўндириб, бездириб қўйиши мумкин. Уни ҳаётий мисоллар фонида ўқувчининг қалб-у онгига сингдириш таъсирчан натижа ва самара беришини унутиш гумроҳлик.

Яхши раҳбарнинг ўзи амалидан кетгандан кейин ҳам, унинг сўзи жамоани бошқараверади.

Бировни ишга тайинлаш осон, номзодни танлаш қийин.

Занг темирни емиргани сингари лаганбардор, малайлар ҳам раҳбарни кемиради.

Болага таълим бериш самолётни шатакка олишга монанд-дир.

Мураббий истиқбол иморатининг меъморидир.

Билим билан маърифатнинг тутқичи – илм ила икки дунё очқичи.

Ўқувчиларда ишонч, ингилиш туйғусини уйғота олмаган ўқитувчи ҳали кўп ўқиб ўрганиши керак.

Айтган гапингни такрорлаб берувчи шогирд тўтиқуш мисоли, унга ниманидир қўшиб ижодий ёндошса, у кўкка томон парвозга шайланган қуш кабидир.

Фарзандингга қанчалик шароит яратиб берсанг, айтганини муҳайё қилсанг, у тобора танбаллашиб бораверади. Бу эса фикр-сизликни урчитиб: “Олма пиш, оғзимга туш” маталини шиор қилиб яшанига сабаб бўлади.

Туғиш ва туғдиришни бандагина эмас, парранда ҳам, дарранда ҳам эплай билади. Лекин улар одамзод бериши мумкин

бўлган таълим ва тарбияни бера олмайди. “Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин”, – деганларидек, бу борада хатоликка йўл кўйивчилар кўп.

Баланд бинодан туриб, пастга қаранг, бошингиз бироз айлангандай бўлади. Лекин ҳамма нарса кафтдагидек кўринади: “Ким?”, “Нима?”, “Қаерда?”, “Қандай жойлашган?”

Мабодо, пастга тушсангиз, ўзингиз билан ўзингиз иш-ташвиш билан андармон бўласиз. Мартаба минбари ҳам шундай баландликка қурилган. Сув босса, гўё тўпигингизга чиқмайди. Мансабдор жим туриб кузатувчи эмас, фаол бошқарувчи бўлгандагина жамоа ютади. Фақат тепада қолиб кетмаслик, тушиб туриш ҳам керак. Тушиш ихтиёрий ва ғайриихтиёрий бўлиши ташвишга солмасин.

Ўзгани бошқаришдан кўра, ўзингни бошқариш мушкул иш.

Гар ёмондан яхши яралса – унинг баҳоси бўлмас, гар яхшидан ёмон яралса – унинг давоси бўлмас.

Хавфсираш, чўчиш, журъатсизлик – ташаббускорлик ва ташкилотчиликнинг ёғийсидир. Эзгулик йўлида журъат билан қилинган иш журъатсизлик билан қилинмаган ишдан фойдалироқдир. Хайрли ва маърифий мақсад ташаббускорга фойда келтирмаса-да, жамиятга, албатта, фойда келтиради.

*Алифбодур хат-у савод бешиги,
У бирлан очилур билим эшиги.
Кўзларнинг нури-ю, диллар гурури,
У бирлан зоҳирдир эллар шуури.*

*Аввали бор, йўқ шмнинг поёни,
Билим англатгуси иймон, дунёни
Маърифатга талпинтириб тургуси,
Туташ томирларда аждодлар қони.*

МАЪНАВИЯТЛИ – ЭЗГУ НИЯТЛИ

Замонга назар қил, боққил ҳаётга
Тилингни чоғлагин орзу-ниятга,
Ёмондан ҳазар қил, қолма уятга
Дилинг боғла дўстим МАЪНАВИЯТга!

Бу ҳикмат айтишга осон, енгилмас,
Айтай деса, шунчаки бир шингилмас.
Ғояни англаган ожиз кўнгилмас,
Унутманг бу ҳикматни юртдошлар,
Юксак маънавият – асло енгилмас!..

Кимнинг-ки йўқ уяти, йўқ унинг маънавияти.
Кимнинг-ки йўқ иффати, йўқ унинг маърифати.

Ҳикмат – одам қомуси, ҳиммат – одам номуси.

Ёт ғоя – ёв ғоя.

Аҳли донишларнинг ёнишларида ҳам, хонишларида ҳам
ҳикмат ёғдуси бўлган.

Иқтидорли, илмли, истеъдодли инсонлар инжиқ бўлишади.
Чунки ҳаёт воқеликлари уларнинг идеалларига, қарашларига,
кўпгина ҳолларда, мос келавермайди.

Маънавиятнинг эшигини, бешигини моддийон мойи билан
мойлаб турмасак, ғийқиллайвериб асабга тегади, сўнгра ғазабни
қўзғатади ва натижада жамоани бездиради.

Адабий ўқиш абадий ўқишга айланмас экан, маърифатнинг
ҳам, маънавиятнинг ҳам умри узун бўлмайди.

Эътибор эҳтиромга – эҳтиром эса эъзозга эшик, эзгуликка бешиқдир.

Тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун, баъзан ўғрини тўғри – тўғрини ўғри, деб дили эзиладиган киши ёмонлар сирасига кирмайди.

Моддият билан маънавият аслида, ака-ука, эгизак бўлишган, доимо бир-бири билан келишиб иш қилишган, ҳозир ҳам шундай, лекин фақат уларнинг ижрочилари баъзан келишолмайдилар, холос.

Умри қисқа қиролича бўлмиш гўзалликка юкинганлар, гўзалликнинг моҳиятидан кўз юмганлардир.

Инсон камолотида камтарлик ибтидо бўлса, манманлик интиҳо ясайди.

Ҳар иккала кўзини моддийон моддаси қоплаган кимсага маънавиятдан сўз очсангиз, у сизни руҳий касал деб ўйлайди. Чунки ундай тоифадагилар бамисоли Айсберг. Шундай экан бу муз тоғини эса эритиб бўлмайди. Ақалли, битта кўзида маънавият ёғдуси бўлган кишидан умид қилса бўлади.

Моддият кишининг ҳаменидан жонига кўчса, атрофидаги ҳамма нарса-ҳодисаларни у маънавият кўзи билан эмас, моддийон назари билан баҳолашга одатланади.

Идора раҳбари аслан маънавиятли бўлса, атрофига ақлан маънавиятсизларни йиғмайди. Ўзи йиғмаса ҳам маънавиятли раҳбарнинг атрофига мос-у хослар жамланаверади.



Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудларига бағишланган маърифий тадбирда.



Устоз ва шогирдлар ҳамфикр.

Чин муҳаббат туйғусига ошна бўлмаган киши, маърифатга ҳам ташна бўлолмайди.

Либосдаги доғни кетказиш мумкин, аммо юракдаги доғни кетказиш мушкуллигини билганлар ва амал қилганлар омон бўлсинлар, доимо биз томон бўлсинлар!

Олим бўлишинг мумкин, доцент, профессор, академик, эҳтимол, миллиардер ҳам бўларсан, лекин одам бўлишинг қийин. Одам бўлиш учун эса ўқишинг ва уқишинг керак. Бу ўринли эътироф.

Бошимиздан оёғимизгача томирлар бўйлаб оқадиغان, танамизнинг 23 сонияда айланиб чиқадиغان, болаларда 3 литр, катталарда 5 литр бўладиган “қон плазма”, – деб аталувчи суюқликдан иборат. Унда махсус оқ ва қизил қон таначалари бўлади. Қизил қон таначалари қонга ранг берибгина қолмай, кислород билан тўйинган бўлади. Оқ-қон таначалари касал тарқатадиган микробларни ўлдиради. Қонда яна бир муҳим хужайралар борки, улар яра жароҳатларини тузатади. Худди шу маънода, одамни муайян бир давлат тими солида тасаввур қиладиган бўлсак, таъбир жоиз бўлса, ундаги қизил қон таначалари муайян давлатнинг ғоясига, оқ-қон таначалари унинг мафкурасига монанддир. Яра жароҳатларини тузатадиган муҳим хужайралар эса ахлоқ тузатиш муассасаларига ўхшайди. Ҳар учаласи бир-бирига дахлдор бўлиб, инсоннинг, яъни жамиятнинг бус-бутунлиги, соғломлигини таъминлайди.

Сув бир жойда узоқ турса айнаб қолиши тайин, лекин оқил ва одил раҳбар букилмас иродаси, етук салоҳияти ва маънавияти билан муассасани узоқ вақт бошқара олишига шубҳа йўқ.

Дўстлик билан душманликнинг ораси бир кадам. Шундай экан, назар билан ҳазарнинг ораси ҳам узоқ эмас. Иккинчи туйғудан Оллоҳ сақласин!

Санъаткорлар икки хил бўлади: тингланадиган ва англанадиган.

Банда, парранда-ю дарранда, шарманда... Буларнинг бири-бирдан фақат маънавиятгина ажратиб туради.

Маънавият дарахтига тоза тупроқ, зилол сув, мусаффо ҳаво озуқа, бошқача айтганда, табиий иқлим шароити керак. Акс ҳолда, унинг соясида ўтириб, мевасини еб бўлмайди. Маънавият дарахти маърифатпарварларнинг ташаббуси ва ташкилотчилиги, имкони, дармони, армони, жони билан озиклантирилиб, қони билан суғориб турилишини ўйлаш даҳшатлидир. Моддий иморати атрофидаги тоза, табиий ҳаво маънавият дарахтидан таралади. Таассуфки, у кўзга кўринмас, лекин қудратли кучга эга. Буни англаган ва тушунганларнинг умри узун бўлсин.

Кечага ҳам, бугунга ва эртага ҳам хизмат қиладиган сўз-у фикр жавоҳирларини айтиш учун, мангуликка муҳрланган мутафаккир бўлиш керак. Ўткинчи сўз, бир зум эсиб ўтувчи ел кабидир. Боқийлик белгиси, – бу, буюклик ва суюклик-дадир.

Мутасаввуфларнинг биридан: “Фалон одам ниҳоятда бойми?” – деб сўрашганида, у “Пули, мол-дунёси кўплигини биламан, лекин бойми, бой эмасми билмайман”, – деб жавоб берган экан. Моддийончида тугайдиган бойлик бўлса, маънавиятчида туганмас бойлик бўлади.

Дўсти кўпнинг дўсти йўк, аслида.

Машхурлар кўп, лекин уларнинг манзур ва мақбуллари кам. Буюклар ҳам кўп бўлган, лекин уларнинг суюклари кам.

Истеъдод учкунини сўндирманг, парвариш қилинг, кўринг, у албатта, талант алангасига айланади.

Шундай асарлар бўладики, уларни муайян пайтда ёза бошлаб, маълум бир вақтда тугатасиз. Лекин қисқа қайдлардан иборат фикрлар эса йиллар давомида танланади, топилади ва қоғоз юзини кўради.

Қалби қайнок, кўли қадоқ халқимизнинг зиёфатини кўрсатадиган тўйи, қалб-у қиёфатини кўрсатадиган эзгу ўйи, ҳавас қилса арзигулик маҳалла кўйи бор.

Ғоя ва ҳимоя бирлиги — эл-у юртнинг борлиги ва бойлигидир.

Озодлик бор жойда ободлик, ободлик бор жойда эса шодлик бўлади. Шу учтаси бор бўлган мамлакатгина мустақил ва барқарор бўлади.

Эгнида қимматбаҳо костюм-шим ва бўйнига галстук тақиб, бошига шляпа кийган кишини ёки эгнида зарбоф тўни, бошида салласи бор бўлган одамни ҳали донишмандлар каторида дейиш қийин. Ҳар қандай либос кишининг билимини эмас, унинг касбини билдиради.

Араз билан ғараз сирлашиб, бирлашиб бир инсон вужудига жо бўлса, уни маразга айлантIRMасдан қўймайди.

Араз, гараз, мараз “шайтон бобо”нинг фарзанд-у, неварарю чеварасидир.

Одамлар қўйнинг маърашидан кўра, йўлбарснинг наърасига кўпроқ эътибор қилишади ва ташвишга тушишади.

Ошиқ кутиш азобини орзиқиш ва роҳат деб билса, маъшук куттириш лаззатидан хузурланади, гурурланади.

Фотоальбом – мангуликка муҳрланиш мезонларидан. Мангуликка меҳрланиш эса, суврат ва сийратнинг уйғунлигидан далолатдир.

Одамнинг тириклиги унинг вужудидаги сиртдан кўринмас вена ва артерия қон айланиш тизимларига боғлиқ бўлганидек, инсоннинг бахтиёрлиги ҳам ота-онасининг борлиги биландир. Ҳар иккала қон айланиш тизими, яъни ота-она бўлмаса, у моҳиятсиз мавжуддир. Агар сиз бирон жойингизга игна ёки тиг текизиб кўринг, у ердан отилиб қон чиқади. Тасаввур қилинг, бамисоли сиздаги оғриқли ҳолатни кўриб ота-онадан жон чиқади.

Тарихда ташаббускор ва ташкилотчилик фаолиятида бўлганларнинг аксариятини негадир зиндон, зулм ёки ўлим қаршилаган. Қотиб қолган қолипда иш тутувчиларга эса узок умр ва омад пешвоз чиқаверган. Ватанпарварлик –ватанпарастликдан устун туради.

Наврўз кайфияти, байрам руҳияти табиат гўзаллиги билангина эмас, балки бир-бирини ҳар дамда, ҳар қадамда тушунган ва туйган ошуфтавор дилларнинг ошнолиги биландир.

Ўз танангиздаги дардни, оғриқни сездингиз, демак, ҳаёт-сиз! Ўзга танасидаги дардни, оғриқни ҳис этдингиз, демак, барҳаётсиз! Биринчиси тирикликдан далолат бўлса, иккинчиси шерикликдан шаҳодатдир!

*Ҳаёт бу аслида борлик, тириклик,
Ғам ҳамда шодликка бўлган шериклик,
Дўстингнинг дардига малҳам бўлмасанг,
Бир худбин мисоли яшарсан, ўлик!*

Бизнинг бутун бойлигимиз боиси ота-оналаримизнинг борлиги ва борлигида пинҳондир.

Тижорат мақсадида бориб, зиёрат қилиб қайтганлар ердаги ойдир, зиёратни ният қилиб бориб, тижорат қилиб қайтганлар ҳолига войдир.

Мурувватдан муҳаббат, муҳаббатдан мурувват туғилади. Хайр-у саховат – Тангри инъоми, инсоннинг неку номи.

Чин донишмандларнинг тақдирига бойлик битилмаган, улар ҳам бойликдан йироқ бўлишни истамайдилар. Лекин, уларнинг ҳаракатида, қарашларида бойликдан узоқлаштирувчи куч бор. Оддий ойликни моддий бойлик деб билган аҳли донишлар ҳақиқат ва маърифатнинг элчиси, тилчиси бўлиб дунёдан кўз юмадилар.

Даҳоларнинг аксарияти босиқ табиатлиликдан кўра бола-табиат бўлишади. Чунки уларнинг феъл-атворида беғуборлик ва қизиқувчанлик устувордир.

Чизгиларим – сезгиларимнинг инъикоси бўлсин-у, туйғуларим – қайғуларимнинг инъикоси бўлмасин, ишқилиб.

Фикри-зикринг, илм-у ибодатинг шуқринг биланми?
Демак, сен барҳаётсан.

Кимки ўзин идора қилолмас, билингки, у иродали бўлол-
мас.

Маънавий мадад ва моддий рағбат ҳар қандай истеъдод
уқунини талант алангасига айлантира олади.

Соғлом армия қудрати соғлом мия билан.

Кулгига тўғри муносабат ақл-идрок ва фаҳм-фаросат
уйғунлигида бўлади. Акс ҳолда, унинг жиддий ёки ножд-
дийлигини фарқлаш қийин. Бу фикр кулувчига ҳам, кулди-
рувчига ҳам баб-баравар тааллуқлидир.

Ҳар қандай ҳаракатнинг самараси барақатдир, лекин
улар орасида бир кўприк бор, бу харажатдир.

Ўзларини доно ва билагон деб, ўзгаларга нописандлик
билан қарайдиганлар нодонларнинг аввалидир.

Ҳаёт саёҳатга ўхшаркан, муайян мақсад, гоя сари ҳаракат
қилиш эса йўлчи юлдуздир. Интил, талпин, ҳаракат қил бир
кунмас бир кун ахийри, мақсадингнинг рўёбини кўрасан,
фақат умидсизланмасанг бўлди.

Тез жаҳли чиқадиган одамдан хафа бўлманг, унинг
давоси сабрингиз. Тезкор, жаҳлдор инсон бироз фурсатдан
кейин, албатта, жаҳлдан тушиши табиий. Гуриллаб ёнган
олов ҳам тез сўнади, шаррос қуйган ёмғир ҳам кўп ўтмай
тинади.

Ўсувчи борми, албатга, унинг ёнида тўсувчи ҳам бўлиши муқаррардир. Ўсувчи изтироб тортса, тўсувчи роҳатланади. Ўсувчининг ўсиши, ўзиб кетиши уни кўп безовта қилади, унга ҳеч тинчлик бермайди. Бу ҳол одабийликдан эмас.

Маънавиятчилар – йўқ жойдан йўндирадиган, илм-у маърифатни қалбга кўндирадиган, унмаганни ундирадиган, битмай қолган ишни дўндирадиган, лойқа сувни тиндирадиган ақл-идроққа, куч-ғайратга эга бўлмас экан, кўп нарсалар ўлда-жўлда ва бошқа кўлда қолаверади.

Ўлдинг – ўчдинг деганими, бошингга ташвиш тушса, биров эсламайди ҳам, йўқламайди ҳам. Бироқ агар эзгу амалларинг, қолдирган қобил фарзандларинг, ўтказган кўчатинг-у, қурган иморатинг ёки ёзган китобларинг бор бўлса, афсус чекмасанг ҳам бўлади.

Ширин хаёллар оғушида бўлиш ўз-ўзингни овутиш.

Хусн ва хулқ ярим ризқ бўлса, қолган ярми эса илм-у хунардир.

Ёмон мардикор кетмон танлайди, ўз хунарининг устасига эса бунинг фарқи йўқ.

Олдингда сени олқишлагани сувратий, ортингдан олқишлагани сийратий дўстингдир.

Шундай одамлар борки, бировларга маслаҳат беришда доноларнинг доносидек кўринса, ўзи шуларга амал қилишда болаларнинг боласидек таассурот уйғотади.

Ташаббус ва ташкилотчилик фаолиятида камчилик ва ноиложлик бор. Шуни била туриб индамаслик эса лоқайдлик ва бефарқлик иллатининг урчишига сабаб бўлади.

Ошна-оғайниси кўпнинг дўсти кам.

Одамзоднинг ёшлигида дўстлари кўп бўлади, айниқса, топармон-тутармон пайтларида. Кексайган пайтларида эса саноклилари қолади. Шу ҳақда ўйласам, эшигимиз олдидаги дарахт кўз олдимга келаверади. Баҳорда ва ёзда унинг япроқлари роса кўп бўлади, куз келиб қиш яқинлашгач, улардан хазонрез бўлиб, саноклиларигина қолади, холос.

Сўзласанг-у бўзласанг ҳам, яшасанг-у ошасанг ҳам, тингласанг-у инграсанг ҳам барибир гумондорлар гумон қилаверадилар.

Чин дўстлик – икки тандаги бир жондир.

Тасаввуфни билмаслик таассуфга сабабдир. У мумтоз адабий меросимизнинг кўзойнагидир.

“Ол” – Оллоҳнинг биринчи сўзи, “бер” эса бандасининг деган фикр, назаримда чин.

Олувчи қўл билан берувчи қўлнинг фарқи нима? Олувчиси остин, берувчиси устун бўлади. Доимо Румийсифат устун бўлинг!

Мени менда деманг, менда эмасман, бир мен бордур менда, мендан ичкари! Мен ичра мен, у нима? Наҳотки, нафс

шу даражада қон томиримизга-ю, жон томиримизга кириб кетган бўлса.

Эрталаб қарзларини, кечқурун қарздорларини эслаган одам олиҳимматдир.

Ўзига қараб кутишларини, сўзига қараб кузатишларини билган киши, ўзидан кўра сўзига эътиборли бўлади.

Одатда, инсонлар адашмайди, адаштирилади.

Айрим самимиятли, пок ниятли одамларнинг қилган ёмонликларида ҳам яхшилик бор, айрим носамимий одамларнинг қилган яхшиликларида ҳам ёмонлик бор.

Баҳона қилганни бегона билган инсон зийрак ва тийракдир.

Ризқнинг тийилиши ўз майлинг туфайли бўлса, қийилиши эса ўзганинг нияти биландир. Аслида, ҳаммаси Яратганнинг иноятидан.

Ҳаётнинг шундай ёзилмаган “қонунлари” борки, у ички майл-у хоҳиш, талаб-у эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, эшитиб-эшитмаслик, кўриб-кўрмаслик, билиб-билмаслик фонида амал қилади. Аслида, у механизмни ҳаракатга келтирувчи кўринмас кучдир. Уни илғамасдан қилинган ҳаракат кўпчиликка кулфат келтиришига кафилман.

Бугунни бугун ўйламаган, эрта-индинги тугунни еча олмайди.

Фарзанд неча ёшга кирса ҳам, ота-она учун барибир фар-

занд бўлиб қолганидек, шогирд қандай улуг мартабага эришиб, камолот зинапояларига кўтарилмасин, устоз учун барибир шогирддир. Ота-она ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандига яхшиликларни яратгандан тилайди, айрим устозлар эса, шу тилакни шогирдларига доим ҳам раво кўравермайдилар. Фарзандининг камолини кўриб шод бўлган ота-она раҳмат соҳиби, шогирдининг заволини кўриб шод бўлган устоз раҳмат соҳиби эмас!

Жамоа розилиги ва хайрихоҳлиги бўлмаган жойда ҳақиқат ва адолат изтироб тортади.

Ўқимаганни ўқитишдан кўра, ўқиганни ўқитишда мажбурият бурчи ва масъулият ҳисси устунроқ бўлади.

Болалигидан атрофдаги нарса-ҳодисаларга кўзи ва қулоғи билан ўта диққатли бўлганлардан келажакда ихтирочи, иқтидорли ва фавқулудда истеъдодлар чиқишига шубҳам йўқ.

Болалик алдамайди, алданади. Катталарнинг “Алдагани бола яхши”, – деб болалаларни алдагани, ўзларининг алданидир.

Бу дунёга ёлғончи ва бевафо нисбати берилса-да, у ёлғончи ва бевафолар билан келиша олмайди.

Ўзида, дилида олови бўлмаган, сўзида, кўлида қалови бўлмаган инсондан маънавиятчи чиқиши қийин. Чунки унинг жон ва қон томирида фидойилиқдан нишон йўқ.

Дунё-молинг бўлса-да, ақлинг бўлмаса ҳеч нимасан. Ақл билан дунё топиш мумкин, лекин дунё билан ақл топиб бўлмайди.

Бировнинг дилига озор етказиб ёки суқини келтириб жимжимадор либос кийгандан кўра, кафан кийган аълороқдир. “Кўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис”, – дегани, аслида, шу эмасми?

Ўзининг яхши ёб, яхши ичиб, ачши кийинишини ўйлаш билан бирга атрофдагиларнинг аҳволи билан қизиқиш ҳам олижанобликдир.

Ҳар иккала гуруҳ ўртасидаги зиддият олишув эвазига эмас, балки келишув бадалига бўлса ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлиши тайин.

Билим ёшни, касбни, лавозимни, жинсни, ирқни, замонни, маконни танламайди, унга интилганга доим пешвоз чиқаверади.

Бировнинг “сўз”ига ишониб энг яқин инсонини йўқотиш калтабинлик ва телбалиқдан бопқа нарса эмас.

Гумон ишончнинг кундошидир.

Либосни тананинг мудофааси, ориятнинг муҳофазаси деб билган шахс миллийликнинг қадрига етган бўлади.

Либос ярашиқли ва қарашикли бўлиши керак. Дид билан кийинган киши юзга тушган холдек чиройли кўринса, дидсиз кийингани эса кўзга тушган чўпдек таассурот уйғотади.

“Орага тушганга олти таёқ”, – деган мақол оғриқ эмас, оғир сабоқдир.

Ишини битказиш учун бориниям, ориниям тўкишга тайёр турган инсондан четда юрсанг ютасан.

Ҳар қандай жонли инсонни билмадим-у, лекин ҳар қандай онгли инсон бировнинг қўлида кўғирчоқ бўлмайди.

Золим ўлди, ҳаёт шами сўнди, унинг учун интиҳо, олим ўлди, ҳаёт шами яна ёнди – унинг учун ибтидо.

Эртақларга ишонмасак-да, улар руҳиятингни тетиклаштириб, кайфиятингни кўтаради, умид ва илинж туйғуларини уйғотади.

Ўзининг уйида қаноатдан, ўзганинг уйида саховатдан сўз очишни маъқул кўрадиган кишиларга ҳайрон қоламан. Ўзига тўқ, кўп нарсага имконияти етадиган, кимларгадир миллионлаб сочадиган кишилар борки, хизматинг бадалига улардан арзимаган пул сўрасанг, вужудини титроқ босади. Ҳар нарса-ни ўз ўрнига кўювчи мезон тарозисини қўлда ушлаган вужуди мутлақ борлигини билмаслиги, уларнинг ожизлигидан нишондир.

Бир оёқда туриб, мизғиётган лайлакнинг мувозанат сақлашини кузатиб ҳайратга тушади киши. одамзод нега икки оёқда турса ҳам, баъзан ўз мувозанатини сақлай олмайди?

Билимнинг белгиси баҳо билан дейишади, ундай ҳолдә, баъзи бир “Билмасвой” ва “Билмасой”ларнинг баҳолари юқори бўлиши-чи? Улар айтолмайдиган, лекин ичдан тан оладиган ҳақиқат мана бу: “Баланд баҳо билим билан, ё пулим билан”.

Ҳақиқат ва ёлгон орасидаги кўприк — бу, миш-мишдир.

Ҳали эрта бор, индин бор ўқирман деб ўз-ўзини овута-ётган фарзанд, худди боши берк, тор кўчага кириб олдга ҳам юролмай, ортга ҳам қайтолмай қолган, ёнилғиси тугаган машина кабидир.

Иқтидорлилар эзилувчан бўлади. Қаердадир, шу фикрни ўқигандим. Менингча, Гётеда.

Меҳр тўла кўзи билан бўлмаса-да, кимнингдир тил учуда айтган сўзи ҳам дардмандларга тасалли бўлади.

Одамзод қайси тана аъзосидан изтироб тортса: “Жоним шу ерда экан-да», — деб ўйлайди. Муайян тана аъзосига дард етса, бошқа аъзолар ҳам ҳамдард бўлади. Жамиятдаги айрим кимсаларда ҳамдардлик туйғуси йўқ, улар танаси бошқа дард билмас қабилида бемалол яшайверадилар.

“Нима?”, “Қачон?”, “Қаерда?” саволларига тўғри жавоб топа олганлар билимдонлардир, “Нега?”, “Нима учун?”, “Нима мақсадда?”, “Қандай қилиб?” — деган саволларга жавоб излаганлар олиму донодир. Биринчиси хосиятга, иккинчиси моҳиятга дахлдордир.

Одамзод мунтазам равишда бадан тарбия қилмаса, унинг мушаклари, кўли ва оёқ мускуллари яхши ривожланмаслигини тушунганимиз сингари донишмандлар суҳбатидан баҳраманд бўлмаслик, улар китобларини мутолаа этмаслик ҳам миянинг ривожланишига, тафаккур тарзимизга салбий таъсир қилишини яхши идрок этиш зарур.

Истеъдодли одамларнинг хатти-ҳаракати барчага ғайри-табiiй туюлади. Улар истеъдод уммонига шўнғиганларидан сўнг кузатувчи кўзларга ва ҳар хил сўзларга эътиборсиз бўлишади. Улар фақат ўз истеъдодлари ва ихтиролари билан овунишади.

Буюкларнинг буюклиги бир-бирларига берган баҳолари билан ҳамдир. Мирзо Улуғбек Жалолиддин Мангубердига тан бериб: “Бундай жаҳонгир ўтмишда ҳам, бундан кейин ҳам топилмас, ноёб жангчидир, – дея туриб. – *Буюклик унинг жасорати олдида букилган бўларди*”, – дейиши яққол мисолдир.

Жонажон Ватан ҳимояси, жон ва тан ҳимояси каби азиз, муқаддаслиги ҳар бир қалбда бўлиши керак.

Диний ва дунёвий таълимот битта юрак ва битта бошга эга бўлган танадаги икки кўзнинг жавҳарга тўла хазина-сидир.

Хотирлаш инсоннинг эзгу амалларига эҳтиромли муносабат ва қадрлаш демақдир. Ўтганларни ёдлаш ва руҳларини шодлаш аслида, ёдланиш завқи, шодланиш шавқи ва қадрланиш қийматини туйган инсонларда табиийлик касб этади.

Жамоанинг ҳар бир шахс ҳақида қараши, умумий фикри бўлади. Ана шу умумфикр сенга муносабатни билдиради. Қизиқчи бўлсанг, жиддий гапингни, жиддий одам бўлсанг, қизиқчилигингни қабул қилишлари қийин.

Ўзига эътибори кучли бўлган инсоннинг ўзгага ҳам эътибори зиёда бўлиши инсоф, иймон ва одамийликдандир.

Иш ташвиш билан келишишни талаб этгани етма-
ганидай, кишини кишанбанд ва зиндонбанд ҳам қилади.
Эркин ижодий фаолиятингга изн бермайди. Озиқ қоқилган
қозикда эмас. Махтумқулини энди тушундим.

· Кўнглим истар кезсам экан оламни
Қанотим йўқ учолмайман найлайин.
Ўқийман, кўраман барча каломни,
Маънисини ечолмайман найлайин.

Кўплар унда ғаввос бўлиб сузарлар,
Менга аён халқдин пинҳон кезарлар
Гул бодада гулгун шароб сузарлар
Қўл узатиб ичолмайман, найлайин.

Ким учундир кимлардир томонидан ёзилган, кимнингдир
хиссаси, киссасидан чоп этилган китобнинг умри узок
бўлишига ким кафолат бера оларкан?

Қушнинг парвозини унинг қўш қанотисиз тасаввур
қилиш қийин бўлганидек, одамзоднинг иқболини, жамият-
нинг истиқболини ҳам икки қанот — маънавият ва маъри-
фатсиз англаш мушкул.

Меҳрибон дўстинг нон беради, бой дўстинг ҳамён
беради, диндор дўстинг Қуръон беради, эсли душман баъзан
ён беради, қондошларинг қон қуйиш керак бўлса, қон беради.
Барчасидан бебаҳра инсон ожиз қолиб ахийри, жон беради.

НУТҚ МОҲИЯТИ СЎЗ ХОСИЯТИДАН

Ўзи ёқимли, сўзи юқумли бўлмаган нотикни таълим-тарбиянинг таъсирчанлигига тааллуқли талабларнинг тарафдори деб бўлмайди.

Тингловчи иккинчи томон, таъбир жоиз бўлса рақиб томон демақдир. Гўёки, жангда уларни қурол билан, уриш билан, зулм билан уни забт этасиз. Нотикликда эса тил билан, усул билан, илм-у ҳилм билан уни асир этасиз.

Ҳақиқий нотик бутун бир қўшинни бошқараётган қўмондонга ўхшайди. Унинг ўз стратегияси ва тактикаси бор. Стратегия олдинга қўйилган мақсад, тактика эса уни амалга ошириш йўллари, усуллариدير. Тактикани билмаган ва ўз ўрнида қўллай олмаган нотик, албатта, мағлубиятга учрайди.

Нотиклик улкан дарахт бўлса, нотиклар унинг шох ва новдалари, нутқ мевалари, мантиқ эса теран томириدير.

Нотик билиши ва амал қилиши шарт бўлган асосий омиллар бири шуки, тафаккурининг тадрижийлиги, изчиллиги, мантикийлиги ва тингловчиларнинг диққат-эътиборидир.

Нотиклик курсига илк бор келган тингловчиларим, дастлаб бидир-бидир гапиришиб, микрофонни талашишарди. Ўқув курсининг дастлабки босқичи якунига ета бошлаганда, улар ўйчан ва камгап бўлиб қолишарди, таҳсилнинг иккинчи босқичи ниҳоясида эса маънодор сўзларни айтишга қўлишардики, уларнинг фикр-у зикр ҳикмат даражасига етганини ўзлари ҳам сезмай қолишарди.

Нотикларга буюк ва суюк нисбатини бериш мумкин, қачонки, улар давр юкини кўтара олишса.

Нотикликнинг муҳим жиҳати шундаки, нотик ҳар нимани сўзласа ҳилм(мулойимлик) билан сўзлагани, ҳар нимани эшитса илм билан эшитгани яхши. Биринчиси ахлоқини, иккинчиси билимини билдиради.

Нотикнинг тезкор жавоби обдон ўйлаб айтилса, эшитувчига малол келмайди.

Диққат-эътибор барча билимларнинг, хотиранинг ибтидосидир. Нимаики нарсага диққат қилинса, у ҳақда ўйлайсиз, тасаввур қиласиз, кўз олдингизга келтирасиз. Масалан: “Нима?”, “Қачон?”, “Қаерда?” каби сўроқларидан –“Нега?”, “Нима?” “Учун?”, “Нима сабабдан?”, “Нима мақсадда?” сингари саволлар билан таҳлил қиласиз ва англайсиз, натижада хотиротга муҳрлайсиз.

Инсон бош миясининг чап ярим шари нутқ билан боғлиқ, ўнг ярим шар эса кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳидлаш орқали ахборот қабул қилади, ҳис этади. Биринчиси сўзли, иккинчиси эса “тилсиз” тарона ва тасвир оламидир.

Нотик нутқи мантиқдан йироқ, билингки, у – буғдойсиз бошоқ.

Издан шогирд қолдирмаган ҳар қандай воизга буюклик ва суюклик нисбатини бериб бўлмайди.

Нотик мисли ўқланган ва ўқталинган милтиқ. Унинг учун нишон керак ва тепкини босиш қолади, холос. Қилинса ихлос, демакки, халос.

Илмнинг аввали сукут, сўнг эшитиш, сўнг ёд олиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатишдир. Нотикликнинг аввали сукут, сўнг тинглаш, ёд олиш, ақл чиғиригидан ўтказиш, амал қилиш ва даъват этишдир.

Микрофон билан тиллашишни билиш керак. У бамисоли сизга ўқталган милтиқ, қаратилган найза, олов пуркагич. Унинг билан масофа сақлайсиз, нафасингизни ростлайсиз, овозингизни, сўзингизни созлайсиз, акс ҳолда у сизни бошқаларга бошқача етказиб кўяди. Назардан ҳазар қирғоғига отгувчи ҳам, бор қилгувчи, айна пайтда йўқ қилгувчи ҳам удир. Шунинг учун ҳам дуч келган киши микрофонни ушламайди, унга яқинлашмайди ҳам.

Нотик бозиргон, тингловчи харидор. Харидоргир маҳсулотингиз бўлмаса, бозорингиз касодга учрайди.

Ўйлов, сўйлов ва овоз назоратини қилолмаган нотик доим адашади ёхуд ўз мувозанатини йўқотади. Кимгадир “Икки оғиз табрик қилинг”, – деб микрофонни тутаркансиз, у “Ассалому-алайкум, давра қатнашчилари!”, – дейиши билан гангиб қолади. “Ким у гапираётган?”, – дейди. “Ўзингиз-ку”, – десангиз, “Йўғ-ей, менинг овозим ундай эмас!” – дейди. Инсон гапираётган пайтда ўзининг овозини эмас, балки унга бошқача эшитиладиган товушни қабул қилади. Қулоқларингизнинг юмшоқ жойи билан тешикчаларини беркитинг-да, бешгача овоз чиқариб санаб, баланд овозда исмингизни айтиб кўринг. Машқни бажардингизми? Ўша сизнинг ҳақиқий овозингиз. Демак, айтар овоз эмас, қайтар овоз сизники.

Шеърнинг озиғи, шоирнинг ёзиғи ҳам сўз, нутқ билан, лекин у шунчаки сўз эмас, танланган, топилган сўздир, маъно дурлари терилган тизимдир.

Нотиқ нутқи фикр ва туйғуни таъсирчан шаклда, ишонarli тарзда тингловчига етиб бориши ва намоён бўлишидир.

Маҳоратли актёр сахнада пластикани қойиллатса-ю, ҳаётда қойиллата олмаса ажабланманг, демак, у иймонли ва истеъдодлидир.

Актёрлар ёшлигида ўзларининг юриши-ю туришига, кўринишига, овозига эътибор қилишади. Ёши бирон жойга етгандан сўнг ўзлигини унутиб, ўйнаётган ролининг ҳолат-у руҳиятига янада чуқурроқ киришни эп кўришади.

Ўқувчининг ўқитувчидан узрини тушуниш мумкин, лекин ўқитувчининг ўқувчидан узр сўраши аянчли ва изтироблидир.

Тузсиз таом тотли бўлмас, ҳиссиз калом бодли бўлмас (Хоразм шевасида “кучли”).

Қайиқчи иккита эшкакни эшсагина қайиқ илдамлайди. Ўнг ва сўл қўлдаги эшкаклар бараварига эшилмас экан, у бир жойда айлана ҳосил қилиб тураверади. Ўнг томондаги эшкак ният бўлса, чап томондагиси ҳаракат. Йўқса мақсад манзилга етиб бўлмайди. Қайиқчи – нотиқ, қайиқ – нутқ, эшкаклар эса мантиқдир. Мантиқгина ҳаракатни ва ниятни тўғри таъминлайди.

Дил – амир, тил – амр. У буюради, бу югуради. Амирга инсоф берсин.

Нотиклик санъатида сўзлашдан кўра, тинглаш қобилияти кўпроқ моҳият ва хосият касб этади.

Адабий тилда сўзлашга интилиш, нотиклик маҳоратига эга бўлиш учун нутқ бобида донг қозонганлардан кимгадир эргашиш, кимдандир таъсирланиш, кимнидир такрорлаш, кимгадир таклид қилиш керак, ана шундан сўнггина ўз йўлингизни топа оласиз. Самолёт ҳам парвоздан олдин шаттакка олинади. Гўдак ҳам илк қадамини ташлаб одимлаши учун суянч-у таянч, нотик учун ҳам эргашиш ва эргаштирувчи керак.

Аслида, ҳар қандай икир-чикирлар муҳим фикрларнинг моясидир.

Бошловчи маълум бир мақсадли жамоани сафарга олиб чиққан ва манзилига элтувчи кишига ўхшайди. У муайян восита хоҳ автоулов бўлсин, хоҳ кема бўлсин, хоҳ ҳаво кемаси бўлсин уни бошқарувчиси кабидир. Гап бошқарувчининг қандай суръатда, қандай усулда, қандай тезликда бошқара олиш маҳоратига боғлиқ.

Нотик парвоз қилади, лекин ҳаво кемаси – самолёт эмас, дарё, денгиз бўйлаб сузади, аммо кема эмас, у қуруклик бўйлаб илдам чопади, бироқ от ёки автомобил эмас. Демак, у сўзи билан еру кўкда, сувда юра оладиган “вездеход”микан?

Санъат бир нарсани иккинчи нарса орқали айтишдир. Адиб тўғридан-тўғри айтадиган бўлса, унинг фикри яланғоч бўлади. Демак санъат ишоратдир, эзгуликдан башоратдир.

Санъат кийим кийгишиш, кийгизганда ҳам ярашиқлисини, қарашиклисини кийдиришдир. “Қизим, сенга айтаман – келиним сен эшит!” – нақли бежиз эмас экан-да.

Кўрган-у эшитган, ўқиган-у билган нарсаларни бировга айтиб бериш жараёнида бадий бўёқлар, таъсирли сўз ва иборалар, ташбеҳий ва тасвирий ифодалар билан айтиб беришни тинимсиз машқ қилиш нотиклик қозонида қайнаш демақдир.

Нотикнинг завқ-у шавқи нимада? Ўзи гапираётган нарсани берилиб хикоя қилишида эмас, балки, ўзганинг берилиб тинглаётганини туйиб хузурланишидадир.

Нотикнинг сўзи, аслида, тингловчининг кўзида, унинг диққату эътиборидадир.

Икки қўлдан қарсақ садоси чиққани сингари айтувчи ва эшитувчи орасида муайян мавзу борасида дилдан нидо чиқмаса, бундай нутқ пуч ёнғоқ кабидир.

Гапираётган нарса-ҳодисанинг ёхуд мавзунинг моҳиятини чуқур англаган ва тасаввур этган, идрок этган нотик эсанкирамайди, ҳаяжонланмайди ҳам. Гап мавзуни қай даражада билишда.

Нутқингизда келтирмоқчи бўлганингиз шеър ёки ривоят, мақол ёхуд матал меъёрида бўлмаса бузилади, сўзга ва сизга эътибор сусаяди.

Ўзи билмаган ва ҳис этмаган нарса ҳақида гапираётган нотик, боши берк кўчага кириб кетган сўкир кимса кабидир.

Ўзи идрок этмаган нарсалар ҳақида гапиришга интилганлар нотик эмас, вайсақи ёки аравани қуруқ олиб қочувчи сафсатабозлардир. Вайсақилик, сафсатабозлик ва серсўзлик эса нотикликнинг душмани, кушандасидир.

Мудраётган одамни бедор қилолмаган, маҳзун кишини масрур, қахрли кимсани меҳрли қилолмаган нотик ҳеч ким, нутқ ҳеч нимадир.

Сўзнинг ўрнини топиш тингловчи, вазият, шароит ва маконни тўғри танлашдан бошланади.

Чақувчи чаёндан кўркмасанг ҳам сўздан етадиган зиёндан кўрк.

Яратганнинг ўзи одамзод ортиқча гапирмаслиги учун тилнинг олдида иккита кўрғон курган, булар лаблар ва тишлардир.

Ҳақиқий нотик қуйидаги мезонларга таянади. Кимга, нима ҳақда, қаерда гапиришни, қачон ва қандай қилиб гапиришни, қай ҳолатда, энг муҳими, қанча сўзлашни билиши шарт.

Нотикликда истеъдод яширин бўлади, чинакам нотикларгина уни юзага чиқаришга қобил бўлади.

Ғазаб туйғусини жиловлай олмаган қизиққон воиз, албатта, ҳалокатга маҳкум бўлади.

Нотиклик одамзоднинг ҳис-туйғусини, онг-у шуурини, ақл-у идрокини ром этадиган таъсирчан санъатдир.

Арзи додга келган кишига пинагингни бузмай, кўз қирингни ташлаб қўйма! Қулоғингни оч, кўзингни оч, қалбингни оч. Ҳамма дардларини яна ичига ютиб қайтиб кетмасин. Шундагина, эътиборингга яраша эътиборда бўласан. Умид билан келганни ноумид қайтарма. “Умидим шул умидингга етгайсен”, – дейди ҳазрат Навоий.

Нотиклик чўққисига чиқишга эришиш унга интилиш, изланиш, киришиш ва тиришишдан бошланади.

Асабийлашган, ғазаб отига минган воиз сўзламагани мақбул, чунки у пайтда сўзлар унинг оғзидан эмас, бўғзидан чиқади.

Ўзи яхши билиб идрок этганлари ҳақида нутқ ирод этган нотиклар ноқулай вазиятга тушмайди, нутқий нуқсонларга йўл ҳам қўймайдилар.

Ҳақ ва халқ ҳақида айтиладиган фикр, залворли юк нотикни буюк ва суюк ҳам қилиши, керак бўлса, юрак-багрини куюк ҳам қилиши ҳеч гап эмас.

Чин нотиклар ҳақиқатни айтиш борасида ёлгондакам тан бериш ёхуд ён беришдан кўра, жон беришни афзал билишган.

Воизнинг вайсақилик қилиб сўзни чўзгани, эл эҳтиромидан умид узганидир.

“Юз сўзлаган бир ўлади”. Ўтмиш воизлари бу нақлни била туриб ўлимга тик бораверганлар.

Нотиклар нутқ бобида муқтадир, нотиклик касб эмас,
асли бу тақдир.

Тингловчилар эмас, англовчилар кўп бўлган жамиятда
муаммолар дарвозаси тақа-тақ бекилган бўлади.

Ўз-ўзига ишончи бор инсоннинг ўзгаларга ҳам ишончи
бўлиши муқаррар.

Тили ва дили, сўзи ва ўзи бошқа одамлар алдов ва
тилғмалик билан мунофиққа мувофиқдир!

Сўз ва саз санъати замин билан осмонни, замон билан
маконни боғловчи кўприқдир.

Нотиклар наздида кўнгил олиш кўнгил овлаш дегани
эмас.

Устозларга эргашишда уч хил йўл бор: тақлид, такрор,
таъсир. Тақлидчилар умр буйи устозларнинг юриш-тури-
шига, сўз-у овозига тақлид қилиб ўтадилар – улар муқаллид-
лардир. Такрорловчилар эса устозлари айтган қўшиқларнинг
барчасини ёд олиб, айтиб юришади – улар муқаррирлардир.
Таъсирланувчиларда эса дастлаб тақлид ҳам, такрор ҳам
бўлади. Лекин улар маълум доирада қолиб кетмасдан янги
йўл ва усулларни пайдо бўлишига сабабчи бўладилар ва
санъатда из қолдирадилар – улар мутаассир ижодкорлардир.

Тил калит бўлса, дил қулф, шундай экан, ҳар қандай
қулфга дуч келган калит тушавермайди. Тилингиз дилин-
гизга, дилингиз дидингизга мос бўлсин!

Нотик нутқи инсоннинг руҳияти ва кайфиятига таъсир этаркан, унга тушкунлик ва кўтаринкилик бахш этиш асно-сида, дардига дард кўшиши ва аксинча, уни даволаши ҳам мумкин.

Ўрлик ва зўрлик маънавий кўрлик ва пешанаси шўрликдан нишон, сўзимга ишон!

Темир кўрғон ичидаги қизил тойчоқнинг тизгинини кўйиб юборган нотик обрўйдан ҳам, бошидан ҳам айрилади.

Жон-у таннинг қуввати таом билан, руҳнинг қуввати калом билан! Иккинчиси билан диллашайлик!

Ўзгани қандай баҳолашинг, аслида, ўзингни шундай баҳолашингдир.

Одамзоднинг келишган, бўйчан бўлганидан кўра, келишмаган, ўйчан бўлгани андишаларок бўлади. Биринчисида кибр, кейингисида сабр устунлик қилади.

“Тингланг, най не наволардан ҳикоятлар қилур,

Айроликлардан шикоятлар қилур”, – дейди рубоийсида Жалолиддин Румий. Унинг найни қаламга, қаламни найга ўхшатишларида рамз бор. Хаттотлик қалами қамишдан ясаларкан, унинг тепа қисмида тешикчалар ҳосил қилишади ва пуфлаб куй чалишади, айна пайтда, уни учини тарошлаб қалам сифатида истифода этишади. Сўздаги саз ва создаги еўзнинг жилоси ана шулардан туғилади.

“Агар бўлмаганда хаттот қалами,

Қоронғу қоларди мозий олами.” – деганида Юсуф хос Ҳожиб ҳақ эди.

Дилида алами борнинг қўлида қалами бор, дедим-у, ўйлаб қолдим, балки қалбида илҳоми, қўлида жоми бўлмаса ҳеч нимаси бўлмас.

Бошлаш эмас, боғлаш муҳим, тинглаш эмас, англаш муҳим,

Сўз севдиради, сўз бездиради, сўз куйдиради, сўз суйдиради. Бироқ, барчасида меъёр зарур.

Ўз-ўзингни мажбурлаб сўзлаган сўзинг ҳам, қилган ишинг ҳам хайрли ва манфаатли бўлмайди.

Нима дейишдан кўра, нима демасликни билиш донолик, балки донишмандликдир.

Ўзлик ва сўзлик тарозининг икки палласига ўхшайди, доимо барабар туриши мушкул. Фикр-у зикри каж кишидан яхшилик кутиш қийин. Ёғочнинг эгриси тўғриланмас, у фақат ўтинга ярайди, қалбига ёвузлик ин қурган одамдан ҳам яхшилик кутиш бемаъниликдир.

Қоронғи йўлда машинанинг чироқлари бўлмаса, у илдам кетолмайди. Чироқлар муайян масофагача йўлни ёритиб боради. Нотикларнинг режаси унинг сўз чироғидир. Режасиз иш – қолипсиз ғишт эканлигини билмаган нотик қоронғилик қаърига кириб кетган чироқсиз машина сингаридир.

Ҳақиқат билан ёлғон орасини ажратувчи мезон – мантиқдир. Мантиқ ҳақиқатни қўллайди, мантиқсизлик ёлғонга йўллайди.

Одамзод дунёга кўзи юмуқ ҳолда келади ва рихлатга эса кўзи очик ҳолда кетади, унинг кўзини яқинларидан бири кўли билан беркитиб кўяди-ю, ўзининг кўзи яна бир бор очилади. Бу сўз билан изоҳланмайдиган, балки ҳолат билан англанадиган ҳодиса, аниқроғи, ҳақиқатдир.

Ўта асабийлашганда ёки жуда хурсанд бўлганида ҳар қандай нотикнинг нутқи ҳам қовушавермайди.

Нотиклик санъати ўзига ўзи маҳлиё бўлиш эмас, ўзига ва сўзига маҳлиё қилиш санъатидир.

Нотикнинг парвози фикридаги андоз ва сўзидаги пардозга боғлиқ. Шундагина, нотик нутқи пардоз-андозли бўлади.

Машҳур нотиклардан бири ҳазиломиз тарзда, шундай деганди: “Мени иккита ҳодиса ҳаяжонлантиради: биринчиси – минбарга чиқиш, иккинчиси – дилбарга боқиш.

Унсиз йиғлаш юрак-бағирни тиглаш демақдир.

Кимнингки фикр ва сўзи тарқоқ бўлса, билингки, у ё ўта андишали ёки кўрқоқ, ё жохил бўлади.

Нотикнинг энг зўрларидан бири шундай деганди: “Мени ўлдирса уч нарса ўлдиради, бири минбар, яна бири микрофон, яна бири видеокамера. Буларга ўзимни сўзим боғлаб беради. Ҳазар ҳам, назар ҳам улардан.

Дарахтлар сўзламайдиган файласуф. Куртак тугади, барг ёзади, айримлари мева беради. Кузга келиб яшил япроқлар сарғайиб хазонрез бўлади. Қип яланғоч қолади. Яна баҳор келиб шу ҳолат такрорланади. Демак, ҳаёт давом этаверади. Шундай экан: “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”, – деган калом борасида нимадир қолдириш ташвиши билан яшанг.

Ёш актёрларга “Навоийни, Шекспирни кашф этинг, ижро этинг”, – дейишади. “Йўқ улар ташқарида эмас, сизларнинг ўзингизда, ичингизда, вужудингизда, уни чиқара олиш сизга боғлиқ”, – деркан, куюнчак устозлар.

Машқ-у машаққатни енга олган мушоҳадага мойил, мулоҳазакор инсондан яхши нотик чиқишига умид қилса бўлади.

Ишониши суст бўлган воизнинг ишонтириши ҳам суст.

Меҳр билан кўз чакнайди, фикр билан сўз ўйнайди.

Инсон нутқи “рамкаланмаган” ва “рандаланмаган” бўлса табиий, лекин ноўхшов бўлади.

Куш қўш қаноти билан парвоз қилгани каби нотикнинг ҳам икки қаноти бор. Бири тафаккур қаноти, иккинчиси талаффуз қаноти. Бири ўйлов билан, иккинчиси сўйлов билан рўёбга чиқади.

Маълум ва машҳур санъаткорларнинг овози, ижро усули ва манерасига ўрганган халқ, улар ижро жараёнларида баъзи бир нуқсонларга йўл қўйишса ҳам сезишмайди, барибир қабул қилишаверади.

Баланд минбар баланд бўйи борлар учун эмас, фикр ва ўйи, яхши феъл-у хўйи борлар учун.

Муомала барча муаммоларнинг калитидир.

Муомала амалларнинг омили ва таомилidir.

Нотиклик нотик билан тингловчилар жамоаси орасидаги ишонч устуни ва ишонтириш кўпригидир.

Чўталниям, йўталниям хуш кўрмайдиган устоз нотиклардан бири шундай деганди: даҳолар ўзгаларни баҳолар, улар фанга муносабатда адашишмайди, танга муносабатда адаштирилади.

Чин сўзни, чин фикрни қайта-қайта эътироф этавериш ҳақиқатни масхаралашдир.

Нотик бўлмоқчи бўлсангиз, “суворий”ликни ўрганинг. Фикр – от, сиз – чавандоз, сўз – жилов, мантиқ – эгар-жабдуқдир. От тизгинини тез-тез тортиб турган чавандоз кўзланган манзилга хавф-хатарсиз етиб боради.

Нотикнинг манглайига берган бўлса даромадли, танглайига берган бўлса буромадли бўлиб умргузаронлик этади. Нотикларга осон эмас, улар ўзларига олам ичра олам яратган ноёб истеъдод эгаларидир.

Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш маънавиятдандир.

Яхши сўз яхши, гарчи тез уруғлаб кетмаса-да, совук сўз ёмон, тезда болалаб кетади ва зиён-заҳмат еткази.

Ақлли одам ақалли бир маротаба бўлса ҳам нотиклик дунёсига бир бош суқиб кўради.

Кўзлаш ва сўзлаш сир-асроринг ошкоридир.

Ақл билан безанмаган, мантиксиз нутк буғдой бошоғидан ажралган сомон сингаридир.

Сўз устда, маъно остда бўлади, худди тана либос остида бўлгани каби.

Ҳар қандай фикр чуқур ва мантиқий бўлмасин, у санъат пардасига ўралмаган бўлса, ярашиқли, қарашикли, таъсирли ва озикли бўлмайди.

Бир пайтлар болаларнинг оғиз бўшлиғида товушлар аниқ талаффуз қилиниши учун каллак қанд беришган. Қанд ширинлигини сеза бошлаган бола улғая бошлагач, товушлар таркибидаги сўзларнинг маъно ва оҳангини ажрата бошлайди.

Донишмандларнинг фикр-у зикри, чинакам нотикнинг нутки одамзоднинг ўзи билан ўзини олишишга ўргатади, ўзига назар ташлашга даъват этади.

Нотик ўзининг маҳоратини бир-иккита одамнинг мақтовига қараб эмас, балки жамоанинг диққат-у эътиборига қараб белгилагани мақбул.

Сўзини тежаган, ўзини тергаган воиз ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди.

Агар сўз, нутқ бўлмаганда эди, давлатни идора этиш, ҳокимиятни бошқариш, оммани ундаш, ғоя сари чорлаш ва жипслаштириш, мақсад сари даъват этиш, тарғиб-у ташвиқ қилиш ҳам бўлмас эди.

Сўз аввал неъмат бўлган, кейин эса рағбатга, ҳикматга дўнган, сўнгра даъватга кўчиб қудратга айланган.

Ички нутқ англанади, ташқи нутқ тингланади. Нутқий фаолиятнинг ушбу ҳар иккала тури ичида ичкиси табиийроқ ва самимийроқ бўлади.

Фикр локомотивга, сўзлар поезд вагонларига ўхшайди. Фикр етакчилик қилса, сўзлар вагонлар сингари терилиб, эргашиб келаверади.

Йиғилганларни йиғлатиш ёки қулдириш эмас, балки англатиш нотикнинг вазифасидир.

Одатда, рақс санъатини қушга қиёс қилишади. Унинг бир қанотида мусиқа турса, иккинчи қанотида ҳаракат туради. Нотиклик ҳам шундай, унинг бир қанотида нутқ, иккинчи қанотида эса мантиқ туради.

Ўзлигимиз ўтгувчи, сўзлигимиз қолгувчидир. Сўзлигимиз илм-у хунар билан, ақл-у амал ва хулқ билан зийнатланган бўлсагина қолишини унутмаслик керак.

Кўнгил олиш ҳам сўз билан, кўнгил қолиши ҳам сўз билан.

Ўзингни ўзгада, ўзгани ўзингда кўриб сўзлаш нотиклик талабларидандир.

Мақтов гап мойдек ёқишини, аччиқ гап тикандек ботишини ҳис этмаслик мумкин эмас.

Инсон танасидаги олтита аъзо борки, улардан учтаси бўйсунадиган, учтаси бўйсунмайдигандир. Тил, қўл, оёқ бўйсунувчи, кўз, қулоқ, бурун эса бўйсунмайдиган аъзолардир. Чунки кўз беҳосдан ҳар хил нарсага ташланади, қулоқ ҳар хил гапни эшитиб қолиши, бурун тасодифан бадбўй ҳидни искаши мумкин. Бўйсунадиганлари бўйсунмасдан қолса, одамни иродасизликда айблаш ўринсиз, назаримда. Кўз кўрсатиб ишорат қилмаса, бурун ҳидлатиб туриб майл билдирмаса, қулоқ ёқимли оҳангни қабул қилиб ундамаса тил, қўл, оёқ югурармиди...

Нотиклик – қобилият, қолипга солиб бўлмайдиган амалий, кенг қамровли фаолиятдир.

Нотиклик қайроқ тош сингаридир, у чархланади, силлиқланади, ўткирланади, сайқалланади, қайралади, унинг учун фақат китоб эмас, диққинафас бўлиб, биқик хонада ўтириб сўзлаш эмас, унга тингловчи керак, унга минбар керак, унга микрофон ва видеокамера керак. Нотиклик ана шундагина юксалади. Назарий маълумотларни амалий машғулотлар билан уйғун қилолмаган нотик чин нотик эмас.

Донишмандларнинг баъзан ўйнаб айтган сўзлари ҳам, баъзи жоҳилларнинг ўйлаб айтган сўзидан ҳикматли бўлади.

Сукут қилсанг ич-ичингга изтироб, сўзласанг гар етар танингга азоб.

Бир жуфт кўздан икки хил ёш оқади, хурсанд пайтларимиздаги севинч кўз ёши ширин, ғамгин пайтларимиздаги куюнч кўз ёши шўр, худди яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиққани каби.

Сўзни, кўзни, ўзни тия билиш иймондандир.

Нотик йўл тадорикини кўриб чиққан мусофир кабидир, йўлда йўлиққан бирон нарсани: “Бир кунимга яраб қолар», — деб хуржунига солиб юргани сингари нотиклар ҳам ўқиган, кўрган ва эшитганларини ёдига олиб, бир жойга қайд қилиб қўйса, нутқ ирод қилаётганларида, албатга, асқатади.

Ҳар доим ҳам гапирган улоқ олган, гапирмаган кулоқ солган бўлавермайди.

Тўйда бошловчилик қилиш бамисоли икки қирғоқни бирлаштирувчи кўприк бўлишдир. Ҳозир тўйларда кўшкўприкларни кўриш мумкин. Иккита бошловчи бўлиш анъана тусини олаяпти. Гап уларнинг тоқ ёки жуфт бўлишида эмас. Улар ёқимли бир атмосфера ярата билиши зарур. Икки қирғоқ бу меҳмонлар ва мезбонлардир. Улар орасидаги бирлик ва аҳилликни мустаҳкамланишига ёқимли сўзингиз ва табассумли очиқ юзингиз билан хизмат қила олишингиз шарт. Табаррук ташрифингизнинг ўзи тилақдир.

Қайғу, қувонч, кўрқув — инсон юраги ва миясига ин қурувчи туйғулардир.

Ўзига, сўзига, ишига ишончи бўлмаган айрим раҳбарларнинг фаолиятида ижодкорликдан кўра, ижрочиликка майл кучли бўлади.

Нотик фаолиятидаги диққат ва хотира худди бошдаги иккита кўз каби муҳимдир.

Сўзни ўз ўрнида топиб, танлаб қўллай олмаган нотик бамисоли ўзига ярашмаган киймни кийиб кўчага чиққан кимса кабидир. Ўзини ҳам, ўзгани ҳам ноқулай ҳолатга солади.

Футбол ўйинида йигирма иккита ўйинчи битта юмалоқ тўпни эътибордан қочирмайди, изидан югуради. Мақсад тўп киритиш, ғалаба қозониш. Нотиклик майдонида ҳам бир фикр ўртага ташланади. Унга жавоб топиш учун турлича қараш ва мунозаралар баҳси бошланади. Лекин тўп юмалоқ, фикр қиррадордир. Ҳақиқат дарвозасидан қоидали ва моҳиятлиси жой олади.

Адабий материал жасад бўлса, уни сахнада ёки кинода кўриниши жон, томошабинга таъсири эса руҳга монанддир.

Ўйнаётган ролдан чиққан актёр бамисоли йўлдан чиққан автоулов кабидир. Ролнинг руҳият тизгинини ушлаб туриш зарур. Синчков томошабинга хиёнат қилишга ҳаққингиз йўқ. Акс ҳолда, машина фалокатга, сиз ҳалокатга учрадим, деяверинг.

Нутқинг хулқинг ойнасидир.

Тарғибот бирон ишга рағбат билдириш бўлса, ташвиқот шу ишни шавқ билан амалга ошириш демакдир. Ҳар иккала-

сиям арабча сўз бўлиб, нотиклик санъатининг замирида ана шу тушунчаларнинг моҳияти ётади.

“Шоир бўлиб туғиладилар, нотик бўлиб етишадилар”. Бундаги “етишмоқ” машқий жараён, машаққатли довон демақдир. Машаққатнинг луғавий маъноси асли машқдандир.

Қаҳрли сўз соҳибига нисбатан, меҳрли сўз соҳибининг умри узунроқ ва мазмунлироқ бўлибгина қолмай, балки бири омманинг қаҳрига, иккинчиси меҳрига сабаб бўлади.

Сўз – неъмат, сўз – рағбат, сўз – даъват, сўз – давлат, сўз – савлат, сўз – ҳикмат, сўз – ҳиммат, сўз – ҳурмат, сўз – раҳмат, сўз – заҳмат, сўз – фазилат, сўз – иллат, сўз – тузувчи, сўз – бузувчи, сўз – илм, сўз – тилсим, сўз – билим, сўз – зулм, сўз – сабоқ, сўз – таёқ, сўз – ҳавас, сўз – ҳасад, сўз – ғурбат, сўз – гийбат, сўз – дўст, сўз – душман, сўз – шарофат, сўз – офат, сўз – олқиш, сўз – қарғиш, сўз – меҳр, сўз – қаҳр... Хуллас, сўз – борлиқ. Фақат уни қачон, қаерда, қандай қилиб, қанча қўллаш сўзловчига боғлиқ. Бу эса сўзловчининг онг-у шуурига, ақл-у идрокига, фаҳм-у фаросатига дахлдордир.

Бир дўстим билан шинамгина кафега кирдик. Ораста, хизмат ҳам аъло даражада. Табассум қилиб бир ўспирин келди. Официант экан. Салом бериб, “Биринчисига нима буюрасизлар?” – деди. Биз айтдик, у ёзиб ола бошлади. Бироз кутиб тургандан кейин: “Иккинчисига ҳеч бало керакмасми?” – деди. Бир оғиз сўз дўстимнинг таъбини тирриқ қилди, шекилли, кутилмаганда: “Кетдик”, – деб ўрнидан турди. Официантга “Кафега бало ейиш учун келишмайди”, – деб тушунтирган бўлдим. У юз бор истиҳола билан узрлар сўрай бошлади. Узрини қабул қилдим, кейин билсам, “Ҳеч нарса”, – деган сўзнинг маънодоши уларда шундай қўлланиларкан.

Нотикликни ўргатиб бўлмайди, ўқишдан, уқишдан ва тўқиш машқидан пайдо бўлади, лекин ҳар жойдан чўқишдан эмас.

Дарахтнинг қиймати унинг меvasи ва соясида бўлса, нотикликнинг қиймати шеvasи(усул, йўл) ва гоясиди.

Бир хил оҳангдаги бир хил гапни тўйда айтсанг бошқача, уйда, кўча-кўйда, тоғда ва боғда айтсанг тингловчиларга бошқача таъсир қилади.

Бир-биримиз ҳақимиздаги ҳақ гаплар миямиз қатламларида, дилимиз тубида жойлашади. У доим ҳам тилга чиқавермайди. Уни жанжал ва келишмовчиликлар юзага чиқаради.

Бир сўз билан бош устиндасан, бир сўз билан оёқ остиндасан.

Раҳбарлик пайтдаги эъзозу эҳтиромлар вазифадан озод қилингандан кейин ҳам давом этишини ўйлаб иш юритган кимса боқийлик ва инсонпарварликка мансуб шахсдир.

Сўз – инсоннинг ўзлиги учун кўзгудир.

Айтар сўзинг айт, айтмас сўздан қайт, фикр борми қилгин қайд, манзилимиз notiq.uz сайт.

Ўз тилини, сўзи ва нутқини қай даражада эъзозлаш ва улуғлашни ушбу фикрдан англаб олиш қийин эмас. Испан қироли Карл V шундай деган: душманинг билан – немис тилида, дўстинг билан – француз тилида, аёллар билан – италян тилида, Танри билан – испан тилида гаплаш.

Иқтидорсизлар иқтидорлиларнинг кушандасидир, улар буларни ҳеч нарса қилолмасалар ҳам, фисқ-у фужурлари билан асабларини еб, ғазабларини тошириб, уларни тузалмас дардга мубтало қилади.

Санъаткорнинг дўсти бўлмайди. Тўй бошида санъаткорга мезбонларнинг “Келинг, олинг, енг, ичинг”, – деган мулозаматлари ҳаддан зиёда бўлади. Тўй охирида эса ҳеч кимнинг эътибори бўлмайди. Шунинг учун ҳам санъаткорнинг сараси “Келгандаги обрўйим кетганда ҳам бўлсин”, – деб иш тутади. Шу маънода, санъаткорлар тобутга ўхшатиларкан. Дафн маросимида майит солинган тобутни қўлдан-қўлга ўтказиб, эҳтиётлаб қабристонга элтишади. Жасад лаҳадга кўйилгандан кейин тобутга ҳеч ким қарамайди ҳам.

Нотиқнинг нутқидаги, сўзидаги нуқсонини кечириш мумкин дир, лекин унинг ўзини, ноқислигини кечириб бўлмайди. Ўз касбини яхши билмаган шифокордан кўра, жафокор жаллод афзал дир. Бири билмасдан ўлдиради, иккинчиси билиб ўлдиради.

Минбарда сўзлаётган нотиқ сирпанчиқ йўлда машинани бошқараётган ҳайдовчига ёки дор устидаги дорбозга ўхшайди. Йўлда ҳам, дорда ҳам, сўзда ҳам эҳтиёткорлик зарур!

Чин нотиқ ва шоирнинг ўзи армон билан дунёдан кетса ҳам, унинг сўзи дардларга дармон бўлиб қолаверади.

Нотиқларнинг нутқидаги сўзларидан кўра, тўхтам(пауза) ли ўринлари кўпроқ маъно беради.

Фикр – бу, лойиҳа. Айтилган сўз қурилган иморат дир. Тарҳини чизмасдан иморат қуришни бошлаган бинокор кейинчалик азият чекади.

Чайналган нотик ачиган қатик кабидир. Ҳар иккаласини ҳам қабул қилишмайди.

Тажрибали ўқитувчи дарс бераётган муаллимга эмас, балки муолажага киришган табибга, моҳир нотик эса сеанс олиб бораётган экстрасенсга ўхшайди.

Кимдир ниманидир ўқиб ёки сўзлаб берса оқ-қора телевизорда томоша қилгандек бўласиз, бошқа биров ўқиб ёки сўзлаганида рангли телевизор орқали кўраётгандек бўласиз. Бу сўзни тасаввур орқали тафаккурга дўндириш маҳоратидир.

Сўз даволаш воситаси, нутқ эса муолажа қуролидир.

Нутқ ва хулқ ярим ризқ, унга ҳунар ва ҳусн қўшилса бутун ризқдир.

Тил офати — дил касофати ҳам, тан жароҳати ҳамдир.

Касал одамга ҳар қандай тотли, тансиқ таом ҳам ёқмагани каби дилида иллати бор одамлар ҳам мазмунли тадбирдан, моҳир нотикдан, таъсирчан нутқдан фазилат топиши қийин.

Нотикқа икки ҳолатда сўз келмайди, нутқи ҳам қовушмайди. Бири ўта ғазабланиб, жаҳл отига минган пайтида, иккинчиси ўта суюнган, шод-хуррам пайтида.

Нотиклик нозиклик таъби билан сўз айта олишдир.

“Ҳаёт велосипедга ўхшайди, — дейди Алберт Эйнштейн. — Ҳаракатланиб турмаса, мувозанатни йўқотади киши.” Бу фикрни воизликка нисбатан ҳам қўллаш жоиз. Доимо инти-

лиш, тиришиш, тинимсиз машқ нотиқликнинг яшаш ва ривожланиш тарзидир.

Ўйлай олиш фан, мантик, сўйлай олиш эса санъат, нутқдир.

Чин нотиқлар мадҳ этмайди, чунки маддоҳ эмас, мақтамайди, чунки лаганбардор эмас, гап сотмайди чунки сафсатабоз эмас, серсўзлик қилмайди, чунки вайсақи эмас, балки улар сўзлаб фахр этади, гурурланади. Нотиқларни манфаат яроғи эмас, маърифат чароғи етаклайди. Нотиқларда самимий сўз, манتيкий нутқ бировнинг буйруғи билан эмас, юрак амри билан туғилади. Чин нотиқ кулиш учун кулмайди, йиғлаш учун йиғламайди, сўзлаш учун сўзламайди. Самимият унинг қон томири бўлса, ҳақ сўз жон томиридир.

Табассум ва очиқ чеҳра ҳар қандай ёпиқ эшикларни очади. Синашта ҳолат ва ҳақиқат бу. Муаммолар ечими-ю, муносабатлар тугуни ҳам, аслида, у билан. Сиз учрашмоқчи бўлган инсонга қандай қиёфатда юзлансангиз, унга ҳам худди шу кайфият ва руҳият дарҳол кўчади. Доим кулиб юринг. Табассум бир зум эмас, доимий бўлсин.

Сўзлар, кўзлар, юзлар маънога манба бўлмас экан, ўз қийматини йўқотиши тайин. Қаҳр ва меҳр кўрғонининг кулфи ҳам, аслида, уларда.

Сўз – ғоя байроғи, мафкура маёғи, хулқ аймоғи, нутқ қаймоғидир.

Ўзи ёқимли, сўзи юқумли бўлганларгина ноёб ва нодир нотиқлардир.

Нутқнинг аниқ, талаффузинг тиник, тафаккуринг теран бўлмагани учун микрофондан ўлкалама.

Нотикнинг ютуғи ва ғалабасига гаров суҳбатдошининг қизиқиши билан қизиқишидир.

Тил ва нутқ таннинг, ақл ва фаросат жоннинг, иймон ва идрок эса руҳнинг кўрикчисидир.

Нотиклик икки дамли ханжарга ўхшайди: икки томониям кесаверади. Ниятга боғлиқ, ундан фойдаланиб бузиш ва тузиш ҳам, ўлдириш ва қулдириш ҳам, омонлик ва ёмонлик ҳам, обод этиш ва барбод этиш ҳам мумкин. Бунёдкор ғоялар ҳам у билан, бузғунчи ғоялар ҳам у билан. Худди қаламдан фойдаланиб бировга соғинчли салом хати ёзиш ёки бировнинг устидан юмалоқ хат ёзиш мумкин бўлганидек.

Нутқ сифати – нутқ офатининг олдини олиш учун.

Нотик аниқ мақсад ва ҳукми, хулосани билиб олиши шарт. Кейин эса қолган сўзлар, тингловчилар билан сўзлашиш ва кўз билан кўзлашишлар ҳаммаси ана шу мақсад манзилига олиб боради, уни. Энг муҳими, борадиган манзилнингиз аниқ бўлсин. Тўғрига, ўнга ёки чапга юришини билмай боши қотган ҳайдовчининг кўйига тушиб вақт кетказманг.

Сўзнинг моҳияти унинг маъноси, нотикнинг мақсади билан эмас, балки уни тинглаётганларнинг англаётгани ва амал қилиб ўзгаларга ҳам даъват қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Маҳоратли нотиклар сўзни еттиришдан кўра, едиришининг, етказишдан кўра, ўтказишнинг йўллари ҳақида бош қотиришади.

Чин нотик тингловчиларни ўз чиқиши билан ёндирса-ю, кондирмаса чала пишган таомни сузган ошпазга ўхшайди.

Воизларнинг ўзидан эмас, сўзидан кўрқиб дағ-дағ титровчилар ҳар бир замонда ҳам топилади.

Ҳиссиз каломнинг тузсиз таомдан фарқи йўқлигини билмаган нотик ҳали кўп тер тўкиши керак.

Чин нотиклар кучни (биоэнергияни) сўзларидан эмас, балки тингловчиларнинг кўзларидан олади.

Сирпанчиқ йўлда қанчалик эҳтиёткорлик зарур экан, минбарда ҳам нотик сўз топиш, танлаш ва қўлашда шунчалик эҳтиёткор бўлиши керак.

Ноёб нотикларнинг сўзлари тингловчиларининг кўзларидан олинади.

Суйдиргувчи ва куйдиргувчи сўзнинг таъсир кучи, сизнинг қандай қабул қилишингизда.

Қунт, фикр, ихлос, ҳафсала бўлмаса нутқинг дабдала.

Сўзамоллик бемалоллик эмас, балки малоллик.

Тингловчиларнинг эътиборсизлиги нотикни сусайтиради, бўшаштиради, айтмоқчи бўлган фикрини ичига ютиб кетишига мажбур қилади.

Тинимсиз тер тўкиб фидойилик кўрсатса-да, биронта мукофот ололмаган заҳматкаш киши қалбига ушбу қадимги ҳинд ҳикмати тасалли ва таскин бўла олади: «Билим – таълимга боғлиқ; иззат – ишларга; фаровонлик – ғайратга; мукофот эса тақдирга боғлиқ.»

Киноактёр ижро жараёнида сўз ва ҳолатни ҳис этиши керак, лекин унга қаратилган видеокамера, режиссёр ва оператор нигоҳини ҳис этмагани маъқул. Акс ҳолда, табиийликка путур кетади. Ўзини расмийлик ва сунъийлик пардасига ўрайди.

Ўзини ўзгага кўчира оладиган инсон касби нуқтаи назаридан актёр, ҳасби ҳол нуқтаи назаридан чин, самимий инсондир.

Сўз бамисоли сув, бамисоли ўтдир. Шунинг учун ҳам донишманд халқимизда: “Ўт балоси, сув балосидан ўзинг асра”, – деган дуо бор. Сув ёқасида, ўт рўпарасида туриб шеър ўқиш бу дикторча услубга хос, сув ичида, ўт ичида туриб шеър ўқиш эса актёрча услубга мосдир. Сўз сув-ки, ташна қалбларни қондиради; сўз ўт-ки, дилларни ёндиради. Бу ишни суҳандон сўзи билан сўзлаб, актёр кўзи билан кўзлаб бажаради.

Чирок нури уйингизни, китоб нури фикр-у ўйингизни ёритишини билишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Чин нотикларнинг иккинчи “мен”и бор, уларнинг “мен”лари бир-бири билан ҳеч келишолмайди. Фақат минбарга чиққандагина бирлашадилар, холос.

Сахнавий нутқда актёр персонажининг кўзига қараб сўзлайди, нотиклик нутқда эса нотик тингловчиларнинг кўзига қараб сўзлайди.

Сахнада руҳий-жисмоний ҳаракат уйғунлиги бўлмас экан, персонажнинг ички ва ташқи қиёфасида ҳам мослик бўлмайди. Бу эса табиийликка футур етказибгина қолмай, балки, томошабинда ишончсизлик туйғусини ҳам уйғотади.

Дунёда шундай бир санъат борки, усиз хоҳ ижтимоий, хоҳ табиий, хоҳ диний фанлар бўлмасин, ўз мақсадини, рўёбини тўла таъмин эта олмайди. Бу нотиклик назарияси ҳисобланган Риторикадир.

Кураш ҳам, бокс ҳам, сузиш ҳам, парашютда учиш ҳам, тош кўтариш ҳам, гимнастика ҳам спорт турлари таркибига киради. Лекин бири ерда, бири сувда, яна бири самода бажарилади. Демак, ҳар бирининг ўз хусусияти бор. Барчасига бир хил талаб қўйиш эса мантиқсизликдир.

Сўзлашда, чизишда, ёзишда ўта эҳтиёткор бўлавериш ҳам ўзини оқламайди, акс ҳолда, адолат ва ҳақиқат изтироб тортади.

“Деди-деди” гап аслида, “ғиди-биди” гап, асабни кемириш ана шундан бошланади.

Нотиклик санъатининг манбаи ҳам, турткиси ҳам, тепкиси ҳам фидойилиқдан бошланади.

Нотик – ғишт қуювчи, нутқ – ғишт, мантиқ эса, қолипдир. Режасиз иш – қолипсиз ғишт бўлгани каби, ғиштнинг ҳам пишиғи яхши.

Нотиклик нафосати билан, мантиқ малоҳати фасоҳат билан зийнатланса “Риторика” саройининг чиройига чирой бахш этади.

Ўринли сўз бошга тож бўлса, ўринсиз сўз бошга тошдир.

Сўзларни қайлик танлагандек танлаш ва қўллаш юксак дид, ақл-у идрок ва фаҳм-у фаросатни талаб этади.

Сўзлар бўзлашга эмас, балки эзгуликни излашга қаратилгани билан моҳиятлидир.

Сўзни ўйинчоқ қилган эрмак бўлади, сўзни мунчок билган чин эрмак бўлади.

Сўз салтанатининг соҳибқирони бўлиш асл воизларга жоиздир.

Сўзи ва пули кўпайган инсоннинг ҳаётида мувозанат бузилади.

“Яхши гапириш овоз чиқариб туриб яхши ўйлаш ҳам демакдир”, – деганида Э. Ренан ҳақ эди. Чунки ўйлов ва сўйлов бир-бири билан чирмашиб кўкка ўрлаётган ишқи печак гулга монанддир.

Сўз деб аталмиш учқур отнинг жилови нотикнинг ихтиёрида. Қай томонга бурса унинг хоҳиши, истаса тўхта-тади, истаса илдамлатади. Фақат мазмун деб аталмиш мақсад кўнгилгоҳига аниқ етиб борса, бас. От тизгинини тез-тез тортиб турган нотик адашмайди, қоқилмайди.

“Оғзингизга палов, тил-у дилингизга олов”, – дейилганида ҳам ҳар учаласи учун қалов кераклигини унутмаган маъкул.

Сарлавҳа ҳайқириқ, чорлов ва мақсад садосидир.

Нотиқ нутқи ва сахна (актёр) нутқи тафовутлари борасида ҳар хил мунозаралар бор. Тўғри, нутқ таъсирчанлигини таъминлашда ҳар иккаласи бир-бирини тўлдиради, бойитади. Лекин бирида ижод, иккинчисида ижро муҳим роль ўйнашини ёдда тутиш керак. Автобус ва трамвайни кўз олдингизга келтиринг. Автобусни бошқаришда рулни ўнг-у сўлга буриб ҳаракатлантириш, қайрилиш мумкин. Трамвайни эса ётқизилган темир йўли ва устидаги электр симлари манбаисиз, унинг ҳаракатини тасаввур қилиш мушкул. Фақат ҳаракатнинг секин ва тезлигигина, унинг измида. Нотиқ нутқи автобус ҳайдовчисига, актёр нутқи эса трамвай бошқарувчисига ўхшайди.

Бирон мақолани ёза туриб тин олсангиз ва яна давом эттирмоқчи бўлсангиз, ёзганингизни овоз чиқариб бир карра ўқинг ва кейин ёзишга тутининг. Бу биринчидан, фикрингизни янада илдамлашига, иккинчидан, ўша оҳанг ва ритмикага тушиб олишингизга имкон яратади. Айниқса, фикр такрорланмаслиги учун бу фойдали ва хосиятлидир.

Нутқни ўстириш фикрлаш қобилияти, китоб мутолаа қилиш, овоз чиқариб ўқиш ва сўзлаб бериш маҳорати, санъати билан боғлиқ. Фикрлаш йўли ва усулини билган одамнинг нутқи ҳам тараққий этиб бораверади. Бунинг учун, билим ва илм ака-укадек бирга бўлиши ёхуд эгизак бўлиши керак.

Ҳамма гап асосий мақсадда, ғоявий ниятда. Қолганлари унинг ижроси учун. Сўз, нафас, овоз, ҳолат, оҳанг ва ҳоказолар эса, мақсад аталмиш мантиқ қўшинининг сарбозларидир.

Шаробдан маст бўлганнинг таъсири танасига зарар, бироқ, аксинча, сўздан маст бўлганники эса руҳиятига озик.

Таъсирсиз таълим бергандан кўра, тузсиз таом едирган афзалат.

Чин воизлар таъма ҳам қилмайди, шама ҳам қилмайди, лекин улар таъна қиладилар.

Олинган насиҳат, берилган маслаҳат беминнат ва таъмадан йироқ бўлса, самимийроқ бўлади.

Устомон нотик сўз билан инсон юзида нур балқитиши мумкин, инсон кўзида ғазаб қалқитиши ҳам мумкин.

Чин нотик инсон қулоғига эмас, инсон юрагига сўзлайди. Тингловчига ўзини яқин тутиб сўзлаган нотик унга бир қарич яқинлаша, омма унга бир аршин яқинлашади.

Нотиклик борасидаги устоз бамисоли ҳавога парвоз учун шайланаётган самолётни шатакка олувчига ўхшайди. Самолётни соз ҳолатда парвоз қилгани хатарсиздир.

Нотикдаги ноқулайлик, даставвал ўз овозини ўзи илк бор тинглаганда содир бўлади. Ўзини овозидан ижирганмаган, ғалати ҳолатга тушмаган одам ҳануз топилмаган (айрим санъаткорлар ўзини қайта-қайта эшитавериб, кейин ўзини овозидан ўзга овозни тан олмайдиган иялатга йўлиқишади). Демак овозингизга ўз қулоғингизни ўргата билишингиз керак. Токи, сўзлаётган пайтингизда ноқулайликка сабаб бўлмаслиги учун.

Нотик шундай сиймоки, у тўрт унсурни ўзига жо эта олади. Керак пайтда оташ, керак пайтда сув, керак пайтда шамол ва албатта, тупроқ бўла олади.

Очиқ юзли, табассумли нотиклар илмли, истеъдодли бўлибгина қолмасдан, балки инсон қалбига осон йўл топа олади. Чунки қизиқувчанлик ва ҳайрат улар тийнатидаги зийнатдир.

Нотикдаги эркинлик қачон йўқолади? У кўпроқ рақиб томон, яъни тингловчиларга эътиборини қаратиб, ўзи гапирётган мавзудан диққатини узоқлаштира, машқни кам қилган бўлса ҳаяжон уни чулғаб олади. Натижада нутқий нуқсонларга йўл қўя бошлайди.

Нотикларда пайдо бўлувчи ҳаяжон тингловчилар оmmasини ўзидан кучли деб билиши, мавзунини мендан зўр биледи деб хавфсираши ва тахмин қилишидан туғилади.

Раҳбар бетоб бўлиб қолса, унинг муовини вақтинча вазифасини бажарувчиси бўлганидек, сўзлаётганингизда, айнан, бирон сўз шуурингизга келмаса, унинг маънодош (синоним)лари бор-ку. Сўзларнинг маънодошларини билишингиз сўз бойлигингизнинг белгиси.

Нотиклик – бу, дарс бериш эмас, балки сеанс қилиш, сўз билан муолажага киришишдир.

Нотиклик тинимсиз изланиш, интилиш ва кундалик машғулотлар билан кучга киради. Яъни, сувдаги ҳолатингизни тасаввур қилинг. Қимирлаб турмасангиз чўка бошлайсиз. Нотиклик ҳам доимий машқни талаб этувчи санъатдир.

Баҳс-у мунозара бичим бўлса, муомала ҳам ечим, ҳам битимдир.

Фильмнинг тили, тасвири, таъсири ўнлаб профессорлар томонидан ўқиладиган маърузалардан ортиқ бўлса ортиқ, асло кам эмас.

Сенинг йўқлигингда, сен ҳақингда сўзланган сўз, берилган баҳо сенинг борлигингда айтилганидан самимийроқ ва табиийроқ бўлади.

Сизни сиз ҳақингиздаги сўзлар сақлайди ҳам, савалайди ҳам.

Бировга ёққанинг – бировга ёқмаганинг ҳамдир.

Воизларнинг ақли бошига бало, шу боисдан ноҳақликка мубтало.

Нотиқнинг нутқи, бошловчининг сўзи бамисоли ҳаракатдаги машинага ўхшайди. Агар сиз уни ақл-у идрок билан тажрибага асосланган ҳолда, қоидаларга амал қилиб бошқармасангиз, рулни ушламасангиз у ё ўнгга, ё чап томонга чиқиб кетиши тайин.

Танингда қанчалик азоб-у изтироб ета борса, ақлинг ҳам шу даражада ўткирлашиб, тиниқлашиб боради.

Форс-тожик тилида корд – пичоқ, дукорд – қайчи демакдир. Луғавий маънода қайчи – икки пичоқ деган маънони билдиради. Шунини унутмангки, пичоқ кесади, сўяди, икки пичоқ бирлашса қирқади ва қияди.

Ўринсиз айтилган гап бамисоли баҳордаги қор ёки ёздаги ёмғир каби ёқимсиз.

Ким томондандир ёзилган ёхуд чоп этилган асарни ўқигач, эссиз вақтим, кетган кўз нурим деб афсусланишга ҳожат йўқ. Аслида, у яхши асарларнинг қийматини тошириб, қадрини ошириб кўяди.

Ёмон сўзни эшитиб, ёмон ҳодисага гувоҳ бўлмаган одам яхши сўзнинг ҳам, яхши нарсанинг ҳам қадрига етиши қийин.

Шундай тиллар борки, сўзларининг ёзилиши бошқа-ю, ўқилиши бошқача. Бу эса ўрганишни бир мунча қийинлаштиради. Худди сўзи бошқа-ю иши бошқа одамларни тушуниш ва билиш қийин бўлгани сингари.

Тил – ўқдон, сўз – ўқ, нутқ эса камондир. Нутққа кўчгандан кейин нотикнинг жони омондир ё омонлиги гумондир.

Неча от кучига эга, қандай русумли машина бўлмасин, барчаси, унинг бошқариш механизми, яъни рулига боғлиқ. Аниқроғи, қайси томонга буришга боғлиқ. Нажот ва ҳалокат ҳам, саодат ва фалокат ҳам, ҳаёт ва мамот ҳам ўшандан. Рулни маҳкамроқ ушлаган яхши бошловчидир.


Диққати бор бўлмаган нотикнинг қизиқиши ҳам, хотираси, тасавури ва тафаккури суст бўлади.

Шоир – ижодкор, яъни яратувчи, нотиклар улардан руҳланиб таратувчи, маҳоратлик воиз эса, оғзига қаратувчидир.

Айтишларича, Ҳиндистонда ўқитувчиларнинг қўли икки кун боғлаб қўйилса, учинчи кун улармиш. Улар ўз фикрларини тиллари билан айтиб, қўллари билан тасдиқлашга одатланишаркан. Тил зикрини қўл муҳри билан тасдиқлаш ҳам ижобий ҳодиса, албатта.




ТВХТХҚТМО институти жамоаси «Театрда бир кун» тадбирида.



Фарида Афрӯз ва Муҳаммад Исмоил билан ижодий учрашув.




Навбатдаги ижодий учрашувдан сўнг.



Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.А.Абдувахитов муаллифга академия сертификатини топширмакда.



«Ўқитувчи ва мураббийлар куни» тадбирида.



«Гоямиз – химоямиз» интеллектуал-маърифий дастурида.



Тошкент вилояти «Маҳалла ўқув курси»дан лавҳа.

Хусн ва жозиб нутқ гўзаллик саройининг зийнатиدير.
Хуснкор аёл нафснинг талаби, хушовоз нотик қалбнинг
фарогатиدير.

Қизикчи ва аскиячи сўзи билан тингловчи ва томоша-
бинни кулдиради, ровийлар эса ривоятлар билан юрак-бағир-
ни эзиб йиғлатиши мумкин. Нотик эса ҳам кулдириш, ҳам
йиғлатишни улдасидан чиқа оладиган, одамзодни у ҳолат-
дан-бу ҳолатга ўтказа оладиган ноёб истеъдод эгасидир.

Нутқи аниқнинг тафаккури ва талаффузи тиниқ бўлади.

Шундай нотиклар борки, айримлари тил учидан сўзлай-
дилар, айримлари эса дил тубидан. Иккинчисиники таъсирли
ва жозибадор бўлади.

“Олимнинг олдида бўлсанг тилингни тий, валийнинг
олдида бўлсанг дилингни ҳам тий.” Тўғри, чунки биринчиси
ишорат билан, иккинчиси башорат билан ҳақдан сўзлайди.

Шундай сўзлар борки, уларнинг ост маъноси ҳам, рост
маъноси ҳам бор. Буни билмасдан сўзлаш ва ёзиш қайноқ
сувга қўл ботиришдир.

Ғазаб билан ўқилган ғазал гўзал бўлмас, дўқ-пўписадан
бошқа нарса эмас.

Ҳарфларни Тангри берган, товушларни эса шайтон бер-
ган. Инглизлардаги бу нақл ҳарфлар ва товуш талаффузлари
орасидаги фарққа нисбатан айтилган. Кўргани бошқа,
эшитгани бошқа, айтгани бошқа бўлса-да, гўзал ва жаҳоний
тиллардан бири у.

“Батарика ўлибди” деса, бири уввос солиб йиғлай бошлабди: “Нега ўлади, ахир, туппа-тузук эдилар-ку”. “Чала эшитиб чотмани йиқибди”, – дегани шу, хоразмчасига айтганда. Кейин билса, батарикани, (яъни телефон батареясини) “Ботир ака” деб эшитган экан. Талаффуз аниқ бўлмаса, тинглаганингиз ҳам нотўғри бўлади. Кулоқни ноқулай ҳолга солмаслик учун оғиз бўшлиғидаги тил ўз ишини тўғри бажарсин.

Инсон ўз умри мобайнида учта ҳолатда бўлади: жиддий, хурсанд ва ғамгин. Қайси бирини қаршилаши кимсанинг ўзига, сўзига боғлиқ. Бу эса гўёки, илиқ, иссиқ ва совуқнинг жой алмашилиб туришига ўхшайди.

Яхши гаплар, чиройли лутфлар билан: “Кулоқларни меҳмон қилолмаган” нотик тажрибасиз ёки уқувсиз саналади.

Буни айтинг ва айттиринг сизни ва сўзни соғинганларга: сизсиз сизсизликда сизсизликни сизладим, сиз сизимсиз, сизлигимсиз, сизимдурсиз, сизни сизлаб сизингиз. Тез айтишлар тилингизни чархлайди.

Мурожаат қилган кишиларим ҳақида дарҳол хулоса чиқаришга шошмайман. Аввал юзига боқаман, суҳбатлашиб сўзига боқаман, ниҳоят кўзига боқаман. Кейин муносабатлар мезони юзасидан тугал ҳукмга келаман.

Чақалоқлар ҳам ҳис этади, кўради, эшитади, лекин улар ҳеч нарса деёлмасдан, аниқроғи, сизнинг тушунмаётганлигингиздан қийналишади.

Жамоани ўзига мосламаган, даврани ўзига хосламаган ва ўзини нутққа росламаган нотикнинг сўзи бесамара ҳаракат ёки бебаракат харажатдир.

Эшитишга майли бўлмаган тингловчилар орасида нотикнинг ҳам сўзлашга майли бўлмайди.

Чиройли кулгичга эмас, билгичга, пандингни кулоққа илгичга умид боғла.

Қорин зорин айтар бўлса, ҳал этамиз-у кўз, кулоқ ҳам мия талабини кўпинча эътиборсиз қолдирамиз.

Ҳақ берилса юз фоиз, воизга бўлар жоиз. Навоийнинг “Вақфия” асаридаги имомга бериладиган ҳақдан кўра, воизларга бериладиган ҳақнинг бир неча чандон юқори эканлиги борасидаги маълумот, уларнинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси зиёда эканлигидан далолатдир.

Воизнинг укувлиси тингловчисини киздиради, укувсизи бездиради.

Нотикнинг нони қаттиқ. Улардан биронтасининг ҳаёти силлиқ кечмаган. Уларнинг тақдир битигида урилиш-у сурилиш, бурилиш-у қурилиш ёзилган. Чунки улар “Ўзим ва сўзим”, “Тузум ва тизим”, – деб курашишган.

Қалбингда қолдирар из, мантиқ нутқиға жоиз,
Ваъзи билан юз фоиз, доимо элда азиз,
Ҳурматли ҳам иззатли, сўз айтмас асло, бежиз.
Ўзи ҳам сўзи жоиз, Ҳақ сўзни деса воиз!

Нотикнинг нони қаттиқ, сўз бобида у ортиқ,
Нотик нутқида мантиқ, асли у – Ҳақдан тортиқ,
Тингловчига у интиқ, нотик – ўқланган милтиқ.
Ноҳақликни кўrsa гар, унга ўқталган милтиқ.
Баъзан жиддий бўлар у, баъзан эркатоӣ, тангик.
Унинг учун керак нишон, тепкини босар, ишон!

Одамзоднинг одоби унинг одати, юриш-туриши, кийини-
ши ва кўриниши, хатги-ҳаракатида, юз-кўзи ва сўзида акс
этади.

Очиқ юзли, табассумли воизлар илмли ва истеъдодли
бўлибгина қолмасдан, балки, инсон қалбига йўл топишга ҳам
моҳирдир. Чунки қизиқувчанлик ва ҳайрат уларнинг тийна-
тида бўлади.

Ўз фикрини билдириш фазилат, уни ўтказишга тиришиш
иллат.

Нотикнинг нутқ ирод этиши одамзоднинг тиканзорда
юришига ўхшайди. Эҳтиёт бўлиб, ўйлаб, пайпаслаб қадам
босмасангиз оёғингизга тикан кириб кетиши тайин. Демак,
сўзни қалб тарозисида эмас, балки ақл тарозисида тортиш
аҳамиятлидир.

Нотик бола билан бола тилида, кексалар билан кекса
тилида, аёл билан аёл тилида топиб гапира олувчидир.

Ўзгаларга қараб баҳо бераётган пайтда ҳам, одамзод ўзи
сезмаган ҳолда, ўзини излаётган бўлади.

Инсон нутқи ва хулқи негадир тузатилишдан кўра,
бузилишга мойилдир.

Мавзуга дахлдор жараён ва маълумотларни қай даражада тўлароқ кўз олдига келтира олган нотиқнинг нутқи шу даражада аниқ ва равшан бўлиб боради. Шундагина сўзларнинг ўзи кутилмаган меҳмондек келаверади.

Сувга тушмоқчи бўлганлар, одатда, сувнинг совуқ ёки иликлигини билиш учун олдин қўлини, кейин оёғини ботириб кўрадилар. Кейин белигача, бўйнигача сувга кириб чўмилгач, тана сув ҳароратига мослашади. Нотиқлик уммонига шўнғишни ният қилганлар ҳам тингловчиларга ўзи ва сўзини мосламасдан иш тутмагани хосиятлидир.

Мантиқий мушоҳада машқи ҳамиша ақлни чорлайди ва чархлайди.

ЯШАШ ТАРЗИ – ҚАРАШ ТАРҲИ

Оила тизгинини ушлаб туриш учун ақл-идрокингиз ҳар доим ҳам етишавермайди, Чунки уларнинг ҳар бирининг ўз талаб-эҳтиёжи, дид ва феъл-атвори бор.

Ҳар қандай жиддий одамлар ҳам баъзан, аёллар ёхуд ичимлик борасида ўз жиловларини йўқотиб кўйишларини инкор этиш қийин.

Яқиндан туриб яқин бўлгандан, узоқроқдан туриб яқин бўлиш афзал ва қадрлироқ бўлади.

Дунёда кечган кунларни эслаш кексалиқнинг овунчи, унинг армони бўлса, келадиган кунларга талпиниш, ёшлиқнинг қувончи, орзусидир. Орзули-армонли дунё муборак!

Хурсандчилик ҳам, ғам-алам ҳам дарҳол юз-кўзида акс этадиган инсонларда ҳиссиёт кучлидир. Уларнинг баҳолашида иккита чекка қирра бор: ё бутунлай яхши, ё бутунлай ёмон. Уларнинг бахт сувратидаги фожиаси ҳам шунда.

Бир куни шод-у хуррам юрган киши эртасига нимадир, кимдир сабаб хомуш тортади. Бу унинг қилмиши сабабми ёки тангрининг хоҳишими? Балки, қилмишига яраша Тангри ишидир.

Сўзимга қулоқ сол, муҳрдан ибрат ол.
Тескари ёзилар унинг битиги,
Одамзоднинг битмас асло кемтиги,
Оқ қоғоз юзига боссанг муҳрни,
Шунда англайдурсан борки меҳрни,
Одамзод осийдир иши – тескари,
Ҳаққа бўйинсунса гар бўлар ўнгари.

Ўзи ҳиммат, сўзи ҳикмат, изи ибрат, юзи муҳаббат, умр йўли ҳикматга айланган кимса мангуликка муҳрланган бўлади.

Сувнинг совуқ ёки илиқлигини унга шўнғиб билганинг сингари муҳаббат қозонида қайнаганингдагина, унутиш изтиробли эканини англаб етасан. Муҳаббат иссиқлик – ёндиради, совуқлик – нафрат музлатади.

Хаётда ҳар бир одамнинг ўз глоссарийси бўлади, яъни таянч сўзи, кўп қўллайдиган иборалари бўлади. Булар унинг яшаш тарзи ва қараш тарҳини ифода этади.

Рўзгорни тебратиш мисли тобут кўтариб кетишга ўхшайди. Агар бир бурчагидан кимдир қўлма-қўл кўтаришга ёрдамлашмаса, майит оғирлиги сени босиб қолиши ҳеч гап эмас.

Муайян буюмга олти томондан қараш мумкин. Қайси томондан қараманг, уни ҳар томонлама, тўла-тўқис кўришнинг ҳеч имкони йўқ. Шундай экан, ҳар қандай одам ҳақида тўла ва тўғри ҳукм чиқариш қийин. Кеча буюк ва суюк деб тан олинганларнинг айримларини бугун замон инкор этаётганига узоқ ва яқин тарихимиз шоҳид. Ҳар кимнинг ўз ақл “қаричи” бор. Иймони ва виждонида қусури бўлган киши оқ-қоранинг фаркига боравермаслиги тайин, ўзи эса бетайиндир.

Одамзоднинг чин дўсти ҳам, чин душмани ҳам унинг ўЗИдир.

Кўп нарсага қизиқиш ва чалғиш тартиб ва режанинг душманидир.

Одамнинг қорни бир кун тўяди, ўзи ва кўзи эса умрбод тўймайди.

Болалар нигоҳида икки хил ранг-у оҳанг бўлади. Булар яхши ва ёмон. Ёши улғая бошлагандан кейин рангларни қоришиқ ҳолатда тасаввур қилиш бошланади.

Ҳаётнинг ўзи ўйин, лекин ҳар доим ҳам ўйинчиларни ёқтиравермайди, улар билан ҳисоблашиб туришни хуш кўради.

Одамзод қанчалик дабдаба ва ҳашаматга, зеб-у зийнат ва енгил ҳаётга интилгани сари орада низо-нифок, келишмовчиликлар, ажралишлар тез-тез содир бўлаверади.

Машаққатли ҳаёт довонининг аксиомаси: “Чиқиш қийин, тушиш осон”.

Тўй дўст-у душманнинг кўз ўнгидаги синовли, сийловли томошадир. У ерда меҳмон сувратидаги дўст-у душман сийратини, қарашлар хилма-хиллигини туяверасиз. Кўзлар сўзлар кўнгул розини дегани шу.

Масофани билмаса-да, муддатни тан оладиган бир тўйғу бор. Бу дўстликдир. Кўнлик, ҳафталик, ойлик, йиллик дўстларинг бўлиши мумкин. Лекин умрлик дўстларни топишинг қийин. Нуқсонсиз дўст излаган дўстсиз қолиши мумкинлигини билганлар болалиқдан бошланган дўстлик давом этиб келаётган бўлса, унга эътиборли бўлгани дўруст. Сабаби дўстнинг эскиси яхши. Манфаатталаб яқиндагина дўст бўлганларга ишонч билдирганлар, албатта, кулфатга гирифтор бўлишлари тайин.

Манфаат талаб улфат, келтирар албат кулфат.

Ҳаёт жумбоғи битта бўлса ҳам, жавобларининг сони мингта.

Истеъдодларнинг қадрига етмаган, уларни норизо қилган жамиятнинг таназзули муқаррардир.

Мақсадларининг аёнлиги билан душманларим менга яқиндир. Ниятларини пинҳонлиги билан дўстларим илонсифат чақиндир.

Бebурд одамнинг қарзни қайтараман дейиши кал кишининг: “Сочимнинг борича умр тилайман, дўстим”, – дегани каbidир. Ҳар иккаласиям саробдир.

Илон пўстини ташлаб янгиланади, инсон дўстини ташлаб афсусланади.

Дуч келган қушни эмас, сайрагани учун беданани, нолишу хониши учун булбулни, сўз такрорлай олгани учун тўтини қафасда сақлашади.

Кимнингдир омадсизлигидан хузурланган киши, албатта, фалокатга дуч келади.

Арзимаган айби сабаб оиласидан аразлаган, юз ўгирган кишини синдириш осон бўларкан, демак унинг иродаси суст.

Яшашнинг моҳияти, умрнинг мезони ўтган кунлар билан эмас, эса қолган кунлар биландир.

Ноёб истеъдод, катта иқтидорга эга бўлган айрим инсонларнинг кундалик тирикчилик ташвиши билан ўралашиб қолиши жамият равнақига хизмат қилмаслиги ҳақ. Уларга имкон ва шароит яратиб берилгандагина юрт ютади, янада тараққий этади.

Болалигида отага яқин бўлган фарзанд улғая бошлагач улардан узоқлаша бошлайди. Чунки унинг қизиқиш, кузатиш, изланиш ва интилиш доираси тобора кенгая боради.

Марҳум бўлиш Яратганнинг хоҳиши билан, маҳкум бўлиш банданинг қилмиши билан. Биринчисидан маҳрум бўлишнинг имкони йўқ, иккинчисига эса дучор бўлмасликнинг имкони бор.

Вақтнинг улуг мураббий, олий ҳакам ва шифобахш ҳакам экани билан ҳисоблашмаганлар бахтнинг ҳам, нақднинг ҳам моҳиятига етмасдан ўтадилар.

Болаликда ҳаммада ҳам истеъдод учқунлари бўлади, лекин уни алангалатиш учун шароит, парвариш, тўғри йўл-йўриқ, маслаҳат, тоза ва соғлом муҳит керак. Сўнган оловни, кулни пуфлаб, қайта ёндириб бўлмайди.

Алломалар ҳам “ўғри” – чунки улар бу ишни қўл орқали эмас, қулоқ орқали қилишади, аниқроғи, қулоққа илишади.

Ораларингизга совуқлик тушдимиз, бас, энди бир-бирингиздан фазилат эмас, иллат ахтараверасиз.

Тилла хасисники эмас, хасис тилланики. Чунки хасис умри ўткинчидир, тилла эса қўлдан-қўлга ўтавериб яшайверади.

Жаҳл келганда ақл қочади дейиш айримларга хос эмас, сабаби уларда ақлнинг ўзи йўқ-да.

Соғинчнинг қудрати аслида, интизорлик меъёри билан эмас, балки масофа билан белгиланади, шекилли. Кимдан, нимадан, қаердан қанчалик узоқлашсангиз, юракда орзиқиш, соғинч ҳам орта боради.

Ҳаётда шундай тўқнашувлар бўладики, ўшандай ҳолатда адолат томонга ён бериш керак, бу жон бериш дегани эмас-ку.

Ҳаёт жумбоқларига йиғлаб ёки жиддий туриб жавоб бергандан кўра, кулиб жавоб қайтарган доим голибдир.

Ўтмишда жамоатни бошловчиси туғ, бўйсундирувчиси тиг бўлган.

Ўзида бор бўлмаган нарсаларни сенда кўрган касбдошларинг сени кўролмайди.

Истеъдоддилар истеъдоддиларга якин келганда, истеъдод хира тортади. Кичик вольтли лампочка ҳам қоронгуликни яхши ёритади.

Кўз қирини ташлаб қўйиш — нигоҳга, нигоҳ — қарашга, қараш — кузатишга, кузатиш — пойлашга, пойлоқчилик — айғоқчиликка, айғоқчилик — жосусликка, жосуслик — фитнага, фитна — бадбахтликка йўл очади.

Олчоқларнинг бойишига сабаб айрим камбағалларнинг меровлигидир.

Дўстига ҳасад қилиб, унинг пайини қирқишни ният қилувчи кас ўзи сезмаган ҳолда, унинг фойдасига иш қилиб қўйишини хаёлига ҳам келтирмайди. Учбурчак тўртбурчакка сенинг бурчакларинг меникидан кўп деб ҳасад қила бошлабди ва тунда сездирмасдан унинг бир бурчагини қирқибди. Эрталаб қараса, унинг бурчаклари бешта бўлиб қолибди.

Умр узунни ҳақида қайғурамыз, умр мазмуни ҳақида ўйламаймиз ҳам.

Кўзгуга хўмрайиб қарагандим хўмрайганни, жилмайиб қарагандим жилмайганни кўрдим. Бу ҳаёт аксиомаси: саломингга яраша алик.

Ҳақиқат дарё кабидир, у фақат бир томонга оқади, унга қарши чиққанларни оқизиб кетиши тайин, лекин тўғон қуриб уни йўналишини маълум вақт ўзгартира оладиган кучлар ҳам йўқ эмас.

Кулфатнинг улфати бор, у ёлғиз келмайди.

Ишқ оташга, тан ўгинга, ақл тутунга айланадиган паллада ирода, сабр-у бардош чекинади.

Берувчи тошириб, олувчи яшириб сўзласа, билингки, ёлғон ростни бўғизлаётган бўлади.

Қарз фарз билан келишолмаса арз ишга тушади, у ҳам ноилож қолса, натижа дарз билан якун топади.

Ўзингда бор бўлган нарсаларнинг ўзгаларда бўлмаслиги, бўлса ҳам у даражада эмаслиги сенинг тўсиғингдир. Улар сен учун йўлларнинг ёпилганини кўриб суюнади, сенда бор бўлган истеъдоднинг ўзларида йўқлигини билиб куюнади, лекин сездирмасдан янашади.

Муайян шароитда айтилган сўз, қилинган қилиқ ёхуд хатти-ҳаракатга қараб инсоннинг бутун фаолияти, қалб-у қиёфаси бўйича хулоса чиқариб бўлмайди, ҳар нечук у вазитнинг измидадир.

Оила мустаҳкам қўрғон бўлиши зарур. Уни ичдан бузадиган, деворларини нуратадиган, сездирмасдан ташқаридан хуфий кириб келадиган, низо ва нифоқ томирига озиқ берадиган тўртга кўринмас душман бор. Булар фисқ-у фасод, ҳасад-у ғийбатдир. Улардан ўз вақтида ўз оиласини ҳимоя қилолмаганлар қўрғонининг ҳақиқий посбони, виждони бўлолмайди.

Рўзғор чидам, сабр-у бардош мактабидир. Бир яхшига бир ёмон, деганларидек, хотин эрнинг инжиқликларига, эр эса хотиннинг инжиқликларига чидаб яшаш машқи демақдир.

Керакли пайтда кўзини кўр, кулоғини кар, тилини лол қилганларнинг турмушида доимо осойишталик бўлади.

Одамзоднинг ҳаёти мобайнида ўйнаган, айнаган, қайнаган ҳамда чайнаган ва чайналган, қийнаган ва қийналган паллалари бўлиши муқаррардир.

Саёқ йигит дайди ит демақдир. Дайди итнинг озиғи ҳам, козиғи ҳам бўлмайди. Унинг ёзиғига шу битилган.

Аёл эридан, эр аёлидан иллат излашга тушдим: «Мустаҳкам девор бузилди, қалин арқон ингичка ипга айланиб узилди», – деяверинг.

Бор-йўғига ҳам, иссиқ-совуғига ҳам кўникиб, шукр қилиб ўзга юртни кўзламасдан ўз юртида ўсаётганлар ё чин ватанпарварлар ёки иложсизлардир.

Республика Маънавият тарғибот маркази йўлланмаси билан вилоятлар бўйлаб ижодий сафарга отланганмиз. Хушёр тортишга ишорат ва башорат бўлди. 2014 йил 17 март. Тошкент-Урганч рейси. Ёнимдаги кекса отахон пичирлади: «Бир-у боримиз бугун бандаларим борлигимни, бирлигимни билсинлар, бепарво, баландпарвоз бўлмасинлар, деб тунда ерни силкитди, тонгги сафаримизда самодаги самолётни силкитди. Инсон ожизлигини билиб тан олсин.»

Тирикларни эмас, ўликларни қадрлайдиганлар эртасини ўйлайди-ю, бугунини ёддан чиқарадиганлардек.

Ўзинг кучли ва бой бўлганинг ҳолда, ожиз ва факирларнинг ҳолини ҳис эта олмаслигинг заифлигингдир.

Ватангадолик кафангадолик ҳамдир.

Яхшиямки, фараз, тасаввур бор, эришолмаган нарсаларингни кўз олдинга келтириб дилингга тасалли берасан, ўзинг таскин топасан.

Ҳар қандай тугалланма, аслида, бирон бир бошланманинг дебочасидир.

Ичингдан ўкинма, ташингдан сўкинма, узоқ яшашингнинг сири шу.

Суюнч ёши билан куюнч ёшининг фарқини фақат юраккина ажрата билади.

Қарзингизни эрта-индин бераман деб зорланадиган кимса ё шу ишни касб қилиб олган бебурд ёки режасиз иш қиладиган палапартиш одам бўлиб, унинг иддаоси бефарзанд аёлнинг алласига ўхшайди.

Энг оғир иш бир одамнинг гапига қараб иккинчи бир инсон ҳақида хулоса қилиш. Сабаби бу ерда манфаатлар тўқнашуви, ички низолар бор.

Чақалоқ ва чол бўлган даврларингга тана аъзоларингни ўз измингга бўлавермаслиги ожизлигининг яна бир исботи.

Айрим машҳур кишиларни билмадим-у, лекин халққа манзур ва мақбул инсонлар манфур одамлар билан саломалик қилишмайди.

Ҳар қандай фойда ортида зарар, ҳар қандай зарар ортида фойда борлиги қويدасини билиш фойдадан холи эмас.

Ишингиз юришиб, чўнтакингиз қапшайиб турса ўзингизни кушдек енгил ҳис этасиз, кайфият кўтаринки бўлади. Агар борди-ю омад сиздан юз ўгирса, тушкун кайфият боис оғир юк остида қолгандек бўласиз. Бундан чиқди иш унуми ва барча кашфиётлар кўтаринки кайфият билан экан-да.

Кимдир қадахни кутиб ўтди, кимдир қадахни тутиб ўтди, кимдир эса уни ютиб ўтди.

“Океанларнинг энг каттаси қайси?” – деган саволга Шимолий Муз, Ҳинд, Тинч, Атлантика океанларини қайд этишди. Тўғри жавоб эса, Тинч океани. Сабаби тинчлик ҳукмрон бўлган жойда кенглик ва тенглик, буюклик ва суюклик, улуғлик ва кутлуғлик бўлади.

Бошимдаги болишим, оёғимдан нолишимдан.

Истеъдодли инсонларнинг изтироби ҳам кучли бўлади.

Невара бобосидан ниманидир сўзлаб беришини илтимос қилди. Бобо деди: “Йўқ, набирагинам, энди сен сўзла. Мен ёшлигингда сўзлар эдим, сен тинглардинг. Энди ақлинг ўткирлашди, вазифамиз алмашди.”

Ҳаёт йўлининг сўқмоқларидан юриб, тўғри гапнинг тўқмоқларига чидаган инсон чиндан ҳам яшаётган бўлади.

“Чанг билан ғам бўлмаганда инсон мингта кирарди», – деганмиш машойихлар. Чанг табиатдан, ғам жамиятдан экан, инкор этиб яшашнинг мантиғи йўқ-ку.

Қанча кўп тушсанг, шунча кўп пишасан. Хулоса чиқар-
масанг ва ибрат олмасанг, бари бир чақа.

Кўрдингизми сўқир кўзни, сиздан яхши ўқир ўзни.

Дунёда оладиган нарса ҳақида эмас, қоладиган нарса
ҳақида кўпроқ ўйлаган одамда талабчанлик руҳи кучли
бўлади.

Диллар дармони, йиллар армони инсон умрининг кечми-
шидир.

Уммонни ичсанг ҳам, имонни ичма. Ҳақ гап, лекин унинг
чегарасини, меъёрини ким айта олади?

Уйдан ишга талпиниб, иш тугагач уйга талпиниб яшаган
инсон умри файзли ва мазмунли кечаётган бўлади.

Эр топармон, хотин тутармон бўлмас экан, рўзгор бут
бўлмайди, топганларининг баракаси ҳам йўқ.

Эр-хотинни қўш ҳўкиз дейишади. Демак, рўзгор атал-
миш карвонни мақсадлар манзилига биргаликда, аҳилликда
тортишлари керак. Оёқ кийимининг бири тор келса, иккала-
сининг ҳам кийилмаслигини ёддан чиқармаслик зарур.

Тоатинг бўлса-ю, итоатинг бўлмаса, илминг бўлса-ю,
амалинг бўлмаса, маҳоратинг бўлса-ю, таҳоратинг бўлмаса,
ўзингни комил инсон санама.

Икки томоннинг ўзаро зиддияти, доимо учинчи томон
учун манфаатли бўлган.

Жаҳл билан дўст тутинган бўлардим, агар у битмаётган ишимни битказса, руҳиятимни тетик қилиб кайфиятимни кўтарса, ишим унумига ижобий таъсир қилса. Афсуски, у бунга қодир эмас, ахир, у ақлим душмани-ку.

“Ота-онамнинг умри қисқа экан, ажали етибди-да”, – деювчи ношуд фарзандлар бир танасига ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Фарзандларининг ўринсиз қилмиш-қидирмишлари, бўлар-бўлмас талаблари, ножўя гап сўзлари-ю хатти-ҳаракатлари, етказган дилозорлари уларнинг ажалига сабаб бўлмаганмикин.

Жавондаги китобларнинг орасидан кераклигини, фойдалилигини билиб ўқийдиган китобхон, худди бозордан рўзгор учун зарур бўлган нарсаларни танлаб, сифатли ва чидамлилигини билиб оладиган харидорга ўхшайди. Китобларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажрата олиш учун, ақл ва билим кўзи керак бўлса, бозордаги харидор учун оддий кўз ҳам етарли.

Ёшлигида уч юз саҳифалик китобни уч кунда ўқийдиган одам, кексайгандан кейин уч саҳифалик асарни уч кунда ўқийдиган бўлиб қоларкан. Бу эътибори кучайганиданми ёки ақл кўзи ўткирлашганиданми, балки кўрар кўзи хиралашганидандир.

Ўзидан айб-у нуқсон излаб топа олмаганининг айб-у нуқсони сонсиздир. Ўзингизга ўзганинг кўзи билан, ўзгага ўзингизнинг кўзингиз билан қараб баҳолашга одатланиш одамийликдир.

Илм эшиклари истаганларга очик, ўлим эшиклари эса истаган-истамаган, ҳаммага очиклигини идрок этиб яшалса, ҳаммаси жойида бўлади..

Ёшлик жўшқинликдир, мавж урса сув лойқаланиб боради, қарилик сокинликдир, сув тиниб туради. Ёшлиқда ҳис-туйғулар ақлни бошқаради, қарилиқда эса аксинча, туйғулар тизгини ақлнинг қўлида, измида бўлади. Лойқа сув тиниқ бўла боргани каби ёши ўта борган сайин инсоннинг ҳам ақли тиниқлашиб бораверади.

Дунёда барча нарсанинг ечими бор, лекин биз уни бетоқатлигимиз, ақли қусурлигимиз ва осийлигимиз сабаб еча билмасдан, муаммолар гирдобида айланаверамиз.

Қиёматлик дўстингиз хиёнатлик дўстингизга айландими, уни эмас олдин ўзингизни айбласангиз, тўғри иш қилган бўласиз. Ўзга устидан хулоса қилишга мойил ва мохирлар буни эпполмаслиги ҳамда бемаъни ақида дейишлари тайин.

Светофорнинг чироқларига қараб хаёл сурасан, киши. Яшилга йўл очилишида қизил билан сариқ бирга ёниб бир муддат туради-да, кейин кўк чироққа ўтади. Кўк чироқ вазифасини адо этгандан кейин, қизил чироқ сариғи билан ҳисоблашмасдан дарров якка ўзи ёнади. Қизили тақиқласа, сариғи огоҳлантиради. Сен учун яшил чироқ тез-тез ёниб туришини иста, лекин сариқ ва қизил чироқнинг талабларини ёдингда тут.

Бойдан чиққан бой билан, камбағалдан чиққан бойнинг фарқи нарса-ҳодисанинг кадрига етиш ва сарф-харажатни жойига қўя билишидадир.

Одамзод ўзига ўз томонидан эмас, балки, ўзга томонидан қарай бошлаганидагина худбинликнинг илдизига болта урилади.

Семиз айиқ билан кичик қайиқда қирғоққа етиш хавфли.

Ҳар қандай илтимосларнинг тагида тагдор манфаатлар бўлиши мумкинлигини унутманг.

Худкушлик иложсизлик эмас, жоҳиллик ва қўрқоқликдан бошқа нарса эмас.

Одамзод тушида ҳам, ҳушида ҳам огоҳлантирилади. Фақат, у нундан тўғри хулоса чиқариб билиши керак.

“Кўпчилик мени ёмон кўради”, – деб қолди дўстларимдан бири. Улар мени яхши билмасликлари учун ёмон кўришган экан. Мен билан суҳбатлашган одамларнинг кўпчилиги шу сўзларни айтди. Мен бировларнинг гаплари, алдамчи хулосалар билан яшабман. Сиз бутунлай бошқача одам экансиз. Дишқаш, камсуқум, меҳрибон, ғамхўр экансиз. 20 йил давомида мен сиртингизга қараб асоссиз фикрлар билан яшабман. Сизни кўп нарсалардан бебаҳра қолишингизга сабабчи бўлганимга қуюнаман. Чунки ўша пайтлари мен амалдаги одам эдим. Сиз ишлаган тизимдаги кўп нарсалар менинг хоҳишим, буйруғим билан ҳал бўларди. Бирингиз икки бўлмаганигагина эмас, истеъдодингиздан халқни бебаҳра қолдирганимга ўзимни сабабчи қилиб виждоним қийналяпти. Дўстим ҳеч нарса демабди-да, уни қаттиқ бағрига босиб, “Қуюнманг, бу тақдирнинг битики”, – дебди.

Мусиқани таржима қилиб бўлмаганидек, йиғи билан қулгини ҳам таржимаси йўқ. Лекин ички оҳанги ва миллий ҳолати билан фарқланади.

“Сенга ошиқликни берайми, ё маъшукликни” – деб сўрашганда, оқил инсон “Иккаласини ҳам бер”, – дер экан. Қарсақ икки қўлдан чиқади-ку. Бу севиш ва севилишдир.

Пул шаклидаги, ўтда ёниб кул бўлувчи нарса учун куюн-майман, суюнмайман ҳам.

Яшашимиз ўхшайди-ю, қарашимиз бошқача, юришимиз ўхшайди-ю, туришимиз бошқача, тўригимиз ўхшайди-ю, йўригимиз бошқача, нурашимиз ўхшайди-ю, курашимиз бошқача.

Бўгма илондан чўчимаслик керак, у қўйиб юбориши мумкин, лекин туғма илонсифат инсондан кўрқиш керак, у ҳеч қачон қўйиб юбормайди.

Нимагадир эҳтиёжманд бўлиб яшаган кимсанинг ақли ўсади ва ҳамма нарсанинг қадрига етадиган бўлади. Акс ҳолда, унинг қалбида такасалтанглик ва эринчоқлик иллоти ин куради.

Тўрт фасл ўз кўрки, неъматлари билан жилоланиб, алмашиниб одамзодни ўзига ром этиб ўтаверади, умр қарвони ҳам илдамлашиб сўнгги манзилига интилаверади.

Ҳаёт ва театр сахнасидаги ижро бутунлай бошқача. Театр сахнасида ўзгани ўйнайсиз, ҳаётда эса ўзингизни ўйнайсиз, балки ўйлайсиз. Бу фикр учун, ҳаёт бўлганларида, балки Шекспирдан дакки эшитармидик.

Кўп насиҳат ва маслаҳат берувчидан кўра, индамасдан маънили иш тутувчи маъқулроқдир.

Ҳаётга бировнинг кўзи билан қарагандан кўра, ўз кўзинг билан назар ташлаш афзал, бу эса сенинг яшаётганингни, ақлинг ва ҳаётда ўз ўрнинг борлигини билдиради. Бир оғайним бор эди, учта кўзойнак тақарди, бири иккинчи кўзойнагини топиш ва тақиш учун, иккинчиси эса учинчи, яъни хат ўқийдиганини топиш учун. Буниси етмагандек

кўзойнагининг устки қисми узокни кўрсатиш учун, остки қисми эса яқинни, яъни хат ўқиш учун. Шундай ҳолда ҳам у китоб ўқишни, асло, қанда қилмасди.

Ҳар қандай касб-хунар машаққатини енгишнинг калити – тинимсиз машқ қилиш.

Самода ёзилиб, Ерда ўқилувчи муқаддас никоҳнинг тимсоли бобоқуёш ва Она-Ернинг бирлиги ва розилигининг нишонасидир.

Интизор бўлиб кутилган инсон, чанқаб ичилган сув, интиқ бўлиб кутилган окшом қадрли бўлгани сингари оч қолиб ейилган таом ҳам тотли бўлади.

Илгари олдинга, орқага қараб қўйиб яшардик, эндиликда эса, олти томонга назар ташлаб кун кечирмасанг ишонган “дўст”ларингдан панд ейишинг тайин.

Тиними йўқнинг қўними ҳам бўлмайди, ишида унуми ҳам.

Жаҳл-у ғазаб ожизликка нишондир, жазава ҳам заифликдир ишонгил.

Одамлар бир-бирларини билмаганлари учун севишадилар, ёлғондакам орзулар хаёли билан яшайдилар, билганларида эса... Билмаслик ҳам неъмат, аслида. Бизнинг келажак ҳаётимизда яқинларимиз билан боғлиқ бўлган фожиалар, айрилиқлар ва қанчадан-қанча тасодифий омад ва қувончли кунлар қаршилашини олдиндан билмаслигимиз ҳам давлат.

Қарияларнинг қадрини қартайиб қолганингда биласан.

Ҳар қандай касаллик қариликда келса, асалдек ёпишиб
олади-ю, сизни олмагунча қўйиб юбормайди.

Ҳаёт учун курашганинг аслида, ўлим билан олишганинг
экан.

Инсонлараро ички зиддиятлар баҳолашдаги холислик ва
одилликнинг кушандасидир.

Журъатсизлик ва жимжитлик баъзан киши учун ҳимоя
воситаси ва юқори поғоналарга чиқиш учун зинапоя ҳамдир.
Билиб билмасликка олиб яшаш ҳам изтиробли.

Оталар ақл тарозисига тортиб сўзлаганлари учун, ҳар
доим охирул оқибат ҳақ бўлиб қолаверадилар. Фарзандлар
эса тарозининг шайтунига ўхшаб иш тутишади. Ота фикри –
барқарор, бола иши – беқарор.

“Велосипед олибсан”, – деб сўрашди. – “Ким учун?”
Жавоб бердим: “Дўстсифат душманларим учун. Улар мени
доим енгил автомобилимда кўришарди. Шоядки, Велоси-
педда кўришса, ич-ичидан қувониб, этига эт кўшилармиди,
кайфияти кўтарилармиди, дейманда.”

Танишларингиз билан тез-тез учрашиб, ҳеч бўлмаса
кўнғироқлашиб тулинг, ётсираб қолишмасин. Узоқ турган
нарса бузилади, нурайди. Муносабатларга путур етмасин.

Оқиллардан бири айтаркан: “Менга онда-сонда дард бер,
даво истаб изтироб тортай, акс ҳолда, соғлигим қадрига
етолмайман, мени эҳтиёжманд қил, у бўлмаса ақлим
чархланмайди, фақат қорин ғами билан яшашга одатланиб
қолишим мумкин.”

Ўртамиёна санъаткорларга ҳам осон тутманг, ўзидан пастларни кўриб суюнишса, ўзидан баланд талантларни кўриб куюнишади.

Эркалаш ва эркалатиш, мақтов ва хушомадга одамзод қандай ёшда бўлмасин, барибир эҳтиёж сезаверади.

Бир даврада тингловчиларга савол ташладим: “Соғлигинг – бойлигингми ёки бойлигинг – соғлигингми?”

Йиғилганларнинг эллик фоизи биринчисини айтса, ярми иккинчисини: “Пулинг, бойлигинг бўлсагина, соғлигинг бўлади, дори-дармон сотиб оласан, марказий шифохоналарда ётиб, тажрибали шифокорларда даволанасан”, – дейишарди. Баъзилари: “Танинг соғ бўлсагина пул, бойлик, мол-дунё орттирасан, бемор одам қандай қилиб меҳнат қилиб бойлик йиға олади”, – дейишарди айримлари бидиллаб. Уларнинг баҳси гўёки, “Тухум олдин пайдо бўлганми, ё товуқ?” – қабилдаги бошқотирмага ўхшаб кетарди. Лекин уларнинг айримлари бир ҳақиқатни унутишарди. Бойлик ҳам, соғлик ҳам аслида, Тангрининг синови, ким учундир сийловидир.

Ишонган дўстинг айнадимми, ғазабдан қонинг қайнадими, дилинг оғриб қийнадими, юраккинанг ўйнадимми, демак фоний, ёлғончи дунёнинг ишва-ю ғамзасига дучор бўлибсан.

Жонинг билан ошноликни, танинг билан рўшноликни, қонинг билан ташналикни қондиришни ният қилиб юрганларни кўрганлар ва қараб турганлар ҳам сенга дўст бўлмаса керак.

Ота берган ва қолдирган пул, мол-дунё адоғига етиб бир кун тугайди, аммо у берган ақл, билим ва хунар асло, туган-маслигини фарзандларга уқтиришдан чарчамаслик жамиятнинг иқболига дахлдорликдир.

Тўнғич фарзандига меҳри зиёда бўлган ота емай-едириб, киймай-кийдириб, оғзини очса ҳамма нарсани муҳайё қилиб ҳаммадан зиёда қилиб ўстирди. Ҳеч нарсага муҳтож қилмади доим эркалаб “Тўнғичим, тўнғичим”, – дейишни қанда қилмасди. Бола тобора талтайиб танбаллашиб борарди. Ота ёши бир жойга етгач, унинг кўмагига муҳтожлик сеза бошлади. Такасалтанг ўғил пинагиниям бўзмасди. Ичидан зил кетган ота энди “Тўнғичим” – демас, ўша сўздаги “ч” ўрнига “з” ни қўйиб ич-ичидан қайта-қайта такрорларди.

Кейин пушаймон бўлмай десангиз, ҳеч ким билан ҳеч қачон ва ҳеч қасрда муносабатларни кескинлаштирманг. Воқеаларни ўз ҳолига қўйинг, албатта, бир кун келиб ўз жойига тушади.

Одамзод ўз табиатидаги икки қучнинг тизгинини доим ушлаб юради. Бирини қанча қўйиб юборса ҳам зиён қилмайди. Иккинчисини эса, асло бўш қўймаслиги зарур. Биринчиси муҳаббатнинг ҳосиласи бўлмиш МЕҲР, иккинчиси нафратнинг оқибати бўлмиш ҚАҲРдир. Бирида боғлаш, иккинчисида айириш кучи бор.

Бировнинг қилмишлари ҳақида ёзиш унга чоҳ қазиш эмас, балки унинг ўз-ўзига чуқур қазиётганини англатишдир.

Ғам аламни қуйиб эмас, қулиб енгиш мумкин.

Нимагадир эҳтиёжманд бўлиб ўсган фарзанднинг келажаги бор, чунки унинг ақли ўткирлашиб, фикри теранлашиб боради.

Тун сукунати ҳукмрон. Барча уйкута кетган. Фақат менгина ўқиган, кўрган, эшитганимдан ҳикмат ахтараман, холос. Ахийри, ҳикматни топдим, радиодан таниқли ҳофизнинг таронаси тараларди: “Ғафлат уйқусидан турғил, уён(уйғон) энди.” – деган садо янграрди.

Ўзингни қилсанг тафтиш, бошингга тушмас ташвиш.

Тун – сирдош, кун – кундош. Биринчида сеҳр-у меҳр, иккинчисида захр-у қаҳр бордек. Шунинг учун ҳам аксарият ижодкорлар тун оғушида ижод қилишади.

Туйғуларингиз қайғуларингизга боис бўлмаса ошкор қилишга ҳаққингиз бор.

Юрак берган, кўкрак керганларни билмадим, лекин ҳар хил гапга кирганлар доно эмасдирлар.

Бугун бир-бирига меҳр қўяётганлар эртага бирон манфаат ёхуд мансаб сабаб бир-бирига қаҳру захрини сочмасликларига ким кафолат бера оларкин?

Ўзини ўзгага, ўзгани ўзига кўчира олган инсонгина ҳақиқий ҳакам, вазиятга тўғри, одилона ва оқилона баҳо берувчидир!

Айбни тан ола билиш мардлик, лекин унга йўл қўймаслик эса доноликдир.

Ҳар йили янги йилни ёхуд таваллуд айёмимизни интиқлик ва шод-у хуррамлик билан кутиб оламиз. Бундан суюнамиз. Айни пайтда умримиз ҳисобидан бир йил кетганини эсласак, куюнамиз. Суюнч ва куюнч орасида умргузаронлик этиб, ҳам ўзининг, ҳам ўзганинг ғаниматлигини, дунёнинг омонатлигини унутувчи одамзодмиз, аслида. “Инсон” сўзининг луғавий маъноси арабчадан ўгирилганда, “унутгувчи” – демакдир.

“Муҳаббат туйғуси кўзни кўр, кулоқни қар қилади», – дейишади. Демак нафрат эса кўзни ҳам, кулоқни ҳам очаркан-да, хўш, дунёда кўз-кулоқни очиб яшаган яхшими ёки юмуқ ҳолатда? Ким қандай фикрда?

Инсон ҳеч нима демаса ҳам унинг юзи, кўзи сўзлайди. Бировнинг ҳамёнидаги пулни ўзиники дейиш, ўзганинг фикр-у зикрини ўзиники қилишга интилиш қанчалик ғалати бўлса, интернет тармоқларига бошқаларнинг суратини кўйиш ҳам ғайритабиийдир.

Гина-кори кофираст. Гина кофирнинг иши, бошга тушар ташвиши.

Нимага назар қилиш, нимадан ҳазар қилиш
Лозимлигин бил, аввал, етмасдан гузар қилиш.

Куйган кўнгилда тутун қолмаса ҳам, уланган ипда тутун қолади.

Қандай ёшда, қандай кўринишда бўлмагин ҳар бир даврингда сени ёқтирувчи, яхши кўрувчилар-у ёмон кўрувчиларинг топилаверади.

Кекса дегани кек сакловчи ёхуд кеккайган дегани эмас, бой ҳаётий тажрибага эга, кўп нарсани ақлан ҳис этадиган, бошқача айтганда, сиз-у биздан “Бир нечта куйлакни олдин тўздирган”, – донишманд инсон демақдир.

Гўзалларнинг гўзаллигини ўзи билиши, уларнинг фожиасидир. Гўзалларнинг гўзаллигини ўзгалар билиши ва ичдан тан олиши уларнинг бахтидир. Ўзингни ўзгадан кўпроқ сева бошладингми, худбинлик аравасида тубанлик қаърига сафар муборак! Араб мақолларидан бири шундай: “Гўзаллик бахт-сизликдир. Нега?

Гўзаллик кибрнинг дояси, манманликнинг моясидир.

Ўзгарувчан учта нарсанинг тутуриги бўлмайди, одамзод уни олдиндан билмайди. Булар табиатнинг об-ҳавоси, жамиятнинг нарх-навоси, жазманнинг ибo-имоси.

Одамзод орзу-умид билан, жамият эса миллий ғояси ва мафкураси билан обод, озод ва шод. Ҳар иккаласиям ҳимояга муҳтож. Шундай экан, ғоямиз — ҳимоямиз, ҳимоямиз — ғоямиздир. Унга етишиш учун қояга интилган альпинистнинг куч-ғайрати, матонати керак кишига. Унинг учун вояга етган бўлиши керак. Асл мақсад эса моядир. Тўғри, бу ҳаракатга соя тапшовчилар ҳам бўлади. Чекинмасдан мақсад манзили сари интилганларгина нурли қояларга ета оларкан. Шунинг учун ҳам “Воя, ғоя, ҳимоя, моя, соя, қоя”, — сўзлари қофиядош сўзларгина эмас, балки мақсад манзилига етишиш йўлидаги доvonлардир. Воя — таълим-тарбия, ғоя — мақсад, моя — аслият ва моҳият, соя — ғов, тўсиқ, қоя — мақсад рўёби.

Бир дўстимнинг боши ёрилиб, қўли синган ҳолда шифонада ётарди. “Ичадиган одатинг йўқ эди-ку”, — дедим ҳазиллашиб, нима бўлди?”

У оғир тин олди ва деди: “Ўзингни сўкишса, ҳатто калтаклашса ҳам чидайсан, эҳтимол, кизингни, ўғлингни ҳақорат қилишсаям чидашинг мумкиндир, аммо онаизорингни сўкадиган бўлишса, айниқса онанг дунёдан ўтган бўлса, чидолмас экансан киши. Онаминг руҳини тинч қўй, — деб оғзидан боди кириб-шоди чиқаётган уч-тўртта мастга ташлангандим, шундай ҳолга келтиришди”, — деди хўрсиниб.

Жонингга етмас жабр, сен билан бўлса сабр!

Сўзсиз итоат ва хушомад узоқ муддат амалдор бўлиш кафолатидир.

Одамзод бир-бирини қанчалик яхши билмаса, шунчалик сезиб ардоқлашади. Бир-бирини англаб етгандан кейин у бу учун, бу у учун ҳеч нимадай бўлиб қолади. Узоқлашса бир-бирини кўмсаб яқинлашиш орзусида бўлади, яқинлашса ўзи сезмаган ҳолда бир-биридан узоқлашаверади. Нега шундай?

Қаҳрини ҳам, меҳрини ҳам ичига юта билган одамнинг ризқи бутун, қадди мавзун, умри узун бўлади.

Кимдир йўлловчига, кимдир қўлловчига эҳтиёж сезиб яшайди.

Бойлар борки – йўқламайди ҳам, тўқламайди ҳам, ўзини фақир тутади, фақирлар борки – йўқлайдиям, тўқлайдиям, ўзини бой тутади.

Фойда ва манфаатларнинг тўғри, тўла, тенг тарзда тақсимланиши амалдорнинг ўз амалида соғ-у омон ва узоқрок ишлашининг гаровидир.

Ўзига омонлик тилаб, ўзгага ёмонлик тиловчилар худбинлик саройининг шоҳ-у маликаларидир.

Кексаликда орттирилган тан ва баданингдаги чандиқ-у иллатлар аслида, ёшликдаги хатти-ҳаракат, хатоларинг ва қилмишларингнинг ҳосиласидир.

Юзи тилиниб, кўзи кўкариб келган бола отасининг норизолиги учун жазо олганлигини англаб етмаса калта-фаҳмдир.

Савоб йўлида гуноҳ иш қилган киши, гуноҳ йўлида савоб иш қилган киши ким? Қайси бирининг тоши оғир келаркан?

Қарғиш кетган жойда қанча ишласанг ҳам, фидойилик қилиб заҳмат чексанг ҳам барибир обрў топмайсан, раҳмат

эшитмайсан, юракингни тиглаб, дилингни доглаб кетганинг қолади. Сендан олдингилар қисматига назар сол, уни ёки буни сабаб қилишади, аслида, қарғиш қетган жойда одам-зоднинг ҳеч қачон косаси оқармаган.

“Яхши қонунлари кўп давлатни эмас, менга қонунлари яхши амалга ошириладиган давлатни кўрсатинг”, – деганида француз маърифатпарвари Монтескьенинг назариядан кўра амалиёт муҳимлиги учун куюнишини ҳис этиш қийин эмас.

Боланинг отажоним, деб қолиш изтиробидан отанинг болажоним, деб қолишининг изтироби юз чандон зиёда ва оғриқлидир.

Ҳаёт мени ўз разилликларини чиройли сўзлар пардасига яшириб иш тутувчиларга кўпроқ дучор этди. Ёқа ушлаб ўтдим (дўстимнинг тундалигидан).

Машхур бўлиб манзур бўлмагандан, манзур бўлиб машхур бўлмаган афзалдир.

Гўдаклик пайтларингда одимлашни, юришни ўргатишадди, улғайганингдан кейин эса қачон, қаерда ва қанча туришни ўзинг билишинг керак.

Бахтнинг маъноси бир хил бўлса-да, унинг келиш қиёфати ҳар хил.

Ҳаётнинг ўзи зар ва зўр билан ошна тутинади, лекин кар ва кўр билан келишолмайди. Ҳаёт қонунлари эса аксинча.

Билиш ва амал қилиш гўёки тарозининг икки палласи. Уларни мувофиқ келтириш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди.

Йўқ нарса ҳақида куюнгандан кўра, бор нарса ҳақида суюнган яхши.

Мақсад манзилига ғурур либосидаги матонат ва сабр етказди.

Кеча ҳақида куйинавериб, эрта ҳақида қайғураверсангиз, бугунни бўғизлаётган бўласиз.

Ҳар бир нарса-ҳодисага инкор кўзи билан қаровчилар доимо шубҳа остида яшайдилар, уларнинг эҳтиёткорлиги аслида, эҳтиётсизлигидир.

Атрофингиздагиларнинг шодиёнларида нима бўлса-да, бирон совға билан уларни ёдлаб туриш муносабатларни мустаҳкамлайди. Акс ҳолда, ҳар хил ғийбат сўзлар урчийди. Бошқалар билан муносабатларингизга ҳам дарз кетади.

Ҳар қандай сафар хавфу хатардан иборат бўлади, ҳаёт сафарида сиздан манфаатдор бўлганлар “Сиз-биз”ингизга, “жиз-пиз”ингизга қараб илтифот кўрсатишади. Бу ҳаракатни тўхтатсангиз, бармоқ билан санарликлари қолади, холос. Ана шуларгина сизга садоқатли. Ҳаёт сафарида зафар муборак!

Инсон либоси билан, хулқи билан ярашиқли, қарашикли бўлганидек, асар яширин маъноси ва санъаткорона мазмуни билан гўзалдир. Адиб асардаги ғоявий мазмунни очик, “яланғоч” ҳолда ифодаласа, кўча-куйда яланғоч кетаётган кишига ўхшайди. Шакл мазмунга, мазмун шаклга мос бўлсин! Пўстини, пўчоғиниям арчиб ёнғокниям чайнаб берманг, китобхонни талтайтирманг, мухлис ўзи қакиб, ўзи чайнашга одатлансин. Фикрга эмас, фикрлашга одатланиш фойдалироқдир, гарчи фикр фикрдан туғилса-да.

Қудратли армия, сонсиз сарбоз биланмас, онгли мия билан.

Ҳар қандай янгилик бир пайтлари унутилган эскиликдир, дейишади. Демак, эскилик унутилишга эмас, балки муҳрланишга боис бўларкан. Шунинг учун ҳам тарих ғилдирагига айланувчи ва такрорланувчи нисбати берилади.

Акс-садодан ибрат ол, тоққа чиқиб нима десанг, шунинг ўзи қайтади. Айтар ва қайтар дунёнинг моҳияти шу.

Маҳорати бор-у таҳорати йўқ, усули бор-у ғусули йўқ кимсаларнинг фойдасидан кўра, зиён-захмати кўп бўлади.

Шаробга сароб ва хароб ёндош, оҳангдош, қофиядош бўла олади, лекин савоб яқин бўла олмайди, ҳаётдаям шу.

Эҳтиёжларингни кондиришда қанча хузурлансанг, лаззатлансанг, ақалли бунинг бир кунмас бир кун шунга жавобан алами ва изтироблари ҳам бўлиши муқаррарлигини ёдга олиб қўйиш фойдадан холи эмас.

Инсон ақл-идроқи билан талаб-эҳтиёжини қондира олса, бошқара олса асло, адашмайди.

Зарурият ва муҳтожлик олдида ҳар қандай қонун ва қарор ҳам хижолат чекади унинг иложсизлигини кўриб.

Ўқиниб яшаган одам сўқиниб яшамайди. Ҳаммасини ўзидан кўради.

Куюниш ва суюниш кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бўляп-

ти, эрта-индин ҳам бор. Ҳеч бирини сотиб ҳам бўлмайди, харид қилиб ҳам. Истайсизми, истамайсизми, вақт-соати билан атрофингизда айланаверади. Фақат бировда кўпроқ, бировда эса камроқ.

Қадрдон дўстингиз билан орангизда низо, нифоқ пайдо бўлишини истасангиз, унга қарз беринг. Қўлнинг хизматини оёғингиз бажаради. Бориб-келишдан чарчамасангиз бўлди. Қарзни ололмасдан юрагингизга дарз кетади, арзингиз кор қилмайди.

Кўпинча, санъат институтларида таҳсил оладиган талантли талабаларнинг баҳоси, уларнинг истеъдодлари билан келишавермайди.

Фарзандинг сенга пул, мол дунё келтирмаса ҳам майли, ўзига, соғлигига, уст бошига қараб юрса ҳам сенинг давлатингдир.

Нима учун най созланмайди-ю тор, танбур, дутор ва рубоб созланади. Най кўриниши билан ҳам тўғри. Тўғри, одамни тергаш зарур эмас. Рубоб, дутор, танбур ва торнинг қулоғи тез-тез бураб турилади. Чунки уларнинг қорни бор. Оч ва тўғри одамни созлаш ва тергаш шарт эмас.

Бугун сени кўкларга кўтараётган жамоа, эртага қарши туриб сени ҳимоя қилишига кафолат беролмайсанми жим тур, жим юр, рулни фақат ўнгга бур деб чўчитиш ҳаракат фалсафасига кишандир.

Кимнинг нимага қобиллигини англаб, шунга яраша хизмат буюриб фойдаланишни билмаган раҳбар тараққиёт дарахтини чопувчилар қўлига болта тутқазган кимса кабидир.

Ҳаётнинг ёзилган қонунларидан кўра, ёзилмаган қонунлари билан иш тутишга мойиллик негадир инсон табиатида кучли.

Зафар қучаётган киши хатар сафарини ҳам қаршилаётган бўлади.

Бир жамоада қисиниб, қимтиниб яшаган киши бошқа бир жамоада ўз ўрнини топибгина қолмай, балки шу жамоада узукнинг кўз-у қошидек азиз бўлиши мумкин. Эр эъзозланган жойда азиз дейилиши бежиз эмас.

Ўтмиш ўтган воқеаларнинг намоёни эмас, балки келажакда хато қилмаслик имтиҳонидир.

Ҳар бир одам учун ҳар дам, ҳар қадам синовдир. Сийлов эса шунга яраша бўлади.

Изланиш, интилиш булар бекатлар бўлса, эришиш эса шоҳбекатдир.

Биз нима ишлар қилмайлик, нимага интилмайлик, ота-онамиз, ёхуд атрофимиздагилар қизиқтирган ва қилган ишларини такрорлайверамиз.

Касбингга гар меҳринг бўлса устувор, сени шарафлаб тарафлагувчилар бор.

Олдинига яқин бўлганлар мартабаси оша борган сари халқдан узоқлаша бориши одатга айланмагани дуруст.

Одамлар йирик нарсалардан кўра, майда нарсаларга кўпроқ эътибор беришга мойил бўладилар.

Хаётда бор тош-у тарози, ўтаверар қиш, баҳор ёзи, ўз-ўзингдан мамнунсан, рози, ўйлаб кўрганмисан ҳеч, балки кўпдир сендан норози.

Бажарилмаса-да, қуруқ ваъда ҳам юракка далда. Кейинги галда, деган умид-ку уйғонади. Умид умрингизни узайтирсин, азизларим!

Ҳаммамизнинг борар жойимиз бирдур. У ҳам бўлса меҳрибон, ғамхўр ердур. Ернинг меҳридарёлиги-ю бағрикенглигига қаранг: олимни-ю золимни ҳам, зўрни-ю заифни ҳам, шоҳни-ю гадони ҳам, ёшни-ю кексани ҳам, ичганни-ю жонидан кечганни ҳам, бойни-ю фақирни ҳам, мастни-ю сергакни ҳам, оқилни-ю жоҳилни ҳам, одобли-ю бадхулқни ҳам фарқламасдан барини бағрига олаверади.

Кўп нарсага ўткинчи ва кўчкинчи деб қараш ва яшаш ҳисси, инсон табиатининг муайян мувозанатда тутиб турувчи «барометр»дир.

Йўл бермаганга қўл бериб, қўл бермаганга йўл бериб яшаш учун бағрикенг, меҳридарё, қаноатли, камсуқум ва хокисор бўлиш керак. Таассуфки, бу ўта мушкул.

Омонат дунёда ғанимат бўлгувчи нимарсаларни билгувчи кимарсалар доимо омон бўлсинлар!

Санъаткорнинг давра кўргани, дидлиси - қайси қўшиқни, қандай даврада, қачон ва қай ҳолатда, қандай қилиб, энг муҳими, қанча айтишини биладиганидир.

Ўзинг ҳақдаги шубҳа, гумон, дашном, ғийбат, ҳасад, бўҳтон ва тўхматлардан чўчима, улар сенинг гуноҳларингнинг дув-дув тўкилишига гувоҳлардир.

Кадрдон дўстларимдан бири юрак оғриғи билан шифохонанинг жонлантириш бўлимида ётарди. Ишончли дўстларидан бўлганим учун атрофида гирдикапалак эдим, у менга сўз қотди: “Қизикқонлигим, сержахл ва серзардалигим умрим мобайнида менга кўп панд берди. Бугун ниҳоясига етса керак», — деб кулимсиди. Айтганидай, унинг жони тонгда узилди.

Айтган сўзинг, ёзган битигинг ҳар кимга ҳар хил таъсир этиши, ҳар кимда ҳар хил фикр уйғотиши табиий. Биров сени шу сўзинг билан ёмон кўриб қолса, бировнинг сенга меҳри уйғонади. Ҳар иккаласига ҳам муҳаббатли ва мурувватли бўлавергин. Уларнинг эътиборидан азиз неъмат борми, ўзи?

Ўз-ўзини тафтиш ва танқид қилолмаган, ўзинигина севиб, ўзгани ўйламайдиган банда тангрининг эмас, ўзининг қулидир, нори сақарда ўз-ўзининг қулидир.

Қатга оқимнинг ўзига яраша боқими ҳам бор.

Ҳаётда оқ ва қора, яхши ва ёмон деган ҳукм нисбий. Уни нарсаларга нисбатан айтиш мумкиндир, лекин одамларга нисбатан қўллаш мушкул. Қўлланган тақдирда ҳам, одилона ва оқилона хулоса бўла олмайди. Чунки воқеликнинг ўзи рангларнинг уйғунлашиш, эврилиш ва ўзгаришларига боис бўлади. Чин баҳо айтиш пайт учун эмас, абадийлик учун моҳиятли ва қийматлидир. Даврлар, ҳукмдорлар, тузумлар, тизимлар бир-бирини инкор этиб, танқид этиб, баҳолаб келганлигига тарих гувоҳ. Ҳаётда оқиш ва қорамтир ранглар, яхшироқ ва ёмонроқ, — деган тушунчалар борлигини идрок этганлар камгина билан баҳслашмайдилар.

Севги ва нафрат орасидаги масофанинг яқин қилиниши кулгили ҳолат, иккаласи орасига Вақт кўпригини куриш маъқулроқдир. Нафратинг муҳаббатга, муҳаббатинг нафратга айланиши ҳеч гап эмас.

Хавфсираш ва ҳадик йўл қўйилган хатолардан бўлса, хотиржамлик ва соғлиқ эса ато қилинган неъматлардандир. Биринчисининг натижаси жазава, асаб ва ғазаб, иккинчисиники босиқлик, ҳузур-ҳаловат ва тинч уйқу.

Кимки низо-ю нифоқ билан иттифоқ тузса, билингни, бир куни ўз уйини ҳам бузмасдан қолмайди. Яратганининг ўзи билгувчи ва ҳал қилгувчидир. «Валлоҳи аълам бис-саваб» – дегани шу!

Фоний дунёни айланиш ўйи билан яшовчи инсонга нисбатан боқий дунёга шайланиш нияти билан яшаётган инсон инсофли ва қаноатлироқ бўлади.

Одамзоднинг бир тоифаси борки, кўзлаган биринчи даражали мақсадига эришиш учун иккинчи даражали нарсаларни баҳона боис қилиб ўйин қилади.

Ёлғон нисбати берилган дунёда айтилган ҳақиқат ҳам аслида, алмашилиб турувчи ёлғон, бу қадимдан қолгон.

Тишининг оғришидан кўра, кишининг оғринишидан изтироб тортадиган одам олиҳимматдир.

Этиқдўздан “Шу ердан очик юзли, баланд бўйли одам ўтиб кетмадими?” – деса, унинг этики қанақа экан, дермиш.

ОҚИБАТИНГ – ОХИРАТИНГ

Аллоҳ берган ҳар бир дард огоҳликка даъват бўлса, берган давлати эса хушёрликка ишоратдир.

Тақдир яратгандан, тадбир бандадан эканини билиш ва амал қилиш хайрликдир.

Одамзод хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам кутиб яшайдиган аччиқ бир ҳақиқат бор. Бу маълум ва машғум кўргилик ўлимдир.

Аллоҳни севамиз-у унга тоат қилмаймиз – раҳмон ношод, шайтонни ёмон кўрамыз, бироқ унга итоат қиламиз – шайтон шод.

Ўлимга ўлим, зулмга зулм жавоб бўлади, деювчилар Яратганнинг қудратига шубҳа билан қаровчилардир.

Ўликлар тирикларга тилсиз сабоқ берадилар.

Туғилиш ва ўлиш, ҳар иккаласиям бизнинг ихтиёримизда эмас, аммо қандай яшаш бизнинг ихтиёримизда.

Умрининг сўнгги дамларида ижодкорлар қисқа шаклдаги катраларни қайд қилишни одат қилишади. Ёшлигида бир неча жилдли китоблар ёзган адиблар ҳам негандир ёши бирон жойга бориб қолганидан, кейингина, маъноси оламга тенг митти ҳикматлар ёзишни лозим кўришади.

Ҳаёт жумбоқлари олдида киши доим ожиз қолади. Ўғлинг иши илонни, куёвинг ниши чаённи, қизинг қилмиши зиённи сенга туҳфа этади. Шунинг олдиндан билганида эди, Мирзо Улуғбек бировларнинг қўлида кўғирчоқ бўлган ўғлининг ҳукми билан ўлмаган бўларди?!

Ўзини тез-тез тафтиш қилишни ҳуш кўрмаган кимса ўзгага ташвиш келтириши аниқ.

Душманга ўлим тилашнинг ҳожати йўқ. Унга “Беайб майиб бўл, асоссиз касосга дучор бўл!” – дейишнинг ўзи кифоя, бу тириклайин ўлдиришдир.

Валийлар нафсни мағлуб этган зоти шарифлардир. Уларнинг йўқликдан йўқликка юз тутганларидан кўра, тўқликдан йўқликка юзланганлари улуғ ва қутлуғдир.

Ўлдирганнинг ўлдирилиши ҳам ҳақ. Агар уни жамият инкор этса, табиат албатга, ижро этади.

Ўлмас ҳақиқат бу ўлимдир.

Орзу-умиднинг сароби армондир.

Ўлимни қайғу билан қаршилаётган кимса, дунё фонийлигини инкор этувчилар томонида бўлади.

Бу дунё бевафолиги боис маълум муддат бирга бўлган жон ҳам танага бевафолик қилади. Оқибатда жон жасаддан айро тушади. Уларнинг бу ҳолатини кўрган руҳ эса хиёнат қилиб бошқа танага кўчади.

Дарахт шохларидаги хазон япроғи енгил ел ёки шабада сабаб узилиб ерга тушади, худди кекса кишининг бирон касаллик сабаб жони узилиб ерга кетгани сингари.

Кимдир билим, кимдир илм, кимдир зулм, кимдир ҳилм, кимдир гулим, кимдир дилим, кимдир эса пулим деб яшайвераркан дунёда. Лекин буларнинг интиҳосидаги барча учун маълум кўргулик – ўлим, деб яшайдиганлар инсофли ва иймонли одамлардир.

Ўз фикрлари, ноанъанавий мулоҳазалари билан у замон қобигига сизмас эди: “Менга сизар икки жаҳон, мен бу жаҳона сизмазам.” – дея эътироф этган Имоиддин Насимийни эслатарди у. Тириклигида у қолипга сизиши қийин бўлса ҳам, дунёдан ўтар пайтида тўртбурчак ёғоч қолипдан жой олди. У яна бир ҳақиқатни қайд этган донишмандга ўхшарди: “Тан қолипи бор, руҳ қолипи йўқ”.

Оддий кўзимиз мангуликка юмилаётган пайтдагина, ақл кўзи бўлиб очилади.

Ҳақ ишига гумондор, билинги, у гуноҳкор.

Раҳматли онаизорим ўлимлари олдидан шундай дегандилар: “Бойишинга алдов, худбинлик, айёрлик, лаганбардорлик сабаб бўладиган бўлса, дунёдан камбағал ўтгин, ўғлим!”

“Нега ундай деб қолдингиз, онажон?”, – десам бир зум ўйланиб қолдилар-да: “Зўр бўлган бойларни ҳам, зор сўлган оиларни ҳам кўрдим, болам.” – дедилар.

Мақтовга эҳтиёжманд одам қарилгани бўйнига олган бўлади.

Она ер улкан тоғу ташларни кўтариб туради-ю, одамзод бир-бирининг бир оғиз сўзи билан кўнглини кўтаришга ярамайди.

Ўлим ҳам катта ибрат, катта сабоқ. Уни фақат англаш зарур.

Таваллуд ва қазо бизнинг ихтиёримизда эмас, лекин улар орасидаги масофадагина биз ўзлимизни бир мунча кўрсата олишимиз мумкин.

Дафн маросимида иштирок этувчиларнинг аксарияти вафот этганнинг руhini шод, ўзини ёд этиш учун эмас, балки бошқаларга кўриниш, ўзига ҳам бир кун навбат келиши учун келишлари таажужубли ва қизиқдир.

Эгаси йўқ доимий, икки нарса бор эрур,
Бириси маълум муддат айримларга ёр эрур.
Иккинчиси барчага тўлиқ дахлдор эрур,
Истаса, истамаса барибир тайёр турур.
Биринчи мансаб курсиси, рўзгорингни қилар бут,
Иккинчисин ёдда тут, лаҳадга элтар тобут.

Бу дунё андухи нечун? У дунёга бормоқ учун!

Йўқ нарсани орзу қилгандан кўра, бор нарсанинг қадрига этишни ўрганган афзал.

Мутасаввуфлар фоний дунёнинг мос одамлари бўлгандан кўра, боқий дунёнинг хос одамлари бўлиш шарофатли эканини қайд этиш орқали ўткинчи нарсага ружуъ қилиш мантиқсизлигини таъкидлашган.

Ўтганларнинг ўлими огоҳлик, хушёр тортиш ва сабоқ эканини унутиш инсофдан эмас.

Оқибатсиз аржумандинг, хосиятсиз фарзандинг – оёқ-кўлга кишанбандингдир.

Яратгани чиндан соғингангина, чиндан сиғинишга қодир.

Умримиз оғочдан оғочгача: биринчиси бешик, кейингиси тобут!

Муносабатларини, ички адоватларини тартиб-у талаб, кодекс ва қонунларни рўқач қилиш орқали билдириш ва қўрқитиш илинжида бўлган кишининг оқибати хунук, охирати куюқдир.

Доимий фаолиятдаги инсон ер усти, осмон ости, душманлари қасдида умргузаронлик этади.

Одам ўлгандан сўнг ўзи ва сўзи илоҳийлашади. Тирик-лигида уни бир чақага олмаганлар ҳам бир зум сукут қилишади. Эрта-индин ўзига ҳам навбат етишини ўйлайди, шекилли.

Чор-атрофда содир бўлаётган, сиз гувоҳ бўлган барча нарсалар беҳикмат эмас. Ўлим ҳам, зулм ҳам, зуғум ҳам, илм ҳам, билим ҳам ҳикмат манбаидир.

Донишмандларнинг ўзлари бу дунёга меҳмон бўлиб келадилар-да, сўзларини мезбон қилиб қолдирадилар ва иккинчи умрини бошлашади.

Дунёга кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам юмуқ ҳолда келамиз, кетишда эса ҳар иккаласи ҳам очик ҳолда кетади, фақат кўзимизни кимдир юмиб қўяди, биз эса кўпчиликнинг кўзини очиб кетамиз.

Пири муршид ўзига ҳавас қилган, ихлос қўйган муридларидан бирига: “Кўп билишим – тез ўлишимга сабаб бўляпти”, – дерди.

Ёшнинг бир жойга бориб, эс-хушингни йиғиб олганингдан кейин, яшаш илинжи кучаяркан. Бу яшаш истаги учун эмас, балки, кўп нарсани олдириб, кўп нарсани қолдириб кетмаётганлигинг учундир. Яшаш учун ейиш муҳимми ёки ейиш учун яшаш? Яшаш илинжи эса кўп нарсанинг моҳиятига етганинг боис, уни ёзиш истаги, қийноғи билан боғлиқдир.

Само бирлан сирлашсанг-да, охир ул-оқибат ер бирлан ерлашишингни унутма!

Кўринишдан онасига ўхшасада, феъл-атвори жаҳлдор отасига ўхшаши айримларнинг фожиасидир.

Ўлимнинг ўзидан кўра, унинг ваҳимаси кўрқинчлироқдир.

Ҳақ гапнинг икки мартаба такрорланиши ишонишдан кўра, унга нисбатан шубҳа туғдиради.

Йўл ҳаракати қоидаларига тўла амал қилиб автомобиль бошқарувчи амаким бор эди. Юраги кўкрак қафасига сиғмаган ҳайдовчиларни кўrsa: “Ё, Оялоҳ, сақланмагандан Ўзинг сақла”, – дердилар.

Бошингта ташвиш ёки кулфат тушганда сенга хайрихоҳ ва ҳамдарддан кўра, ҳолингта томошабин бўлувчилар кўплиги танаси бошқа дард билмас мақолини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳар бир инсонда тўрт нарсанинг ҳақи бор дейишади. Булар йўлнинг, қўлнинг, тузнинг ва гўрнинг ҳақлари. Чин диёнат буларга хиёнат қилмаслик.

Айтишларича, ҳақиқат – абадий қидирувдаги нарса. Унга етишган куни ҳаққа етишилади.

Яссавий ҳазратлари ҳикматларидан бирида шундай ёзади: “Аслинг билсанг об-у гил, яна гилга кетар-о”. Демак, тупроқдан яралиб яна унга қайтиш ҳақидаги фалсафа бор унда. Хоразмда “Лойни пишитиш учун уни яхшилаб тепкилаш керак”, – деган ибора юради. Ҳаёт ҳам одамзодни қанча чиғириклардан ўтказса, шунча чиникиб боради. “Бир тушмагунча, бир пишмайсан”, – деганида ҳам шу мантиқ бор.

Фаталистлар фикрича, одамнинг ейимлик, ичимлик, кийимлиги тақдирига битилган бўлади. Демак, шу миқдор меъёрини бузиб қанча кўп ейиш, ичиш ва кийишга ружу қўйилса, умр ҳам шу даражага қисқараркан-да. Инсонни очлик эмас, очкўзлик бебурд қилади.

Оқибатсиз боланг бор – охиратда оқ-ноланг бор.

Маҳқумлар эмас, марҳумларгина хиёнат қилмас.

Ўлим маълум кўргулик эканини билиб яшаганимиз сингари бир кун амалдан кетиш ҳам мумкин эканини билиб яшаган киши дард орттирмайди, тузалмас дардга мубтало бўлмайди.

Ўлим сирли, бевақт, тасодифдир. Шундай бўлганиям яхши. Агар одамзод қачон ўлишини билганида борми?

Бу маълум ва машғум кўргулик: қасрда яшасанг ҳам – қабрга қўйиласан, Ҳаммерда юрсанг ҳам – тобутда кетасан, жакузида чўмилсанг ҳам – оддий сувда ювиласан, осмонда юрсанг ҳам – ерга кўмиласан. Сўфиёна бу ҳикматдан ҳисса шуки, демак, оқибатни ўйлаш, мувозанатни ушлаш, ўзга кўнглини хушлаш ҳосиятлидир.

Ошга таклифни қабул қилмоқ суннатдир, ош едирганинг сўзлаши миннатдир, ошкор қилмаслик эса зийнатдир.

АЁЛЛАР ВА ХАЁЛЛАР

Аёллар олдин гапириб қўйиб кейин ўйланадилар, чунки туйғулари устун. Эркаклар эса олдин ўйланиб кейин гапирдилар, чунки ақллари устун.

Ўлик лотин тилини ўрганиш, тирик хотин тилини ўрганишдан ўн карра осондир.

Одамзоднинг аксарияти, тана аъзоларининг талабини қондириш илинжида хатоликларга йўл қўядилар.

Нимагадир муҳтож бўлган ёки дардманд одамлар улугларнинг, донишмандларнинг ҳикматларига муҳтож бўлишади. Қанча тингласалар ҳам қулоқларини тўйдириш қийин. Ўзига тўқ одамлар эса, негадир бу нарсаларни хуш кўришмайди. Егани олдида, емагани ортида бўлгани учунми? Ёки “Қорним тўқ, қайғум йўқ”, – қабилида иш тутиши учунми? Билмадим. Улар ўзларига бошқа машғулотлар топиб олади. Истироҳат боғлари, сауна, улфатбозлик, гап-гаштак, айш-ишратига хос кўнгилочар жойлардан топишади. Нега бойлар донишмандларнинг ёнига бормайди, донишмандлар бойлар ёнига боради деб сўрашганида, билмайсанми оғир хасталарнинг ёнига табибларнинг ўзи келишади-ку, дейилган жавоб бежиз эмас экан-да ...

Сўраганингни берадиган сахий бўлса, сўрамаганингни ҳам берадиган ахийдир.

Бўлмаса эл бир бутун – дилида доим тутун.

Маддоҳларга маслаҳат: шарни пуфлашда меъёр бор, ёрилиб кетмасин тагин!

Санъаткорнинг куй ва қўшиқ басталашдан кўра, пул дасталашдан завқ оладигани қорин оғриғидир.

Ўзининг айғоқчинг қаҳрамон – ўзганики беимон.

Айғоқчилар сиз билан бирга, одати мисли бурга, бицирмасдан чақади. Унга аччиқ қилиб кўрпани куйдиришдан мангик йўк.

Уқувсиз, эркатой қиз турмушга чиқди. Қайнота ва қайнонаси бизнинг арзандамиз, пазандамиз деб суюшар, алқаб мақташарди. Нима бўлди-ю, қизнинг отасидан омад юз ўгирди, иши орқага кетди. Кўп ўтмай қайнона ва қайнота қиздан ўринли-ўринсиз айб топавериб арзанда, пазанда сўзларини газанда сўзига айлантириб қўйишди.

Ўзганинг гапи билан ўз оиласига зуғум етказган кимса ўлимига қадар зулм кўрмасдан қолмайди.

Учрашувга чиққан йигит ва қиз ёнма-ён ўтиришибди. Қиз унинг нимадир дейиши ва яқин ўтиришини хоҳлаб ҳазил қилди: “Туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзади”. Йигит ҳам зил замбил ҳазил қилди: “Очиқ айтганингиз учун раҳмат, ўзим ҳам гул эмас янтоқлигингизни сезувдим.”

Фарзандларингга қанча шароит яратиб берсанг ҳам, барибир муаммоси тугамайди, янгиси чиқараверади. Моддий эҳтиёжларини қондиришинг мумкин, лекин рухий эҳтиёжини қондиришинг қийин. “Бойлар ҳам йиғлайди, юрак-бағрин тиглайди.” – деганлари шу бўлса керак.

Оламни кулоғи билан тинглаб севувчи аёл зоти ҳам, худди шу чиройни кўзи билан кўриб мафтун бўлувчи эркак зоти ҳам фоний дунёда аксарият нарсалар ўткинчи эканини ҳис этиб, идрок этиб яшаса ҳаммаси жойига тушади.

Хотининг ботинингда бўлса, жиловинг ва сийловинг ўзганинг кўлида бўлмайди.

Аёл уйнинг чиройи, эркак уйнинг чироғи – қоронғуликда чирой кўринмайди.

Аёл зотининг қорнида бўлса қутулади, қонида бўлса илож йўқ.

Рашкнинг табиийси қизганишдан эмас, асраб-авайлашдан туғилади.

Айрим эркаклар аёллар ҳақида кўнглига келган гапни гапиришпини, айрим аёллар эса эркаклар билан кўнглига келган ишни қилишларини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бу иймонсизлик белгиси.

Эркаклар саҳрода чанқаган кабидир ташналигини қондир-гач, жон-у танаси таскин топади, аёл киши дарахт соясини излаётган кабидир, улар дарахтни топгач, узоқ муддат унинг соясида бўлишни исташади.

Бу ҳам бир қизик ўйин,
Эр – бош эмиш, хотин – бўйин.
Бош бўлса-да, шўрлик эр
Хотин сўзин тўғри, дер.
Бойси бўлди аён,
Бўлсин сизга ҳам баён
Бўйин бурилса қаён,
Бош қараркан шу томон.

Фолбиннинг фолига эмас, балки одамзоднинг ҳол-аҳволига қараб турмуш қурилади.

Аёл таъсирига тушган раҳбар ходимнинг одими мантқиқсиз ва хайрсиздир.

Аёл кишининг қорнида бўлса қутулади, қонида бўлса қутулмайди, деган нақлга монанд ҳолда, тил хусусиятларини яхши билмаган бир талаба эркак кишининг бўйнида бўлса қутулади, бўйида бўлса йўқ», – деб юборган экан.

Инсон тийнатидаги табиийлик кўпинча, жазавага тушганида намоён бўлади.

Кўз ёши аёлнинг бардоши, айни дамда домидир.

Муҳаббатини бир умр пинҳон тута оладиган, лекин нафратини бир дақиқа ҳам яшира олмайдиган зот бу аёлдир.

Рухан изтироб тортаётган киши учун тонгнинг отиши-ю, куннинг ботиши қийин кечади.

Икки қалб орасидаги қўшқўприкнинг бири муҳаббат бўлса, иккинчиси ишончдир.

Олдин аёл кишининг раъйига қараб ҳаракат қилинади, кейин эса, у сизнинг раъйингизга қараб иш тутадиغان бўлади.

Хаёл, тахмин ва фараз баъзан дилга таскин берса, баъзан кўрқув ҳам солади. Ўринсиз ўйлар ўяди.

Шайтон муҳаббатдан кўра нафратни хуш кўришининг сабабини биласизми? Чунки муҳаббатда сохталик бўлиши мумкин, нафратда эса сохталик бўлмайди.

Бўрибойнинг қилиғи куёнойнинг кичиғидандир.

Танфурушлик талаби пулга эҳтиёждан келиб чиқаркан, фахш гирдобига тушган аёл қоғоз гулга ҳам, қоғоз пулга ҳам ўхшайди. Қоғоз гул ҳам олдин қоғоз пулга сотиб олинади. Кўзни қувонтириб вазифасини ўтаб бўлгач, уни чанг босиб ётаверади ёхуд ташлаб юборилади. Қоғоз пул қўлдан қўлга ўтаверади, умри узок, қоғоз гулнинг эса умри қисқа. Қоғоз гул чиройли кўрингани билан, унинг бўйи ва таровати бўлмайди.

Гўзаллар ўзидан гўзалларни ёктиравермаганидек, илмсизлар ҳам илмлиларни хуш кўравермайдилар, шекилли. Бирок ташқаридан кузатсанг, бу қанчалар хунук ҳолат.

Аёлнинг бежирим, алламбало кийимларни кияётганини кўрсанг, эрига: “Эътиборли бўл”, – дегин. Эрнинг арзон кийим-бош билан юраётганини кўрсанг, аёлига: “Эрингга эътиборли бўл”, – дегин.

Ҳар бир аёл топишмок, топишгандан кейин ҳам тополмасдан умр ўтказасиз.

Ҳаёл оти аёл зотининг изнисиз учолмайди, чопа олмайди ҳам.

Эътиборга эътибор нечун, эътиборсиз қолганинг учун!

Ғийбатчи ғийбат қилиб семирувчи, ҳасадгўй ҳасад қилиб ич-этини кемирувчи жонзотдир.

Тан олмаслик аслида, тан бериш, таълим бериш эса икки карра таълим олишдир!

Ошнинг тузини ошаб биласан, кимнинг турини яшаб биласан?

Куюб-суюшдан завқ олса ошиқ,
Куйдириб суйдиришдан шавқланар маъшуқ.

Қанчалик кам кўришиб, кам сўзласанг, эътиборинг, кадр-қимматинг шунчалик ошаверади.

Фарзанд ота-она билан ғурурлангандан кўра, ота-она фарзанди билан ғурурлангани маъқулроқ. Чунки таълим-тарбияни ота-она беради, фарзанд эса уни олади. Бу эса миллатнинг кийёфати, жамиятнинг тараққиётига мезондир.

Ақл билан доим мос бўла олмас эҳтирос.

НАФС БАЛОСИ – МОЛ МУБТАЛОСИ

Баъзи бир қоғоз пулларнинг қиймати оддий тангалардан юз хатто, минг баробар катта бўлади. Лекин уларни ўтга ё сувга ташласангиз, танга пул асл ҳолида қолаверади. Қоғоз пул эса кул бўлади, яроксизга айланади. Ҳатто, ел ҳам тангани эмас, қоғоз пулни учиради. Уч унсур тан олмаган нарсага, наmunча куйинасиз.

Нафсини асир қилган, ақлини амир билган инсонга қўл бераверинг, ҳеч қачон адашмайсиз.

Танини ҳимоя қилган қорин-қурсоғига посбон, шаънини ҳимоя қилган эса қадр қўрғонига посбондир. Биринчиси нафсоний, хоҳлаган пайтда ўзгани соғади, иккинчиси эса раҳмонийдир, ҳақ учун собит яшайди.

Кимки, қорин бандаси – билинг номус-орин шармандаси.

Камбағалнинг бир бор шуқр қилиб яшаши, бойнинг ўн бор бойишига боисдир. Фақирнинг қаноат қилмасликдан бошқа иложи борми?

Қувонч билан қаршилаётган бугунги амалинг, эрта-индин қайғу билан қаршилашинг мумкин бўлган қамалингга сабаб бўлишини истамасанг, ёқимли душманинг – нафс тизгинини тез-тез тортиб туравер.

Ўр одам зўр бўлмайди, оқибатда хўр бўлади ёки кўр бўлади, пешанаси шўр бўлади, ниҳояси гўр бўлади.

Ичувчи одам ҳар қанақасига бўлса ҳам “йўл” топади. Йўлнинг ҳурмати бўлмаса ҳам – патрулнинг ҳурмати учун, гулнинг ҳурмати бўлмаса ҳам – булбулнинг ҳурмати учун,

пулнинг хурмати бўлмаса ҳам – култ-култнинг хурмати учун, кут-кутнинг хурмати бўлмаса ҳам – ют-ютнинг хурмати учун, тут-тутнинг хурмати бўлмаса ҳам – салиютнинг хурмати учун, абсолютнинг хурмати бўлмаса ҳам – “Олиб сол ют (“Абсолют” ароғи)”нинг хурмати учун ичмасак уят бўлар, – деб кўтарворади қадахни.

Нобино ва ногирон кимсага ҳасса ҳам таянч, ҳам суянч бўлгани сингари руҳан тушкун, маҳзун кишига фалсафа ҳам маёқ, ҳам таёқ, ҳам сабоқ бўлади.

Ақлсиз одамдан ақлли гап чиқмаса-да, у ақлли иш қилади. Сабаби у айтган ишни қилаверади.

Гулшанни орзу қилиб гулханда ёнганларни эсли-хушли, ақл-идрокли деб бўлмайди.

Ҳаёт жумбоқларга тўла экан, унга жавоб топиш учун, билим, ақл, малака, тажриба, кўникма кор қилавермайди, фақат воқеаларни ўз ҳолига қўйиб, оқимга ўзингни қўйиб бериб сабр қилиш энг тўғри йўл ва тўғри жавобдир.

Инсон дилидаги меҳр-муҳаббат ошкора бўлади, уни тез намоён қилгиси келади, дилидаги нафрати эса пинҳоний бўлади, у дарров кўринавермайди.

Ўғлимга қарасам ўтмишимни кўраман, отамга қарасам ва қарашсам келажакимни кўраман. Келажакка масъуллиқ болаликдан бошланади.

Инсонга тузалиш учун уч имконият бериларкан: биринчиси ота-онаси ва яқинларининг насиҳату маслаҳатлари билан; иккинчиси адашган кимсанинг фожиасини эшитиш ёки кўриши билан; учинчиси ўзининг адашишидан тўғри хулоса чиқариб иш тутиши билан.

Кексайиб қолган, сиз пешанасига ажинлар туширган ота-онангиз атрофида гирдикапалак, парвонасиз. Инжиқликларига чидашга ҳаракат қиласиз, тўғри. Лекин бу юмушларни уларга сездирмасдан, огриниб бажарасиз. Бу ҳаракатингизда уларга нисбатан эхтиромингиздан кўра, хавфсирашингиз устун. Бир кун мен ҳам шундай куйга тушсам, фарзандларим ҳам менга шундай муносабатда бўлмасин, деган кўрқув ва ҳадик ҳисси билан иш тутасиз. Айтар ва қайтар дунё ҳақиқати дилингизга доим гулгула солиб туради. Шундай бўлганим яхши!

Ўзини ақли санаб, тўғри ёки нотўғри бўлсин, ўзгаларнинг фикри билан ҳисоблашмаганлар энг нодон кимсалардир. «Бирам каттанинг, бирам киччининг гапига кулоқ сол», — дейилади хоразмликларда.

Калом айтувчи ошиқдан кўра, таом ейишдаги қошиқнинг кадрига етганлар муҳаббатнинг туб моҳиятига етмаганлардир.

Одам бўлиш кийин дейишади. Бу фикрнинг замирида ушбу мақол туриши бежиз эмас. Одам бўлиш аста-аста, ҳайвон бўлиш бир пасда. Шунинг учун ҳам ёмонликка мойиллар кўп экан-да.

Сўфийлик — бу, ўзни унутмоқ, ўзин қўйиб ўзгага боқмоқ.

Бир сўз келди бу тилга, пинҳон эмас бу элга,
Икки фаришта доим, ҳамроҳдир ҳар бир дилга,
Раҳмон ўрни ўнг елка, шайтон жойи сўл елка,
Иккиси ҳам йўллайди, йўллаб туриб қўллайди
Ҳар иккисига бор жавоб, гуноҳ билан бор савоб.

Ёлғончи дунёда ёлғон сўзлама,
Алдов, фириблар деб асло бўзлама.
Бойликдан гуноҳинг ортишидан кўрк,
Шайтон ишин қилиб, Раҳмон кўзлама!

Мол-дунём бўлмаса, дилимда доғлар,
Агар бўлса, зумда руҳимни чоғлар.
Унда не сир борки, билмай ҳайронман,
Дўстлардин айириб, кўзимни боғлар.

Сиз билан муносабатда бўлувчи ҳар бир инсонни спорт мусобақасидаги рақибга қиёс қилинг. Уни ўзингизга ва сўзингизга, ишингизга ва ташвишингизга эътиборини қаратишингиз учун имконият қалиги сизда бор, лекин сиз уни ишлатолмайсиз. Барча муаммо ва мулоқотлар очкичи, ғалабангиз гарови — бу, очик чеҳрангиз ва табассумингиз эканига ишонч ҳосил қилинг.

Табассумли инсон мисоли очик дастурхон, қовоқлари солиқ, тунд юзли инсон эса ёпиқ дастурхондир. Очик дастурхонга кўл узатилади.

Кўзи тўқнинг қорни оч бўлмайди. Кўзи очнинг эса қорни тўқ бўлса-да, ҳеч қачон тўйдим демайди, ейишни қўймайди, ҳеч қимга, ҳеч нарса бермайди. Хасислик ва бахиллик худди шу жойдан болалайди.

Одамзод баъзан туш кўриб, қанийди шулар ўнгимда бўлса, деб орзу қилади, айрим тушларни кўриб эса, хайриятки, тушим экан, шу қадар ҳам кўркинчли бўладими деб ўзига тасалли беради. Аслида, туш инсонни ҳушига келтириш учун восита.

Кимгадир мунтазам ширин гапириб, хушмуомалада бўлиб келсанг, нималарнидир олиб бериб турсанг дуруст, иттифоко, шу ишингни қанда қилсанг, сенинг кадр-у қийматинг ҳам, борлигинг ҳам, интизорлигинг ҳам шу ондаёқ йўқолади. Қийматим нарса билан экан-да, деб ўқинманг, тагин.

Ақлни ўстиришнинг асоси: кўп китоб мутолааси биланмас, балки, эшитган ва кўрган-билганларингизга “Нега?”, “Нима учун?”, “Нима сабабдан?”, “Нима мақсадда?” — деган саволлар бериш ва жавоб излаш орқали фикрлашни одат қилишдир.

Ҳар бир нарсага чуқур кирмаган афзал. Илмда ҳам чуқур кирманг, дейилади ҳадисда. Чуқур кириш, аслида уни чуқур билмаслик ҳамдир. Муайян жойдан ҳаракат бошлаган одам яна, айланиб-айланиб ўша жойга келмаслигига ким кафолат беради?

Она-Ер ва бобо қуёш. Ерга ўз нурини сочган қуёш заминдан гиёҳ униши учун зарурлигини билади. Ўсайтган авлод онамиз – Ер, отамиз – қуёш эканлигини ҳис этса, ота-она ва заминимиз қадрига етгандек бўлади.

Ўзинг олим бўлмаган бўлсанг, аниқроғи, бўлолмаган бўлсанг, олимлар қадрига етиб уларнинг хизматида бўл, олимликнинг ярим савоби сен биландир.

«Балиқ халқумни тозалайди, солиқ халқимни тозалайди.»
Буни халқ мақоллари китобига киритиш мантқиқсизликдир.

Фарзандингиз топармон бўлгандан кўра, тутармон бўлгани яхши, итингиз қопармон бўлгандан кўра, ютармон бўлгани афзал. Акс ҳолда, фарзанддан кутадиганингиз жафо, итдан кутмайдиганингиз вафо бўлади.

Очиққан одамларнинг мурод-у манзилига етиб борганларини биламан, аммо ошиққанларни эса йўқ. Чунки очикқанлар сабрли, ошиққанлар бесабр бўлишади.

Йўл эгри бўлса ҳам қўл ва дил тўғри бўлса, бас.

Қочган ҳам, қувган ҳам, югурган ҳам, турган ҳам “Худо”, – дейди. Лекин, қайси бирининг иддаосининг қабул бўлиши ёлғиз Яратганнинг ўзига аён.

Шуҳратпарастлик ва шаҳватпарастлик орасидаги масофа жуда қисқа.

Тангрининг ёзмиши тақдир бўлса, банданинг билмиш-у қилмиши тадбирдир.

Тана билан табиат ўзаро келиша олмаса, ҳар хил ишлатлар келиб чиқаверади. Чунки тўрт унсурнинг мувофиқлиги, мувозанати билан инсон соғлом. Булар иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва куруқликдир.

Кино санъатини кино саноатидан фарқласак, бу борадаги муаммолар балки, осонликча ечишармиди? Режиссёр бўлсин, оператор бўлсин улар қанча кино олганлиги билан қизиқишади. Беш ойнинг ичида бешта кинони суратга олганларни мен ақлимга сиғдиришмайман. Фильмларимизнинг мавсумий бўлиб қолиши, аслида, шундан. Назаримда, қайси кинони қанча муддатда, қандай олинганлиги ва кенг жамоатчилик оммасининг қандай қабул қилганлигига кўпроқ эътиборни қаратсак, айни муддао бўларди. Гап қандай мавзуда эмас, гап унинг қандай олиниб, қандай тақдим этилишида, қандай қабул қилинишида.

Қайдларим бирон нарсани билишингизга, англашингизга хизмат қилиши билан эмас, балки сизни фикр юритишга чорласа, фикрлашга ундаса, даъват этса, фикрлаш тарзингизни ўсиши ва шаклланишига хизмат қилса мен учун, сиз учун ҳам қийматли бўлсин, акс ҳолда, улар сариқ чақага арзимасин.

Одамларнинг эҳтиёж-у талабини қондирувчи бирон бир касбда ёки раҳбарлик вазифасида ишласангиз, чақирувлар, зиёфатлар, сизни соғинувчи, дийдор талаблар кўпайиб қолади. Шунини ўзига эп кўрганини айтинг.

Сен билан қизиқувчи айрим “дўст”ларингнинг соғлиги жойида, кайфиятини кўтаринки бўлишини истасангиз, оёгингизни оқсоқ, ўзингизни бирон дард билан оғриганнамо қилиб кўрсатинг, шунда уларнинг умрига умр кўшилади.

Одамзоднинг ҳар доим ўзим тўғри, сўзим тўғри деб қилган ҳаракати худбинлик қаърига етаклаш баробаридадир.

Руҳи тушкун киши оғир юк босиб қолган замбилга ўхшайди.

Тўрт гилдираки ердан узилган ёки кўтарма кранда турган автомобилнинг ҳар қанча ҳаракати бўлмасин, бир қадам ҳам силжймайди. одамзод ҳам аслида шундай, ишқилиб, инсоннинг оёғи ердан узилмасин.

Иллат танламас миллат – гиёҳвандлик гирдобига тушган кимсанинг оқибати хунук, охирати куюклигини билган ва унга қарши кураша олган оддий киши ҳам асл миллатпарвардир.

Маҳкумлардан эмас, марҳумлардангина хиёнат кутмаслик мумкин.

Эҳтиётталаблик эҳтиётталаблик билан ҳеч келишолмайди.

Копток юмалок, шунинг учун ҳам олдиндан у жамоа ютади, бу жамоа ютқзади деб қатъий ҳукмга келувчи тарафқашларнинг мулзамлигини кўриш хижолатли. Умид, тахмин, ишонч ораларига низо ташламанг.

Ҳар хил гуллар бир гулзорда бир-бирини безаб ўсаверади, жамиятдаги айрим кишилар ўзаро келишолмай, бир-бирини бежаб тўсаверади.

Жамиятдан топиш мушкул бўлган беғуборлик ва мусаффоликни тўғри муносабатда бўлсангиз табиатнинг ўзи, албатта, сизга ато этади.

Шундай одамлар борки, улар билан суҳбатлашганда, худди чўнтакинга хом тухум солиб юрган кишидай эҳтиёткор бўлма-санг, бўлмайди.

Болта ва тешанинг кучи кўпроқ унинг ўзидан кўра, уни ушлаган кўлнинг зарбига, қаҳрига боғлиқ.

Тўқчиликка қаноат қила билмаган, йўқчиликка қаноат қилишга мажбур. Хоҳлаганинча еб, ичиб, кийиб юролмайсан. Бир хил норма, бир хил форма. Ўзингдан кўр. Ўзгадан эмас. Бу маскан жазо жойимас, тарбия ўчоғидир.

У кишини ақли деб билардим. Ҳали ҳам фикримдан қайтмадим, фақат шуни аниқ билдим-ки, унинг ақли ўзига бўйсунмас экан.

Кимки сенинг орқангдан гапирса, куюнма демак, сен ундан олдиндасан, олға кетаяпсан. Боязид Бистомийга “Орқангиздан гапиришяпти”, – деганларида, “Орқамдан тепишса ҳам майли, чунки мен бари бир у ерда йўқман-ку”, – дегани бежиз эмас.

Туманли келажагини ўйламаган ўлажагига ҳам гумонлидир.

Ҳаёти мобайнида, фақат фойда кўзлаб умргузаронлик этган бир бемордан ҳамшира киз сўради: “Сиз бошқаларга ўхшаб укол-дори оғриғидан нега додламаяпсиз? У жавоб берди: “Додлаганим билан нима фойдаси бор?!”

Иш деб, рўзгор деб умр бўйи елиб югурди. Охирда бир ҳақиқатни англаб етди: қорхона иши, рўзгор ташвиши адо бўлгунга қадар киши адо бўларкан.

Бир йигит ўзидан кўра, ўзганинг соғлигига эътиборли эди. Бир куни тоби қочиб, оқсаб юрганини кўриб: “Докторга боргин десак, ҳеч қиси йўқ, ўтиб кетади”, – деди. Бир неча ойлардан кейин яна учрашиб қолдик, боши оғригидан ранги бир ҳол эди. “Докторга бор”, – десак, “Ҳеч қиси йўқ, ўтиб кетади”, – деди, маълум муддатдан кейин онда-сонда юрак безовга қилишини айтди. Маслаҳатимизга яна олдинги жавобни олдик. Анча муддатдан кейин билсак, ўзи ўтиб кетибди. Яратганининг ўзи уч марта оғриқ бериб огоҳлантирган бўлса, бундан ортиқ хушёрликка даъват бўладими. Кимдир ўз вақтида, кимдир ўтказиб, кимдир эса ўлганда келади, деган гап бежиз эмас.

Қирол яхши яшайди, буюради, шукрини билмайди, олами фоний шайдоси, қарол ёмон яшайди, югуради, шукр қилади, олами фоний гадоси. Қирол боқийликда қарол, қарол боқийликда қиролдир. Ўткинчи қироллик яхшими, ёхуд абадий қироллик?

Хазина ер устидаги бойлик, дафина ер остидаги бойлик, қайсининг соҳиби бўлиш чиройли? Ким шу ҳақда бош қотирса, билингни, у боқий оламга эмас, фоний дунёга боғлиқ.

Нодон – сиёҳсиз сиёҳдон, патронсиз ўқдон, оғизга солинган талқон, кўзга чиққан чипқон, санги палаҳмон, тўла эмас, чалажон.

Фоолиятнинг, ташаббускор ва ташкилотчиликнинг мезони нахотки, шундай бўлса: ейиш учун – едириш, ичиш учун – ичириш, кийиш учун – кийдириш, олиш учун – бериш.

Инсоннинг қайси танаси азоб чекадиган бўлса, одамзоднинг жони ўша ерда экан, деб ўйлайди. Ҳолдан тойиб йиқилгандан кейин ўзига нажот излайди, гўёки, шифокор унга нажот берадигандек.

Табиблар билан тез-тез дийдорлашиб туринг, улар билан учрашишингизга фақат танангизда урчиган дард сабаб бўлмасин.

Табибнинг аълоси ва доноси дардмандга дори-дармон бериб даволайдигани эмас, балки, унга ишонч ва умид бера оладиганидир.

Болаликда ҳар кимда қобилият, нимагадир истеъдод учқунлари, иқтидор куртаклари бўлади, аммо вазият, шароит, маслаҳатгүй бўлмагач, туғилмасдан ўлишга юз тутган чақалоққа, алангаланмасдан сўнган учқунга, мева туголмаган куртакка ўхшайди.

“Бу дунёда ё танкинг, ё банкинг бўлсин, ё қанотинг, ё манотинг бўлсин», – деювчилар ўзларига, яширин истеъдодларига ишончи суғ бўлган кимсалардир.

Ер ўз ўқи атрофида айланади, одамзод эса пул, мол-дунё атрофида гирдиқапалак. одамзод пулни топади, унга юкинадую, қуллигини ёддан чиқаради, қанча топса ҳам яна, яна дейдию, қуллуқини қилмайди.

Тангри одамзоднинг паймонасини тўлдиргунга қадар бўлган даврда, унинг ҳамёнини, қорнини тўйдирмасдан кўзини тўйдирганда бошқача бўлармиди.

Бу одамнинг жуссаси кичик бўлса ҳам ҳиссаси катта, киссаси кичик, кассаси йўқ, лекин ҳассаси садоқатли эди.

Машина ичида ўтириб катта-кичик ҳар хил маркадаги машиналар турнақатор бўлиб, ёниги учун саф бўлиб туришини кузатаман, демак, яратилган ҳамма нарсаларнинг ўз талаб-у эҳтиёжи бор экан-да. Усиз юришида ҳам, туришида ҳам мангик йўқ.

Кимнидир йўқотганингиз, ниманидир топганингиз, кимнидир топганингиз ниманидир йўқотганингиздир.

Донога бу ҳикмат асли аёндир.
Пул мисоли илон билан чаёндир.
Чақар бўлса, нишида сир-у асрор
Баъзида фойдали, баъзан зиёндир.
Ҳалол бўлса, топган пулинг шифодир,
Ҳаром бўлса сенга етгани жафодир.

Ҳалол экан дегани, “Ҳа ол”, – дегани эмас.

«Минг йил умр кўргил», – деди бир оқил,
Таажуб-ла, ҳайрон боқдим мен унга.
Айтишар-ку, «Етти ўлчаб бир кесгил»,
«Қайси одам кирган эмишдур мингта?»
Донишманд тикилди, ўйчан бир нафас,
Сўнгра сўз қотдилар, маънидан калом.
«Инсон тириклиги жисми биланмас,
Минг йилнинг мезони-қолса яхши ном.
Эзгу ишларингни элинг қилса ёд,
Иккинчи умрдур яшашдан мурод.»
Кўп ўйладим, кейин англадим, билдим,
Унинг сўзларида айни ҳақиқат,
Юз бор қуллук қилиб ул зотга дедим:
«Сўзингиз, ўзингиз баайни ҳикмат!»

Олам узра янграр бир хитоб:
Одам борки, ўқилмаган китоб.
Мақсад уни ўқий билишда,
Ўқий туриб уқиб олишда.

ЗИЛ ЗАМБИЛ ҲАЗИЛ

Никобланишни ва мослашишни билиш ҳам санъат. Уни билган узокрок яшайди, мансабда ҳам узокрок туради. Тасаввур қилинг, акс ҳолда, ўрмонда оқ айиқ, Арктикада қўнғир айиқ яшай олармиди?

Фурсат етганда рухсат йўқ, рухсат бўлганида эса фурсат етмайди.

Отамга хос бўлган жиззакилик, онаизоримга хос бўлган босиқлик ва ўйчанлик умр бўйи менга ҳамроҳ бўлиб келди.

Хитойликларнинг накли бор экан, “Қорни оч одамга битта балиқ берсанг тўяди. Эртасига яна оч бўлади. Агар унга балиқ овлаш йўлини ўргатсанг, умр бўйи қорни тўйиб юради.”

Нимаики нарса сен учун мураккаб ва чигал бўлса, нимаики нарсага яқинлашмасанг у сенга етиб бўлмас қоя, англаш мушкул бўлган мўъжиза, идеал, сир-синоатли тилсим. Яқинлашсанг, англаб етасан-ки, у оддий ҳақиқат. Етишиш, эришишгача бўлган даврда муҳаббат ўз қудратини кўрсатади, суйдиради, қуйдиради, ёндиради.

Бирон нарсага ўта диққат қилиш, диққатни сусайтиради. Имловий хатолар бўлмасин деб қайсидир газета таҳририятига йиғирма нафар корректор тайинлашгани, газета чоп этилиб чиққач, не кўз билан кўришсинки, йирик ҳарфлар билан “Британия энциклопудияси” – деган ёзув турганини қаердадир ўқиганим бор эди.

Кўз, қулоқ, тил нима бўлса ҳам кўрган, эшитган ва билганларини юракка айтавериш охир-оқибат уни “инфарктъ” қилишди.

Баъзан бир йил бир кундек, бир кун эса бир йилдек ўтди дейишади. Бу аслида, инсоннинг ўз ҳаётидан, ишидан, оила-сидан, касбидан мамнун бўлиш ва бўлмаслигига боғлиқ.

Бир жойда тадбир ўтказётгандим. Чироқ ўчиб қолди. Жиғибийрон бўлиб: “Бу ерда биронта электрик борми?” – десам, залда ўтирганлардан бири ҳам ундан роса азият чеккан, шекилли: “Бор, лекин электрик эмас, ўлик-тирик”, – деди. Ҳамма хохолаб кулди, мен ҳам.

Одамзод ўзгадан кетган нарсани ҳисоб-китобини қилмайди-ю, лекин ўзидан кетганини ошириб-тошириб ҳисоблашга мойил бўлади.

Қарз берган одамда ишонч сўниб умид ва илинж қолади, қарз олган одамда олдин иложсизлик кейин эса кўникиш пайдо бўлади.

Асалари фақат бир хил гулнинг гулидан териб асал қилади.

Ҳар қандай ёзувга соя берилса у бўртиб чиқади, афсуски, ҳар қандай ғояга соя ташланса, у йўқ бўлиб кетади.

Соянда юрган дўстинга ишонаверма, сенга ёруғлик, куёш тушмаса, у тезда йўқолади.

Одамзоднинг қиладиган ишига, берадиган ваъдасига қараб эмас, балки қилган ишига, бажарган вазифасига қараб баҳо бериш мантиқийдир.

Ўғрилиқ тўғрилиқ билан баъзан келишгандай бўлади, лекин барибир умри қисқа бўлиши тайин.

Бир телбанамо йигит бор эди. Ўзи ичмасди-ю, нукул: “Ароққа таъзим”, – деяверарди. “Нега?”, – десам, “Дўст ва дўстсимонларни шу ажратиб беради”, – деб қолди бир куни. “Ичиш ўзидан кетиш эмас, балки ўз аслига қайтишдир. Одамларнинг ичмаган пайтларида ичидагилари ичида юради, ичган пайтларида юзага чиқади. Меъеридан ошгандан кейин эса, кимлигини намоён этади. Мастлик – ростлик дегани аслида, шу”, – деди у.

Куйлакнинг бичимини бир одам ҳал қилиши мумкин, лекин муаммонинг ечими кўпчилик томонидан ҳал этилади.

Фахр, ғурур, кибр, манманлик – бу, одамзод табиатида рўй берувчи оний ҳолатлардир. Буни узумдан тайёрланадиган ичимликка қиёс қилиш мумкин. Фахр бу узумнинг ўзи бўлса, ундан тайёрланадиган шарбат эса ғурурга қиёсдир. Унинг узок туриб қолиши натижасида мусаллас (кибр)га, яна узок кўйиладиган бўлса, сиркага (манманликка) айланади. Узумни ва ундан тайёрланадиган шарбатни ҳамма истеъмол қилади, мусаллас ва сиркани эса ҳамма эмас, жонидан тўйганларгина қабул қилади. Шундай экан, кибр ва манманликка не ҳожат?

Ачиган пиёздан хушбўй ҳид анқимаслигини билмаслик кулгили ва ачинарлидир.

Ўзаро ишонч ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Йўл ҳаракатидаги фалокат ва ҳалокатларнинг аксарияти ҳайдовчиларнинг бир-бирига ишончлари боис содир бўлади.

Бирон иш юзасидан қаердандир эндигина уч-тўрт сўм фойда келиши мумкин бўлганида, у сенга насиб этмайди, ишинг чаппасига айланади. Хурсанд бўл, демак, Тангри сени ўзига яқин тутади. Ангишвона ўғирлаб бадном бўлганнинг ҳам, туя ўғирлаб ҳазм қилиб юрганнинг ҳам ҳисоби бор.

Ташаббусга кимки бўлар ғов, бир кун ўз умрига бўлгуси эгов.

Ҳамма нарса ичдан ачий бошлайди, ичдан бузилади, ташқаридан эмас. Ичон қалъа тўймас экан, ҳойнаҳой, ишон “Дешон қалъа” аҳволига вой.

Гўзалларга ўзгалардан кўра, ўзларининг ўзларига ошиқлиги ўзгачадир.

Ўз вақтида айтилмаган сўз, муддати тугаган дори сингари заҳарга айланади.

Иссиққа ҳам, совуққа ҳам, қуёшга ҳам, ёмғирга ҳам ўзимизни, танамизни чоғлаб, соғлай биламиз. Бироқ совуқ сўзга, ёмон қилиқларга руҳиятимизни чоғлаб билмасдан ё мияга, ё юракка ташвиш орттирамиз. Бу ҳолларни кузатиб шундай дегим келади: “Бўлмангиз бунга бефарқ, бўлмайсиз инсулт, инфаркт!”

Автомобиль ҳайдашни тушида кўриб орзу қилганларни, автомобилни ҳаётда ҳайдаётганларни, автомобилнинг ҳар хил маркаси ва ранги учун бош қотириб, сиқилаётганлар тоифасини кўрдим.

Қашшоқликнинг ўзи келади, бойликни эса келтиришинг керак.

Ҳар қандай замон ва маконда ҳам, очлик ёки тўқлик пайтида ҳам уddaбурон, устомон кишилар йўлини топган, ошиғи олчи бўлган.

Бировларни емириш ва кемириш эвазига семириш одамзоднинг худбинлари тутган йўлдир.

Ёнган ўтиннинг кули-ю кукунни, билгилки, шу бамисли умрингнинг сўлган гули-ю якуни. Ёниб-ёндириб ва қониб-қондириб яшашнинг интиҳоси шу.

Қуш қанотларини кенг ёйса узоқларга баландлаб парвоз қилади, от ягринини кериб оёқларини узайтириб, қорнини ерга яқин қилиб чопса узоқ ва тез чопади. Айрим бойлар турган жойида кимтиниб, пулдан пул яшашни хуш кўришади.

Баъзиларга униси ҳалол, буниси ҳаром дейдиган бўлсангиз: “Менга ирим-сиримиданмас киримидан гапиринг”, – дейишади.

Ном Аллоҳдан инъом, уни қабрга эмас, қалбга битилиши учун инти.

Дунёнинг барча жойларида барча чақалоқларнинг табасуми ҳамиша гўзал, мафтункор ва беғубор. Балоғатга ета бошлаганларидан кейин бирон нарса деёлмайман. Фаришталарнинг суратини гўдакларнинг тимсолида гавдалантирилгани ҳам аслида, уларнинг маъсумлигига ишоратдир.

Улуғларнинг қадри, улар ўтиб кетганидан кейин билинади. Кечикиб билгандан кўра, ичкиб билганимиз ҳам яхши.

Даҳолар шу пайтгача беш баҳолари билан ўзларини баҳолаганларини эшитмаганман.

Ҳамма нарса-ҳодисани тақдири азалга йўйиш ва йўриш ўзимизнинг ҳафсаласизлигимизни ҳаспўшлашдан бошқа нарса эмас. Агар муносабатлар самимий, ўзимиз хайрихоҳ бўлганимизда: иқтидорли инсонларни ҳар томонлама рағбатлантириш имкони бўлади. “Менга нима?!” – қабилида иш тутишдан кўркиш керак.

Зилзила табиий офатгина эмас, балки инсоннинг ожизлигини, иложсизлигини яна бир бор англатиш, фалокат доим оёк остида бўлишини уқтиришдир. Табиат билан тиллаша олмаган жамиятнинг иқболи ҳам, истиқболи ҳам йўқ.

Шаҳвоний хислатларга кўпроқ мойил бўлганлар пасткашликка яқиндир. Чунки уларнинг кучи ва нияти белдан пастда бўлади.

Баъзан бозорда нимадир олиб торгатириш учун тарозига кўясиз, сотувчи дейди: “Тарози ҳалол”. Шунда: “Ўзингизчи?” – дегингиз келади. Тарози сизни эмас, сиз тарозини бошқарасизда, афсус.

Доно ва нодонни умумлаштирадиган бир нарса борки, бу сукутдир. Сукут нодонни билимсизлигини яшириш учун, дононинг эса мулоҳазакорлигини белгилаш учун хизмат қилади.

Шамол учун йўналишининг қатъий чегараси йўқ, у худди алмашиниб турувчи инсон кайфияти сингаридир.

Айримлар танасини даволаш учун табибга, врачга ошиқишади. Аксинча, аҳли донишлар суҳбатида бўлгин ёки театрга бор, кинога тушгин, улар сенинг руҳиятингни даволайди. Руҳияти соғлом одамнинг танаси азиат чекиб шифокорга югуриши камдан-кам учрайди.

Болалигингда майда жинс ва заррачаларгача кўра оладиган кўзга эга бўласан. Ёшинг ўта борган сайин бу кўз хиралаша боради, атрофдаги нарсаларни кўзинг илғамай қолади. Лекин бошқа бир кўзинг ўтқирлаша боради. Биринчиси оддий кўз болалиқда, иккинчиси эса ақл кўзи қарилиқда.

Транспорт воситаларига деразадан туриб разм соламан: у ёқдан-бу ёққа ҳаракатланаётган ҳар хил русумдаги машиналар ранги, тезлиги, от кучига эгалиги, кўриниши жиҳатидан хилма-хил. Уларнинг ҳаммаси ҳам ҳайдовчи ва йўловчиларни ўз мақсад манзилларига етиб боришига хизмат қилиши билан аҳамиятли. Акс ҳолда, у куруқ темир-терсакнинг ўзидир. Одам-зод ҳам шунақа касб-кори, қобилияти боис жамиятга манфаат келтириши билангина қийматлидир.

Сизни доимо таъкиб ва тазйиқ этиб юрувчи икки туйғу: муҳаббат ва ўлим борлигини ҳис этиб яшаш марокли ҳам кўрқинчлидир.

Фақат ўзинигина қаттиқ севган одам ўзгани сева олмайди. Ўзини тафтиш қилиш ва тергаш хаёлига ҳам келмайди, фақат ўзини ҳақ деб билади. Кимнидир “севиши” ҳам аслида, ўзини севиш қобиғидаги ҳаракати, бошқача айтганда, ўз эҳтиросига қуллуқ қилиб нафсига қуллигидир.

Тақдирингга ёзилгани шу бўлса, қочиб қутулолмайсан, нолиб, уни ёки буни сабаб қилиб кўрсатиб, бошингни қотирма. Ўз танингни емириб, жонингга зомин бўлганинг қолади, холос. Ҳаётингни яхшиламоқчидек бўлиб, тақдир ишига қарши борсанг, қарғишга дучор бўлиб, ўнглана олмас дардга гирифтор бўласан. Ўзи бадрўй, бадхулқ бўлса, унинг бир томони бордирки, Яратганга хуш келган, шуни сенга сабаб қилиб боғлабди, сенинг ҳам қайсидир банда билмас феъл-атворинг бордирки, Яратганнинг ўзи уни сенга шерик қилибди. Бу синов ва “сийлов” олдида эсанқираш ва нолиш ҳамда ўзгалар сўзи билан қилинган хатти-ҳаракат эса Яратганга маломатдир, сўнгра ўзингга надоматдир.

Қуш қўш қаноти билан парвоз қиларкан, унинг ўнг қанотини таълим ва маърифатга, сўл қанотини тарбия ва маънавият-

га, бош қисми ва кўзини тафаккурга қиёс қилгим келаверади. Усиз инсоннинг ҳам парвоз завқи-ю мазмун-моҳияти йўқ.

БИЛИМ (Нима? Қачон? Қаерда?) – ҳаражат, ИЛМ (Нега? Нима учун? Нима мақсадда?) – ҳаракат, ФИКР (Қандай қилиб? Жавоб излаб...) – баракатдир.

Ниманидир бўяб бежаш ёки безаш ишини оммалаштириш аслида, нималарнидир ёхуд қайсидир нуқсонларни яшириш бадалига диққатни чалғитишмасмикан?

Ўқишга, уқишга, фикрлашга шошилсанг ҳам, лекин сўзлашга шошилма! Хом таом қорин оғриғига, хом калом бош оғриғига боис бўлади. Айтилган сўз отилган ўқлигини билганлар ҳукм чиқаришга шошилмасликлари аниқ.

Боши ишламаганни оёғи ҳам ишламайди, оёғи ишлаганни боши ҳам ишламайди. Акс ҳолда, Жан Жак Руссо бир романни ёзиш учун уйининг ичида 25 километрни босмаган бўларди.

Инглиз тилини ўрганишга интилганлардан бири: “Инглизларга ҳайронман, “Лондон”, – деб ёзишади-ю, “Париж”, – деб ўқишади”, – дерди нукул.

Бир танишим ўзи оддий ойликка яшарди, хотиржам эди, аммо фикр ва сўзи моддий бойликка айлангач, тиними, кўними, ҳузур-ҳаловати бузилди.

Эскини эслатган эссиздир.

Истеъдодли ва иқтидорли инсонларнинг соясида биқиниб, улар ғоясини дастак қилиб юрувчилар кўпайган жамиятда чин тараққиёт бўлмайди.

Халқ орасида шундай табиий талантлар бўладики, уларни юзага чиқариш учун хайрихоҳлик ва маблағ керак. Улар юзага келган сунъий иқтидорлардан табиийлиги ва жонлилиги билан тафовут килиб туради.

Калласиз одам бировнинг калласи билан ишлаши учун ҳам калласи бўлиши керак.

Чумчуққа тўпдан ўқ узиш мантиқсиз бўлганидек, бургутнинг пашша овлаши ҳам ғалати.

Семиз бир бақалоқ дўстим: “Ҳамма ҳақда шеър ёздинг, мен ҳақимда ҳеч нарса ёзмадинг», – деб ўпкалади. Мен эса “юрак-лаб”: “Ёзмоқчи бўламан, лекин сен шеърга сиғмайсан-да», – деб кутулдим.

Ўзининг донолигини ошириб-тошириб юрганни эмас, яшира билмаганни ҳам доно дейиш қийин.

Антика томошани кўриб сизни ҳайратга туширувчи кўз қудратлими ёки эшитганингизда, ўқиганингизда сизни ҳаяжонга солувчи сўз қудратлими? Сўзнинг асиридан кўра, кўзга асир бўлганлар кўпроқдир. Сийрат ҳамиша ҳам сувратда акс этавермайди. У инсон ичра ниҳондир.

Ёлғондакам ростдан кўра, ростакам ёлғон баъзан умид уйғотади.

Сени тушунмаганни тушунишинг ва тушунтиришингнинг ўзи тушунмовчиликдир.

Умумманфаат юмуши билан бирон раҳбарнинг қабулига кирсангиз, иш битмаса сиқилманг, ўкинманг, бу сўнгги илинж, охириги умид эмас, эрта бўлади, эрта бўлмаса индин, борингки,

олий ҳакам вақт бор, ҳаммасини ўз жойига қўяди. Фақат сиқилганингиз, бирон бир дард орттирганингиз қолади, холос. Доимо умрни узайтирувчи умид билан ҳамроз бўлинг.

Очлик ва тўқлик замонида ҳам, борлик ва йўқлик маконида ҳам донишмандлар ўзлигини доим сақлаб қолганлар.

Одамзод кийимларини ҳам фаслга монанд алмаштириб туради, ақалли ювиб янгилайди ҳам. Мен қизиқчи, аскиячи ва хонандаларга шундоқ дегим келади: “Ҳеч бўлмаса, репертуарингизни янгилаб, алмаштириб турунг. Такрор ва қайтариқ фойдаланиш – муддати тугаган дори каби зарар ва заҳардан бошқа нарса эмас.”

Пешанасига “от” – деб ёзилгани билан, уни “от” – дейиш мумкиндир, лекин қилиғи ҳачирлигини ошқор қилади.

Кар, кўр, соқов бўлиб яшаш бадалига бойиш, тўғри йўлда тойишга ўхшайди.

Шундай тоифа одамлар борки, улар учун кеча ва эртадан кўра, бугун аҳамиятли, бугунни шиор қилиб яшашади. Уларга шоирнинг ушбу мисраларини тақдим этгим келади.

Сиргимга қараб сен чиқарма ҳукм,
Билмайсан ичимда нималар ҳоким,
Олдинда бор “Вақт”, – деган донишманд,
Кўрсатар ҳали у, сен ким-у, мен ким?

Иккита ибрат мактаби бор: бири маҳқумлар қароргоҳи, яна бири марҳумлар қароргоҳи.

Отнинг тишига қараб ёши, одамзоднинг ишига қараб кимлиги, элнинг ташвишига қараб табиати, адибнинг ёзишига қараб истеъдоди, чаённинг нишига қараб заҳри белгиланади.

Қора кўзойнак тақиб ҳаётга қарайдиганларни ҳам ёки лупа, заррабин билан нигоҳ ташлайдиганларни ҳам ҳуш кўравермайман. Биринчилари ёруғ ва оқ нарсаларни хира ва оқиш қилиб кўрсатса, иккинчилари майда-чуйда нарсаларни гўё, пашпадан фил ясайдиганлардек қилиб кўрсатади. Шунинг учун, ақл-у адл кўзи билан ҳаётни баҳолайдиганлар ўзини ҳам, ўзгани ҳам чалғитмайди.

Ушалмас орзу-умидинг, етолмас армонинг, эришолмас мақсадинг нима? Эллиқ ёшдан ошгандаги ақл-идрокинг, фаҳм-фаросатингни болалигингда берилмаганлигидир.

Шеър илҳом парисига, қушга ўхшатилади, унинг устига ижтимоий иқтисодиётнинг залворли юқини юклаб ҳачирга айлангириш ўринли эмас.

Оёғинг, кўлинг синса ёки чиқар бўлса, ўқинма. У сенинг бундан кейинги ҳаётингда эҳтиёткор бўлишинга даъват, қолеверса, қадамингни ўйлаб босиб, кўлингни ўринли чўзишинг зарурлигига ишоратдир.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Чизгиларим – сезгиларим | 3 |
| Таълим – мажбурият, тарбия – масъулият | 16 |
| Маънавиятли – эзгу ниятли | 23 |
| Нутқ моҳияти сўз хосиятидан | 41 |
| Яшаш тарзи – қараш тархи | 79 |
| Оқибатинг – охиратинг | 111 |
| Аёллар ва хаёллар | 118 |
| Нафс балоси – мол мубталоси | 124 |
| Зил замбил ҳазил | 135 |



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
 “МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ” ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ



НОТИҚЛИК САЪЪАТИ ВА НУТҚ МАҲОРАТИНИ ЭҒАЛЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Сиз нутқингизни раво, дийдоли ва жозибалдор бўлишини, таъсири сўзлаш ва ифодали ўқишни, мулоқот маданиятингизни, суҳандонлик ва бошловчилик маҳоратингизни оширишни, нотиқлик саъъатини эгаллашни, хоҳлайсизми?

РИТОРИКА МАҲОРАТ МАКТАБИГА МАРҲАМАТ!

Нутқингиз аниқлиги тафаккур ва талаффузнинг тиниклигидан. Машҳур нотиқ ва таниқли саъъаткорлар билан мулоқотга киришингиз! Ўз-ўзингизни кўринг, тингланг, анланг! Сиздаги истеъдод учқунини таланти алаҳмасига айлансин!

Машғулотлар аудио ва видео воситалари билан овоз ёзиш ва тасвирга тушириш йўсинида олиб борилади. Сизга маърифат тарқатиши ва сабоқ беришдан мамнунмиз!


Ўқув машғулотлари сизнинг вақтингизга қараб ташкил этилади.



МАНЗИЛИМИЗ:

“FOYTAHX” бизнес-маркази, 7-кавч
 МЎЖА.Д
 Мустақиллик майдони, Маърифат маркази,
 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси,
 Метроини “Мустақиллик майдони” бекети.

ЎЗБИКИСТОН Республикаси
 ☎99895 169 62 25, ☎99890 994 60 90
 ☎99895 194 60 90, ☎99890 977 58 75



РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ

ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ,
ТАФАККУР, ТАРАҚҚИЁТ

(чизмалар)

Мухаррир: *Ш. Қурбонов*
Техник муҳаррир: *У. Ҳамутов*
Мусахҳиҳ: *Т. Турсунов*
Дизайнер-саҳифаловчи: *С. Акбаров*

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.
100070, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй.
Телефон: (+99871) 215-54-97
Факс: (+99871) 215-54-98

e-mail: abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашриёт лицензияси АІ №220, 16.11.2012.
Босишга 22.05.2015 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. Шартли босма тобоғи 9,5. Нашр тобоғи 8,8.
Адади 1000. Буюртма №15-016. Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ матбаа бўлимида босилди.